

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат аргар университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва уларни малакасини
oshiриш тармоқ марказ директори,
академик С.С.Ғуломов

“ ” 2015 йил

**“ИПАК ҚУРТИ БОҚИШ ВА ИНТЕНСИВ ТУТЗОРЛАР ТАШКИЛ
ЭТИШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи

Тошкент – 2015

МУДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	9
1-Мавзу: Республикамиз вилоят туманларида маҳсус қуртхоналар ташкил этиш ва пилла етишириш	9
Республикамиз вилоят туманларида пахтасаноатга қарашли пахта қабул қилиш пуктлари қошида маҳсус қуртхоналарнинг ташкил этилганлиги ва унинг аҳамияти....	9
Маҳсус қуртхоналарда қурт боқишига тайёргарлик кўриш.....	10
Маҳсус қуртхоналарни дезинфекция қилиш	15
2-мавзу: Республикаизда ипак қурти уруғини жонлантириш ва тарқатиш усувлари....	18
Инкубаторияларни танлаш ва ташкил этиши	18
Уруғни жонлантириш муддатларини аниқлаш	21
Инкубаторияни дезинфекция қилиш	27
Жонланган уруғларни тортиш ва тарқатиш.....	29
3-Мавзу: Ипак қурти касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари.....	32
Ипак қурти касалликлари түғрисида тушунча	32
Ипак қуртини бактериал касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари.....	34
Ипак қуртининг замбуруғ касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари	39
Ипак қуртининг вирус касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари	45
Ипак қуртини пебрина(нозематос) касаллиги ва уларга қарши кураш чоралари.....	49
4-Мавзу: Интенсив тутзорлар ташкил этиш. Тутзорларни ўғитлаш, уларга шакл бериш ва қатор ораларига ишлов бериш, тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш, тут касалликлари ва зааркунандаларига қарши кураш чоралари.....	54
Интенсив тутзорларни ташкил этиш ва уларни қатор ораларига ишлов бериш.....	54
Тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш усувлари	56
Тут касалликлари ва зааркунандаларига қарши кураш чоралари	58
Фойдаланилган адабиётлар	61
ГЛОССАРИЙ	64

ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Тут дарахти жуда қадимий кўп йиллик ўсимлилк бўлиб, тарихий манбаларга кўра 5000 минг йил илгари Хитойда тарқалиб, сўнгра Ўзбекистонда ҳам ўстирилиб меваси истеъмол қилиниб, жуда ноёб ҳисобланган, унинг барги билан ипак қурти боқилиб нафис ва мустаҳкам ипак олинган. Асрлар давомида халқ селекцияси томонидан Шотут, Балхитут, Марваридтут ва бошқа тут навлари яратилиб ҳозирги пайтда ҳам ўстирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва қишлоқ хўжалик вазирлиги билан биргалиқда 1998 йил 29 март ва 3 апрелда чиқарилган қарорида ипак қурти учун озуқа берувчи тут дарахтларни ва тутзорларни оиласий звеноларга ва фермерларга бириктириб қўйиши, янги тутзорлар барпо этиш ва тут кўчатлари етиширишни ривожлантириш ҳамда тутзорларни сақлаш устидан назорат ўрнатиш каби бир неча масалалар қабул қилинди. Яна 2000 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етишириш ҳажмларини кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида» қарори чиқди.

Президентнинг “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ-512-сонли қарорига асосан жуда кўплаб ижобий ишлар қилинди. Кейинги уч йилда пилла етишириш ҳажми – 25171 тоннагача кўпайди, 2007-2009 йилларда махсус ажратилган 10142.5 гектар ер майдонида янги тутзорлар барпо этилди. Ариқ ва йўл ёқаларига 20330 минг туп якка қатор тутлар ўтқазилди.

Келгусида Республикада ипакчиликни ривожлантириш учун селекционерларимиз тамонидан яратилаётган янги истиқболли на-влардан озуқа фондини бойитиши керак.

Жаҳонда ипакчилик билан шуғулланаётган Хитой, Япония, Хиндистон, Корея ва бошқа мамлакатларда фақат навли тут кўчатлари ўстирилиб, улардан асосан тутзорлар барпо этилиб сифатли ва мўл пилла ҳосили етиширилмоқда.

Республикамизда етиширилаётган пиллаларни жаҳон бозорига олиб чиқишида ипак қурти уруғининг сифатини оширишда боқиши агротехникасини яхшилаш билан биргалиқда вилоятларда мавжуд бўлган (питомникларда) кўчатзорларда кўплаб навли кўчатлар етиширишни йўлга қўйиши керак.

Тутчилик агробиолик фан бўлиб, тут ўсимлиги тўғрисида кўплаб илмий ва илғор ишлаб чиқариш ютуқларини ва бир қанча керакли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ипак қурти боқиши ва интенсив тутзорлар ташкил этишдаги долзарб масалалари” модулининг мақсади: педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнишка ва малакаларларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат. Фаннинг ривожланиш тарихи, махсус куртхоналарда қурт боқиши ва интенсив тутзорларни парваришлашни ўрганиш.

“Ипак қурти боқиши ва интенсив тутзорлар ташкил этишдаги долзарб масалалари” модулининг вазифалари:

“Ипакчилик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнишка, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

Махсус қуртхоналарда ипак қуртини боқиши ва юқори пилла ҳосилини етиштириш технологиясини ўрганиш тўғрисидаги билимларни бериш.

“Ипакчилик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

“Ипак қурти боқиши ва интенсив тутзорлар ташкил этишдаги долзарб масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида: бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тут ипак қуртини парваришлаш, пилла етиштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника, озиқланиш майдони ва тут барги сарфини миқдорини ҳисоблай билишни;
- тут нихоли ва кўчатларни экиш-жойлаштириш учун ер майдонини тақсимлашни;
- тутни парвариш қилиш, тутни кўпайтириш усулларини;
- тутзорлар ташкил қилиш, тут нихолчалари ва кўчатларини ўстириш, тут питомникларида ишни ташкил этишни;
- куртхонадаги ҳарорат ва намлики ипак қуртига таъсирини;
- ипак қуртини боқища тўйимли тут баргларини танлаш тўғрисида **билиши керак**;
- тут кўчатзорида алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқиши;
- интенсив тутзорлар ташкил этиш, парваришлаш, ўғитлаш ва қатор ораларига ишлов бериш;
- ипак қурти касалликларини турини ва келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;
- уруғларни саралаш, сифатини аниқлаш ва пебринага қарши микроскопда текшириш каби **кўникмаларига эга бўлиши керак**;
- ипак қурти уруғини жонлантириш, жонланган куртларни тортиш ва тарқатиш;
- фермер хўжаликларига ипак қуртини тарқатиш миқдорини белгилаш;
- ипак қуртини озуқа балансини аниқлаш, тутларни барг ҳосилдорлигини ҳисоблаш;
- тут нихоллари ва кўчатлари ўстирилаётган жойларда ёруғлик, ҳарорат, сув ва озуқа моддаларини оптималлаштириш;
- ҳосил берадиган якка қатор тут плантацияларида тупроққа ишлов бериш, суғориш, ўғитларни бериш, парваришлаш ва бошқа агротехник чора тадбирларни бажариш юзасидан **малакаларига эга бўлиши керак**;
- замонавий типдаги куртхоналарда ипак қуртини парваришлаш;
- сифатли пилла тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш;
- тут уруғини тайёрлаш, сақлаш ва унувчанлигини аниқлаш;
- тут кўчатлари ва дархтлари билан дала вегетацион тажриба ўтказиш;
- курт боқиши ва пилла етиштиришда хориж тажрибасини ўрганиш;
- тут нихоли ва кўчатларига ҳамда озуқа тутзорларига ишлов бериш технологиясини, ҳосилни йиғиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлик масалаларни ҳал қилиш;

—тутчилик ва ипакчиликдан агротехнологиялари бўйича илмий ғояларни тезда ўзлаштириб, танқидий баҳо бериб, уни тадбиқ этиш йўлларини аниқлаш **компетенцияларга эга бўлиши керак.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ипак қурти боқиши ва интенсив тутзорлар ташкил этишдаги долзарб масалалари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, ақлий хужум ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ипак қурти боқиши ва интенсив тутзорлар ташкил этишдаги долзарб масалалари” модули мазмуни ўқув режадаги “Пилла ва ипак хом ашёсини қайта ишлашдаги янги технологиялар”, “Ипак қурти уруғини тайёрлашнинг замонавий усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг маҳсус қуртхоналарда курт боқиши ва интенсив тутзорларни парвариш қилиш каби долзарб масалаларидан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ипак қуртини прогрессив боқиши технологиясини ва интенсив тутзорларни парвариш қилиш, пиллага дастлабки ишлов бериш янги технологияси каби воситаларини қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бүйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Жами	жумладан			Мустакил таълим
Мавзулар				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Республикамиз вилоят туманларида маҳсус куртхоналар ташкил этиш ва пилла етиштириш.	8	6	2	4		2
2.	Республикамизда ипак қурти уруғини жонлантириш ва тарқатиш усуллари	8	6	2	4		2
3.	Ипак қурти касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари	8	8	2	6		
4.	Интенсив тутзорлар ташкил этиш. Тутзорларни ўғитлаш, уларга шакл бериш ва қатор ораларига ишлов бериш, тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш, тут касалликлари ва заараркунандаларига қарши кураш чоралари.	2	2	2			
Жами:		26	22	8	14		4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Республикамиз вилоят туманларида маҳсус қуртхоналар ташкил этиш ва пилла етиштириш.

(2 соат)

Режа:

1. Республикамиз вилоят туманларида пахтасаноатга қарашли пахта қабул қилиш пунктлари қошида маҳсус қуртхоналарнинг ташкил этилганлиги ва унинг аҳамияти.
2. Маҳсус қуртхоналарда қурт бοқишига тайёргарлик кўриш
3. Маҳсус қуртхоналарни дезинфекция қилиш

Республикамиз вилоят туманларида пахтасаноатга қарашли пахта қабул қилиш пунктлари қошида маҳсус қуртхоналарнинг ташкил этилганлиги ва унинг аҳамияти. Маҳсус қуртхоналар. Маҳсус қуртхоналарда қурт бοқишига тайёргарлик кўриш. Маҳсус қуртхоналарни дезинфекция қилиш. Маҳсус қуртхоналарда иш ташкил қилиш.

2-Мавзу: Республикамизда ипак қурти уруғини жонлантириш ва тарқатиш усуслари (2 соат)

Режа:

1. Инкубаторияларни танлаш ва ташкил этиш.
2. Инкубаторияни дезинфекция қилиш.
3. Уруғни жонлантириш муддатларини аниқлаш.
4. Жонланган уруғларни тортиш ва тарқатиш.

Инкубатория. Инкубаторияларни танлаш ва ташкил этиш. Инкубаторияни дезинфекция қилиш. Жонланган уруғларни тортиш ва тарқатиш. Инкубаторияларда ишларни сифатли бошқариш. Уруғларни тортиш. Уруғларни тарқатиш.

3-Мавзу: Ипак қурти касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари

(2 соат)

Режа:

1. Ипак қурти касалликлари тўғрисида тушунча.
2. Ипак қуртини бактериал касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари.
3. Ипак қуртининг замбуруғ касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари.
4. Ипак қуртининг вирус касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари.
5. Ипак қуртини пебрина касаллиги ва уларга қарши кураш чоралари.

Ипак қуртини асрар ва сақлаш, Ипак қурти касалликлари тўғрисида тушунча, Ипак қуртини бактериал касалликлари. Ипак қуртининг замбуруғ касалликлари. Ипак қуртининг вирус касалликлари. Ипак қуртини пебрина касаллиги. Ипак қурти касалликларига қарши кураш, Ипак қурти касалликларини олдини олиш.

4-Мавзу: Интенсив тутзорлар ташкил этиш. Тутзорларни ўғитлаш, уларга шакл бериш ва қатор ораларига ишлов бериш, тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш, тут касалликлари ва зааркунандаларига қарши кураш чоралари. (2 соат)

Режа:

1. Интенсив тутзорларни ташкил этиш ва уларни қатор ораларига ишлов бериш.
2. Тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш усуслари

3. Тут касалликлари ва зааркунандаларига қарши кураш чоралари

Интенсив тутзорлар, Интенсив тутзорларни ташкил этиш, Тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш. Тут касалликлари ва зааркунандаларига қарши кураш. Тутзорлардан сифатли ва мұл ҳосил олиш. Тут дараҳтларини зааркунандалардан ҳимоя қилиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мавзу: Интенсив тутзорларни ташкил қилиш бүйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Интенсив тутзорларни ташкил қилиш ва уларга агротехник ишлов беріш (4 соат)

Амалий иш топшириғи. Интенсив тутзорларни ташкил қилиш бүйича хориж тажрибаси. Тутзорларга янги механизмлар асосида ишлов берішнинг ахамияти.

Мавзу: Тутзорларни барг ҳосилини аниқлаш усууллари. (4 соат)

Амалий иш топшириғи. Биологик, С.Дайн усуулларда барг ҳосилдорлигини аниқлаш. .

Мавзу: Дунё бүйича кенг тарқалған тут касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари (6 соат)

Амалий иш топшириғи. Республикализнинг вилоят ва туманларида тутнинг кенг тарқалған касалликлари билан танишиш ва уларни бартараф этиш йўллари.

Ушбу модул бүйича күчма машғулотлар белгиланмаган

Мустақил таълим

1. Республикализга мослашған тут турларининг классификацияси (2 соат)
2. Шотут ва Балхи тут күчатларини етиштириш технологияси. (2 соат)

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-Мавзу: Республикамиз вилоят туманларида маҳсус қуртхоналар ташкил этиш ва пилла етишириш.

Режа:

1. Республикамиз вилоят туманларида пахтасаноатга қарашли пахта қабул қилиш пунктлари қошида маҳсус қуртхоналарнинг ташкил этилганлиги ва унинг аҳамияти.
2. Маҳсус қуртхоналарда курт боқишига тайёргарлик кўриш
3. Маҳсус қуртхоналарни дезинфекция қилиш

Таяинч иборалар: дезинфекция кучи, дезинфекция,. дезинфекция, инкубация, маҳсус қуртхона, агротехника, гумбак, қурт.

Республикамиз вилоят туманларида пахтасаноатга қарашли пахта қабул қилиш пунктлари қошида маҳсус қуртхоналарнинг ташкил этилганлиги ва унинг аҳамияти

Республикамизнинг барча вилоятларида тут ипак қурти боқилади ва кейинги 5 йилда 20-21 минг тонна пилла тайёрланди. Ҳосилдорлик ҳар бир қути курт ҳисобига 48-50 кг, айрим вилоятларда эса 44-46 килограммни ташкил этмоқда. Навли пиллалар миқдори 82-83% дан ошмаяпти. Ипакчилик соҳаси тараққий этган Хитой, Япония, Корея, Хиндистон каби мамлакатларда ҳосилдорлик 1,3-1,5 марта юқори бўлиб, навли пиллалар миқдори эса 93-94%ни ташкил этади. Сифатли пиллаларнинг ташки бозордаги нархи 3-4 баробар юқори бўлмоқда.

Кейинги йилларда республикамизда пилла етишириш бирмунча камайди. Агар 1990-1991 йилларда 33-34 минг тонна пилла етиширилган бўлса, ҳозирги даврга келиб 18-20 минг тоннага тушиб қолди. Пилланинг сифат кўрсаткичлари ташки ва ички бозор талабларига тўла жавоб берадолмай қолди. Республикада етиширилаётган пилланинг харид нархлари жаҳон бозори кўрсаткичларидан анча паст бўлмоқда (4).

Пиллачилик тармоғининг энг долзарб муаммоси юқори навли рақобатбардош пилла ҳамда ипак толасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишидир. Соҳадан ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1998 йил 30 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада Пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш» тўғрисидаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 3 апрелда чиқарилган «Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ва 2000 йил 15 марта даги «Пиллачиликнинг озиқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етишириш хажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди. Қарорларда республикамизда «Ўзбек ипаги» мустақил уюшмасини ташкил этиш, пиллачилик соҳасида хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштириш ҳамда агро-саноат интеграцияси ва кооперациясининг янги ташкилий шаклларини ривожлантириш, тут ипак қурти уруғи етиширишнинг юқори ва самарали технологияларини ўрганиш ва жорий этиш, ипак қурти боқишининг янги технологиясини жорий этиш, мўл ва сифатли пилла хомашёси, ипак калава ҳамда соф ва аралаш шойи газламалар ишлаб чиқариш, янги тутзорлар барпо этиш, замон талабига жавоб берадиган ипакчилик мутахассисларини тайёрлашни яхшилаш чоралари кўрсатилган (7,8).

Ушбу фармон ва қарорларни ҳаётда тадбиқ этиш ва амалга ошириш борасида соҳа пиллакорлари, мутахассислари ва олимлари ҳозирги замон фан ва техника ютуқларига амал қилиб, илғор тажрибаларни қўллаган холда иш олиб бормоқдалар. Шу билан бир қаторда пиллачиликни янада ривожлантириш, аҳолининг ипаклик кийим-кечакларга ошиб бораётган талабини қондириш ва табиий ипакдан тайёрланган моллар билан бозорни тўлароқ таъминлаш, мўл ва сифатли пилла этиштириш учун ипак қуртининг озиқа базаси ҳисобланган навдор тутларни қўпайтириш, ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини яратиш, уруғчилик ишларини такомиллаштириш, қурт боқишида янги технологияларни қўллаш ва агро-зоогигиена қоидаларига риоя қилиш каби ишларни амалга оширишни талаб этилади

Махсус қуртхоналарда қурт боқишига тайёргарлик қўриш

Агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилган холда қурт боқиши учун керакли ҳарорат, намлик, ҳаво характеристи ва ёруғликни фақат маҳсус қуртхоналардан яратиш мумкин. Лекин ҳозирги кунда маҳсус қуртхоналарни қўриш учун шарт-шароитлар йўқ чунки, улар қимматга тушади. Шунинг учун қурт боқишида турли ҳўжалик бинолари (жамоат бинолари, молхона, сарой, айвон, клублар, идоралар ва хоказо) ва звеноларнинг уйларидан фойдаланилади.

Ипакчиликнинг дастлабки ривожланиш даврларида, ёввойи ипак қуртларидан кўпроқ пилла ҳосили олишда қуртларни хонакилаштириш учун енгил типдаги)мисол: чайла, капа, усти ёпиқ биноларда бокилган. Дастлаб кичик ёшдаги қуртлар капаларда боқилиб, тўртинчи ёшдан усти ўраб олинган бута тутзор ёки чайла шаклидаги биноларга ўтказилган. Табиий шароитда қуртлар кесилмаган соф барглар билан озиқланади. Лекин ҳаво ҳарорати ва намликнинг кун давомида кескин ўзгариши, ёмғир, қуёш нурининг таъсири қуртларнинг ривожланишига, пилла сифатига, ҳосилига салбий таъсирини кўрсатди ва қуртлар кўп нобуд бўлди.

Кейинчалик турли қурилиш материаллардан енгил типдаги қуртхоналар курилди)11-расм). Бу қуртхоналарнинг ҳарорати ва намлиги ташқи муҳит ҳарорати ва намлигига яқин бўлсада зааркунандалардан бироз ҳимояланган, лекин қуртларни боқиши ва пилла ўраш шароити чайла типидагиларига нисбатан яхшироқ бўлган. Шуларни эътиборга олиб пиллакорлар қурт боқиши шароити ва қуртхоналарни такомиллаштириб борганлар. Натижада қуртхона учун лойдан, пахсадан, ғиштдан ясалган қалин деворли биноларда қурт боқишига ўтилган. Бу биноларда, иссик кунларда ҳам $24-27^0$ даражадаги ҳарорат ва керакли намликни сақлаш мумкин. Баъзида олдинги томони тўсилган айвон ҳамда бостирмалардан ҳам катта ёшдаги қуртларни боқиши учун фойдаланиб келинмоқда.

Махсус қуртхоналар. Ҳўжаликларда пиллачиликни ривожлантириш, ипак қуртларидан олинадиган пилла ҳосили ва сифатини янада ошириш мақсадида қуртларни маҳсус қуртхоналарда боқишига ўтиш ва замонавий қуртхоналар қуришга эътибор берилмоқда. Чунки республика Вазирлар Маҳкамаси бу тўғрида 1998 ва 2000 йилларда маҳсус қарорлар қабул қилди.

Махсус қуртхоналардан нафақат қурт боқиши даврида, балки пиллаларни йиғишириб олгач, маҳсулотларни сақлаш, чорва молларини боқиши, пахтани куритиш ва дон маҳсулотларини сақлашда кенг кўламда фойдаланиш мумкин.

Махсус қуртхоналарда қурт боқиши учун хоналар, барг тайёрлаш ва сақлаш, пилла ўраш ҳамда навларга ажратиш, қурт боқишида ишлатиладиган асбоб-анжомларни сақлаш, дам олиш ва бошқа хоналар бўлиши мумкин.

қуртхона тутзорларнинг ёнида ва катта йўлга яқин жойда қуриш маъқул. қуриш жойи танлашда иқлим шароити, қайси томонга қаратиб қуришга эътибор бериш керак. қуртхона атрофига шамол ва қуёш нуридан сақлаш учун 2-3 қатор дараҳт экиласди.

Бир қути қурт боқилганда 285-300 кг яқин тезак ва 600 кг яқин ғана чиқинди сифатида чиқариб ташланади. Бу чиқиндиларни ташлаш учун қуртхонадан 150-200 м узокликдаги масофада 10 қути қурт учун 1m^3 ҳажмдаги чукур хандак ва ғана навдаларини сақлаш учун 30 m^2 га яқин жой керак. қуртхона яқинидаги, баргларни сақлаш хонаси ва айникса ёзги қурт боқиши даврида ювиш учун табиий сув манбаи бўлиш керак.

қуртхонани қураётган вақтида қурт боқиши қоидаси ва агротехникасига риоя қилган ҳолда 1 қути қурт боқиши учун $60-70\text{ m}^2$, озиқаланиш, 18-20 метр қўшимча майдон бўлиши зарур.

Самарқанд туманидаги 12 қутига мўлжалланган махсус (намунали) қуртхона (12×12 расм) қурилган бўлиб, унда катталиги $16\times10,5$ м, баландлиги 4 м бўлган тўртта қурт боқиши хонаси, ўртасида $10,5\times8$ м катталиқдаги барг сақлаш хоналардан иборат. қурт боқиши хонасида ҳар бир томонида $1,3\times1$ м катталиқда дераза ойналар жойлашган. Таги ер-пол ва томи сомон лой билан қопланган. Девори $1,5$ м хом ғиштдан ясалган, яхши сувалган ва оқланган.

Ҳар бир хонада $2,5$ м узунликда, баландлиги 3 м кўмир ёки газда ёқиладиган ва тешиги ташқарида жойлашган печкалар ўрнатилган. Бинонинг деворида 30×30 см ли бтадан шамоллатгич тешиклар, бундан ташқари бта сўрғич трубалар мавжуд.

қуртхонада қуртларни жойлаштириш учун 2 қатор 4 қаватли, стеллажлар қурилган. Стеллажларнинг эни $2,25$ м, қаватлар оралиғи $0,6$ м, девордан $0,7$ м, стеллажлар оралиғи $1,5$ м қилиб жойлаштирилган.

Куртхонани иситиши. қуртхонада керакли ҳаво ҳароратни яратиш учун иситиш ва шамоллатиш манбалари билан таъминлаш керак. Иситиш манбалари қуйидаги талабларга:
1. Иссик қуртхонанинг ҳамма жойига бир хилда тарқалиши; 2. Ҳароратни тезда кўтарилиши; 3. Ҳароратни узоқ муддатда сақлай олиши; 4. Ёқилғини тежамкорлик билан сарфланишини таъминлаш керак.

қуртхоналарда туника печкалардан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки улар тезда жуда юқори ҳарорат бериб, ҳавони қуритади ва тезда совийди. Натижада қуртхонада ҳарорат кескин ўзгариб туради.

Махсус капитал қуртхоналарда ҳароратни доимий сақлаш учун пишиқ ёки хом ғиштлардан қурилган махсус печкалардан фойдаланилади (13×12 расм). Печканинг корпуси тик вертикал холатда қўйилган бўлиб, тирсак мўрили эшикчаси ва шамоллатгичи герметик ёпиладиган ўт ёқиш тешиги хонанинг ташқарисида бўлади. Бундай печларни қуриш учун $300-500$ дона (печнинг катталигига қараб) пишиқ ғишт етарли. 200 метр кубга яқин хонани 25^0 иссиқлик билан таъмин эта олади.

Бундан ташқари инкубаторияларни иситиш учун мұлжалланган печкалардан фойдаланиш мүмкін. Булар ҳам ғильтан ясалған бўлиб, баландлиги 160 см, узунлиги 125 см, эни 50 см, тутун чиқарадиган йўли мўриси тирсакли (бурилишли) қилиб ўрнатилган. Газ, сувли иситгичлар, электроэнергия в.б. иситгич манбалари бўлган қишлоқ жойларда, қуртхоналарни иситиш учун иситгич системаларига шу турдаги энергиялардан фойдаланиш мүмкін.

Шамоллатиши. қуртхонани шамоллатиш қуртларда модда алмашиш жараёнида ажратилган газсимон маҳсулотларни ортиқча намликини ва бузилган ҳавони тозалаш мақсадида олиб борилади. Бундан ташқари, шамоллатиш бино ҳароратити ва намлигини бошқаришга ёрдам беради.

Шамоллатиши тут ипак қурти маҳсулдорлигига таъсирини, даставвал Италия олимии Дандоло ўрганди, бир партия қуртларни ёпиқ бинода, иккинчи партияни нормал шароитда яхши шамоллатиш шароитда бокди, ёпиқ хонада бокилган қуртлардан бир кути хисобида 1,2 кг, яхши шамоллантирилган қуртлардан – 48 кг пилла олган.

Қуртхона ҳавоси таркибида карбонат ангидрид 0,2% дан ошмаслиги керак.

Ўтказилган тажрибаларга қўра 1кг қурт бир соатда 0,87 г карбонат ангидрид гази ажратади. 1г да таҳминан (зотига қараб) 2000-2500 дона қурт бўлиши мүмкін. 1 кути қуртда (19 г да) ўртача 45000 дона қурт бўлса, бешинчи ёшнинг охирида битта қуртнинг оғирлиги 5г, демак бир кути қуртнинг оғирлиги 45000 x 5=225,4 кг. Бир суткада 22540 x 0,87 x 24=4698 г карбонат ангидрид гази ажратади. 1 литр газнинг оғирлиги 1,976 граммга тенг. Демак 1 кути қурт 1 суткада 2377 литр газ ажратади. Ҳаво таркибидаги газ 0,1-0,2 фоизидан ошмаслиги учун 1 кути қуртга бир суткада 2377 метр куб ҳаво олиши керак. Бундан ташқари қурт бокиша иштирок этувчи хизматчиларни ҳам эътиборга олиш шарт. Ўртача битта одамга бир соатга 500л., бир суткада эса 12 метр куб ҳаво талаб этилади. Демак, 100 метр куб ҳажмли бинони 1 суткада таҳминан 24 марта ҳавосини алмаштириш керак.

Бешинчи ёшдаги 1 қурт бир суткада 728 мг сувни порлатади. Демак 1 кути қурт бешинчи ёшда бир суткада 45000 x 728 мг = 32,76 кг сув порлатади.

1 метр куб абсолют қуруқ ҳаво 20^0 даражада 10 г га яқин сув порларини сингдиради (ютади). Агарда, қуртхонага кираётган ҳаво таркибида 50 фоизга яқин намлик бўлса деб хисобласак, унда хонадан чиқаётган ҳаво тўлиқ тўйинган, яъни ҳар бир метр куб ҳаво қуртхонадан чиқаётib 5г намлики олиб кетади. Бунда 1 кути қуртни бир суткада ҳавога бўлган талаби қурт бешинчи ёшида:

$$31000 : 5 = 6200 \text{ метр куб бўлади}$$

Қуртларга берилган тут барглари ҳам сувни парлатади. Шунинг учун, бешинчи ёшдаги 1 кути қурт учун бир суткада 10000 метр куб ҳаво керак.

Қуртхонага ҳар бир секундда қуйидаги миқдорда ҳаво бериш керак:

$$(10000 \text{ м}^3) / 24 \times 60 \times 60 = 0,115 \text{ м}^3$$

Шунча миқдордаги ҳаво шамоллатиш тешиги орқали ўтказиш керак. Шамоллатиш тешиги диаметри катта бўлса, шамол ҳаракати тезлиги кам бўлади. Ҳаво ҳаракати бир секундда 0,5м да шамоллатиш тешиги:

$$0,115 : 0,5 \approx 0,23 \text{ м}^2$$

яъни ҳар бир қути бешинчи ёшда боқилаётган қуртларга битта $0,5 \times 0,5$ қ 25 м^2 ҳажмда шамоллантириш труба керак.

қуртхона ҳавосини тўлиқ алмаштириш давомати, ташқи муҳитнинг гигротермик режимига, шамолланиш мосламаларига боғлиқ.

Проф. Н.Ахмедовнинг «Шамоллантиришни тут ипак қурти маҳсулдорлигига таъсири» илмий иши (1971–1999 йй) ҳаво алмашинувини ташқи муҳитнинг гигротермик шароити ва шамоллатиш услубига боғлиқлиги (б жадвал) ва қуртхонада ҳаво алмаштириш жараённи ипак қуртининг биологик кўрсаткичлари ва пилланинг технологик хусусиятларига таъсири (7-жадвал) этишини исботлаб берди.

Агротехника қоидасига кўра қуртхона ҳавосини тўлиқ алмаштиришда шамоллаштириш муддати ташқи муҳит ҳароратига қараб 20 минутдан 30 минутгача вақт давомида бўлиши керак.

Иситимаган қуртхонада ҳаво алмашиниш муддатини ички ва ташқи ҳароратга ва шамоллатиш усулига боғлиқлиги 17-жадвалда берилган (Н.Ахмедов 1989 йил).

Қуртхона ҳавосини тўлиқ алмашинувини таъминлаш учун шамоллатишни маҳсус мосламалар ёрдамида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Соатига 260 м^3 ҳавони ташқарига тортиб чиқарадиган ВК-3 маркали электровентилятор синаб кўрилди (6-расм). Кузатишлар натижасида қуртхонанинг катта-кичиклиги, ҳажми ва қурт ёшига қараб ҳаво оқими тезлигини $0,12 - 0,15 \text{ м} / \text{сек}$ дан $0,22-0,25 \text{ м}/\text{секундгача}$ бўлиши ҳавони тўлиқ алмашиниши учун меъёрда бўлишшлиги аниқланди. Ҳозирги кунда республикамиз жамоа хўжаликларида ипак қуртлари $25-27^{\circ}\text{C}$ да боқилмоқда. Ҳарорати 26°C бўлган қуртхонадаги ҳавони тўлиқ алмаштиришни ВК-3 электровентилятор ёрдамида, ҳаво ҳаракати тезлигини $0,12-0,15 \text{ м}/\text{сек}$ га етказиб, ўрта ҳисобда 40 минут давомида амалга ошириш мумкин. Бунда шамоллатиш даври қуртхонадаги ҳарорат бор йўғи $0,5-0,6^{\circ}\text{C}$ га пасаяди, уни олдинги ҳолига келтириш учун эса 21-22 минут вақт сарфланади. қуртхона ҳавоси $0,22-0,25 \text{ м}/\text{сек}$, тезлик билан шамоллатилганда ҳавони тўлиқ алмашиниши учун 25 минут вақт кетади ва ҳарорат бу даврда $0,3^{\circ}\text{C}$, намлик 2,5% га пасаяди. Уни олдинги ҳолига келтириш учун 25 минут вақт сарфланади. Бундан ташқари бу ерда ташқи ҳавонинг ҳарорати ва намлигининг юқори ёки паст бўлишини аҳамияти йўқ. қуртхона ҳавоси оддий усулда, яъни эшик ёки деразани очиш йўли билан шамоллатилганда ҳавони тўлиқ алмашиниши учун 64 мин вақт кетган ва ҳарорат $2-3^{\circ}\text{C}$ га, намлик 9-13% га пасайган бўлиб, уни олдинги ҳолига келтириш учун 53-56 минут вақт сарфланади (Н.Ахмедов 1999 й маълумоти).

Қуртхонада ҳарорат ва намликни бир меъёрида тарқалиши қуртхона турларига, иситиш ва шамоллатиш усулига боғлиқ бўлади. Этажеркаларнинг пастки ва юқори қавати оралиғида ҳароратнинг фарқи $1,5 - 2^{\circ}\text{C}$ ёки ҳар бир метрга $0,75 - 1,0^{\circ}\text{C}$, катта хоналарнинг горизонталига $2-3^{\circ}\text{C}$ ташкил этади. Ҳароратнинг ўзгариши қуртхоналарнинг турли жойларида турлича бўлиб, эшик, ойна шамоллатгич корпуси иситиш системаларнинг жойлашишига боғлиқ бўлади (20-жадвал).

20-жадвал.

Қуртхона турига қараб ичидаги ҳароратни ўзгариши

Ҳарорат ўлчанган жой	Иситилган қуртхонада (катталиги 5x3м баландлиги 3м)			Иситилмаган қуртхонада (катталиги 9x5м, баландлиги 4м)		
	Пастғи қаватда ҳарорат	Ўрта қаватда ҳарорат	Юқори қаватда ҳарорат	Пастғи қаватда ҳарорат	Ўрта қаватда ҳарорат	Юқори қаватда ҳарорат
1. қуртхонани кириш қисмida	23,0 ⁰	24,7 ⁰	24,8 ⁰	21,5 ⁰	22,2 ⁰	23 ⁰
2. қуртхонани ўрта қисмida	22,1 ⁰	23,0 ⁰	24,0 ⁰	20,4 ⁰	21,3 ⁰	22 ⁰
3. қуртхонани охирида	21,1 ⁰	22,4 ⁰	23,0 ⁰	19,5 ⁰	20,3 ⁰	21,1 ⁰

Ҳарорат ва намлик миқдори ҳамда қуртларни қуртхонанинг қаерида жойлашганига қараб, уларнинг ривожланиши, пилла оғирлиги турлича бўлганлиги 21-жадвалда келтирилган (С.Муродов). Демак, пилла ҳосили 1 қути қурт ҳисобида пастки қаватда 69 кг, ўрта қаватда – 74 кг, юқори қаватда 79 кг бўлган.

21-жадвал

Қуртхонада қуртларни жойлашишига қараб пилла вазнини фарқ қилиши

қуртхонада қуртларнинг жойлашган жойи	Пилланинг ўртача оғирлиги (г)		
	Пастки қаватида	Ўрта қаватида	Юқориги қаватида
1.қуртхонанинг кириш қисмida	2,55	2,86	3,11
2. қуртхонанинг ўрта қисмida	2,10	2,40	2,76
3. қуртхонанинг охирида	1,81	2,00	2,31

Ёруғлик. Ёруғлик қуртларнинг ривожланишига самарали таъсир этиб, қуртхонанинг санитар холатини яхшилайди. қуртхоналарнинг ёруғлиги, ойналарининг катта кичиклиги ва қайси томонда жойлашганига боғлиқ. Лекин катта ҳажмдаги ойналар қуртхонадаги иссиқликни кўпроқ йўқотишга сабаб бўлади. Бундан ташқари қуртлар ёруғликка сезгир бўлиб безовталанади. Шунинг учун қуртхонадаги ойналарнинг ҳажми қуртхона ер сатхини 1)10 қисмини ташкил этиш керак. Биноларни тўғри қуёш нуридан сақлаш учун ойналарга пардалар осиб ҳимоялаш мумкин.

Турли хилдаги бинолардан фойдаланиши. Жумхуриятимиз жамоа ва ширкат хўжаликларида тут ипак қуртини боқиши учун маҳсус қуртхоналар етишмайди, шунинг

учун қурт боқиши мавсумида ҳамма бўш турар жойлар ва хўжалик бинолари, шунингдек молхона, отхона, омбор, сарой, бостирма ва бошқалар бинолардан фойдаланилади.

Кичик ёшдаги қуртлар (1-3 ёш) инкубатория учун фойдаланилган хоналарда иситиладиган турар жойларда боқилиб, кейин қурт боқувчиларга тарқатиш ҳам мумкин.

Катта ёшдаги қуртларни боқиши учун хўжалик бинолари, молхоналар, отхона ва саройлар, хатто олди тўсилган айвонлардан фойдаланилади.

Республикамида қурт боқишида фойдаланиладиган қуртхоналар уч тоифага бўлинади.

1- маҳсус капитал бинолар, яъни ғиштдан қурилган, агротехник талабларга тўлиқ жавоб берадиган бинолар. Буларга маҳсус қуртхона учун қурилган бинолар - қуртхоналар) 12-расм), қуртхонага мослаштирилган хўжалик бинолари, клуб, саройлар, мактаб бинолари киради. Бу хилдаги биноларда гигротермик режимни тўлиқ яратиб бериш мумкин.

2- Пахсадан ёки синг деворли бинолар. Буларга молхона, отхона, омбор ва бошқа бинолар.

3-. Енгил типдаги мосламалар: олди бекилган тўсилган айвонлар, бостирмалар. Бу тоифадаги мосламалар фақат ташқи оби-ҳавонинг келишига қараб, катта ёшдаги қуртларни боқиши учун фойдаланилади.

Маҳсус қуртхоналарни дезинфекция қилиш

Ипак қуртини умумий инфекцион касалликлардан ҳимоя қилиш бу пиллани ҳосилини ҳимоялаш демакдир. Шунинг учун ҳам ҳимоянинг энг асосий вазифаларидан бири оммавий инфекциянинг олидини олиш учун қилинадиган чора тадбирлар ҳисобаланади.

Фанда касалликнинг олдини олиш чораларидан бири, ҳаётнинг соғломликни асраш, касаллик бошланишдан олдин огоҳлантириш, яшаш шароитини яхшилаш ва тозаликка эътибор бериш йўлларини ишлаб чиқиши гигиена деб аталади. Фан инсониятнинг кенг билимларини ҳисобга олган ҳолда қурт боқишида экологик факторларнинг ролини, овқатланиш режимини юқори даражада ўтказиш қуртларнинг қалинлиги, агротехник қоидаларга эътибор бермаслик инфекцияларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Мана шу юқорида кўрсатилган санитар – гигиена ҳолатларнинг бузилиши, уларга риоя қилмаслик, ҳар хил инфекцион касалликларнинг тарқалишидаги сабаблардан бири ҳисобланади.

Ҳар хил инфекцион касалликлардан холи бўлиш учун биз қурт боқишдан олдин барча қуртхоналарни асбоб-анжомларни дезинфекция қилишимиз керак бўлди.

Дезинфекция – бу ташқи муҳитдаги касаллик қўзғатувчиларни йўқотиш, яъни заарсизлантириш. Дезинфекция – инкубаториялар, қуртхоналар, тухум (уруг) ни жонлантиришда ишлатиладиган асбоб-анжомлар қилинади.

Дезинфекция физикавий ва кимёвий бўлади. Физикавий дезинфекцияга қайнатиш, зарарли буюмларни буғлаш, қиздириш, лампалар ёрдамида куйдириш кабилар киради. Куйдириш барча касал қурт ўликлари, ифлос нарсалар, қимматсиз буюмларни куйдирилади. Қуруқ-иссиқ -200-250 ҳароратда қуритгич шкафда ўлдиришdir, бунда барча микроорганизмлар ўлади.

Буғда – микробиологик озуқа муҳит учун, пебрина споралари учун 20-30 минут, вирус учун 30 минут, бацилла тюрингиензис 10, мускардина учун 5, стафилакокклар учун 3 дақиқа кифоя.

Қуёш нури ҳам керакли физикавий заарсизлантирув-чилардан биридир. Бунда вирус ўлиш учун 16-22 соат, пебрина спораси 6-7 соат, мускардина учун 2-5 соат, бактерияларнинг вегетатив формалари учун 1-2 соат керак бўлади (2,3,4)

Кимёвий дезинфекция – кенг тарқалган бўлиб, қуйидаги талабларни ўз ичига олади.

- а) заарсизлантириши тез ва тўлиқ бўлиши;*
- б) сувда эрувчанлиги ва заарсизлантириши хусусияти узоқ вақтгача бузилмаслиги;*
- в) тез нейтролизацияцияланиши, одам ва ипак құрти учун заарсизлиги;*
- г) арzonлиги.*

Кимёвий дезинфекцияловчи моддаларга анорганик моддалардан кислота-ишқорлар, сода, охак, NaCl нинг кучсиз эритмалари, бундан ташқари симоб, темир, мисларнинг тузлари киради.

Органик моддаларда метанол, этанол, формальдегид, циклик бирикмалардан бензол, феноллар, карбон кислотасининг сувдаги 3,5% ли эритмаси кабилар киради.

Дезинфекция қучи: *а) модданинг физик ва кимёвий хоссаларига, б) тайёрланган вақтига, в) эритманинг концентрациясига, г) эритманинг ҳароратига, д) микробнинг чидамлигига боғлиқ бўлади.*

Инкубатория ва қуртхоналарни дезинфекция қилиниши юқумли касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларни йўқотиш ишидир.

Дезинфекция ипакчиликда ипак қуртининг касалликларига қарши курашда асосий восита ҳисобланиб, касаллик қўзғатувчи патоген микроблардан заарсизлантирилади. Айниқса, ипак қуртнинг юқумли касалликлари тарқалган жойларда қурт боқиши мавсуми охирида ўтказилади.

Заарсизлантириш усуллари ҳар хил бўлиб, пиллачилик объектлари асосан кимёвий усул билан дезинфекция қилинади. Кимёвий моддалар билан дезинфекцияланганда эриган модда заррачалари микроорганизмларнинг ҳужайра қобиғи ва пардаси орқали шимилиб, ҳужайра ичига киради ва унинг ичидаги компонентлар билан реакцияга киришиб уни ўлдиради.

Кимёвий дезинфекцияловчи моддалар жуда кўп бўлиб, улар таркибида хлор бўлган, формальдегид, фенол, аммоний, оғир металлар бўлган моддалар киради.

Ипакчилик соҳасида бизда ва чет мамлакатларда асосан формалин қўллайдилар. Пиллачиликда биноларни асосан формалин билан дезинфекция қилинади.

Формалин- формальдегид газининг сувдаги эритмаси бўлиб, заводларда 30-40% концентрацияси ишлаб чиқарилади. Одатда инкубатория хоналарини ва қуртхоналарни заарсизлантириш учун 4% ли эритмаси ишлатилади. Уни тайёрлаш учун бир литр формалинга қанча литр сув қўшиш кераклигини қуйидаги формуладан аниқлаймиз:

$$x = \frac{x_1 - y}{y}$$

$x=1$ литр формалинга солинадиган сувнинг миқдори;

x_1 =заводдан олинадиган формалиннинг концентрацияси;

y =керакли ишчи эритманинг концентрацияси.

Масалан: 36%ли формалиндан 4%ли ишчи эритма тайёрлаш учун $x = \frac{36 - 4}{4} = 8$ л, демак

1литр 36% формалинга 8 литр сув солиш керак.

Кальций гипохлорид ҳам дезинфекция учун ишлатиладиган хлорли бирикма бўлиб, биноларни, асбоб-анжомларни, молхоналарни заарсизлантиришда (медицина ва

ветеринария) амалиётида 2%ли эритмаси ишлатилади. Буни 2%ли эритмасини тайёрлаш учун 200 грамм кальций гипохлорид 100 литр сувда эритилиб, сўнг эритмага аммиакли селитра қўшилиб аралаштирилади.

Хлорамин – бу модда ҳам дезинфекция учун ишлатиладиган модда бўлиб, қуйидагича ишчи эритма тайёрланади. Бу модда таркибидаги хлорнинг микдорига қараб, унинг концентрацияси ҳар хил бўлади. Ишчи эритма тайёрлаш учун 200 гр хлорамин 10 литр сувга солиниб, яхшилаб аралаштирилади ва кейин хлорамин микдорига аммиакли селитра солинади (тайёрланган эритма икки соат давомида ишлатилиши керак).

Дезинфекцияга ишлатиладиган барча кимёвий моддалар механик пуркагичлар ёрдамида пуркалиб, хоналарнинг эшик ва деразалари махкам бекитилади.

Назорат саволлари

1. Ўзбекстон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 апрелда чиқарилган қонуни моҳияти айтинг..
2. Маҳсус қуртхоналар қандай ташкил этилади?
3. Дезинфекция кучи нима?
4. Дезинфекция–бу....
5. Кальций гипохлорид–бу...
6. Хлорамин – бу...
7. Формалин–бу....
8. Инфекцион касалликларни олдини лиш чораларини айтинг.
9. Кимёвий дезинфекцияловчи моддаларга мисоллар келтиринг.
10. Пиллачиликнинг хозирги ахволи ва инновацияларини тушинтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев У.А. – Тутчилик. Т., 1991, 3-46
2. Ахмедов Н.А. – Ипак қурти уруғини жонлантириш. Т., 1992, 1-26.
3. Ахмедов Н.А., С.Мурадов – Ипакчилик асослари. Т., 1998, 5-76
4. Ахмедов Н. – Тут ипак қурти маҳсулдорлигини оширишнинг экологик ва физиологик асослари, Т., 1999, 56
5. С.Мурадов, Ахмедов Н.А, Азимов Э. – Ипакчилик мутахассислиги бўйича битирув малакавий иш. Т., 2000, 66.
6. Баговутдинов Н.Г. ва бошқалар – Пиллачилар учун қўлланма, Т., 1984, 3-46.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони – «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш» тўғрисида «Халқ сўзи» рўзномаси, 1998 йил 1 апрель №67.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – Пиллачиликни озиқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш хажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари 2000 йил 16 март, «Халқ сўзи» рўзномаси

2-мавзу: Республикаизда ипак қурти уруғини жонлантириш ва тарқатиш усуллари

Режа:

1. Инкубаторияларни танлаш ва ташкил этиш.
2. Уруғни жонлантириш муддатларини аниқлаш.
3. Инкубаторияни дезинфекция қилиш.
4. Жонланган уруғларни тортиш ва тарқатиш.

Таянч иборалар: инкубатория инкубация, личинка, жонлантириши, агротехника, зоогигиена, звено, гумбак, ўғит, химиявий модда, микроб, ипак қурти, инкубация хонаси.

Инкубаторияларни танлаш ва ташкил этиш

Ипак қурти уруғини жонлантиришда фойдаланиладиган биноларни *инкубатория* деб аталади. Уруғ очириш учун маҳсус бинолар (инкубаториялар), одамлар яшайдиган ва хўжаликнинг умумий биноларидан фойдаланилади.

Инкубатория ҳар бир хўжаликни ўзида ташкил этилган бўлиб, жонлантириладиган уруғнинг миқдорига (кути сонига) қараб хўжаликда битта ёки бир неча инкубатория бўлиши мумкин. Агротехника қоидасига ва кўпгина илғор пиллакор хўжаликларнинг тажрибаларига кўра ҳар бир инкубаторияда ўртacha 100-150 кути қурт уруғи жонлантирилиши лозим. Битта инкубаторияда 50-60 кутидан кам миқдордаги уруғ жонлантирилса, хўжаликка иқтисодий зарар келтиради. Юқорида кўрсатилган миқдордан кўпроқ (150 кутидан ортиқ) жонлантирилса, бир қатор қийинчиликлар туғдиради, жумладан, уруғларни контролъ тортиш ўтказиш, жонланган қуртларни кўтариб олиш ва уларни звеноларга тарқатиш ва ҳоказо.

Инкубатория барча агротехника ва зоогигиена қоидаларига жавоб берадиган жойда ва хўжаликни ўртасида, яъни қурт боқувчи звеноларни қурт олишига қулай ва яқин жойда бўлиши керак. Инкубатория хизмат қиласидан жой доирасининг радиуси 4-5 км дан ошмаслиги, яъни инкубатория билан қуртхона орасидаги масофа учун 1 соатдан ортиқ вакт сарфланмаслиги керак.

Жонланган қуртларни звеноларга тарқатгунга қадар бокиб туриш учун инкубатория ёнида (яқинида) тутзор бўлиши лозим. Бундан ташқари, инкубатория яқинида ифлосланган ва ахлат ташланадиган майдон бўлмаслиги керак. Шунингдек, инкубатория учун захарли химиявий моддалар, дорилар ва ўғитлар сақланган бинолардан ҳам фойдаланиб бўлмайди.

Инкубатория учун печкаси бўлган қуруқ ёруғ, ғишт ёки пахсадан қилинган, яъни иссиқликни яхши сақлайдиган бинолар ажратилади. Бундай капитал биноларда ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги бир меъёрда, яъни уруғни яхши жонлантириш учун керакли даражада сақлаб туриш мумкин бўлади.

Инкубатория икки ёки учта алоҳида-алоҳида хоналардан иборат бўлиб, биттасида қурт уруғи жонлантирилади, иккинчисида уруғдан очиб чиқсан қуртлар звеноларга тарқатилгунга қадар бокиб турилади, учинчи хонадан эса звенолар билан сухбатлашиш ва уларга қурт тарқатиш учун фойдаланилади. Бу хоналар бир-биридан маҳсус йўлак ёки

дахлиз ёрдамида ажратилган бўлиши керак. Бинонинг учинчи хонаси бўлмаса, унинг олдига қурилган айвондан фойдаланиш мумкин.

Уруғ жонлантирилаётган хонага бегона одамлар кириб-чиқмаслиги керак, чунки уларнинг пойабзаллари ва кийим-бошида чанг билан бирга ипак қурти касалликларини қўзғатувчи ва юқтирувчи турли заҳарли микроблар ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, инкубатория ичкарисига кирадиган эшик ташқарисига 4-5%ли формалин эритмаси билан хўлланган латта ташлаб қўйилиши лозим.

Инкубатория учун мўлжалланган бинонинг умумий режаси ва хоналарининг жойлашиш тартиби тўғрисидаги схемаси қўйидаги 7-расмда берилган берилган.

Пиллачилик соҳасида ўтказилган кўп йиллик кузатишлар ва илғор пиллакорларнинг тажрибалари шуни кўрсатдики, 50 қути уруғ жонлантириладиган хонанинг умумий майдони $8\text{-}9\text{m}^2$, ҳажми эса $25\text{-}28\text{m}^3$ га teng бўлиши керак.

Жонлантириладиган қурт уруғини миқдорига қараб хона қандай катталика эга бўлиши қўйидаги 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

Уруғ жонлантириладиган хонанинг катталиги

Жонлантириладиган уругнинг миқдори (қути ҳисобида)	Уруғ жонлантириладиган хонанинг				
	Эни, м	Бўйи, м	Баландлиги, м	Умумий майдони, m^2	Ҳажми, m^3
50	0	3	3	9	27
75	3	4	3	12	36
100	3,6	5	3,3	18	59,4
125	4	5,5	3,3	22	73
150	4,5	6	3,3	27	89
175	4,5	6,5	3,5	30	105
200	5	7	3,5	35	122
250	5	8	3,5	40	140

Инкубаторияда (7-расмда кўрсатилганидек) уруғ жонлантириладиган хонанинг ёнида жонланган қуртларни веноларга (қурт бокувчиларга) тарқатунга қадар сақла ва уларни (зарурат туғилса) вақтинча боқиб туриш учун иккинчи хона ҳам бўлади. Бу хонанинг катталиги жонланган қуртларни инкубаторияда қанча вақт туришига боғлиқ бўлади. Одатда қуртлар звеноларга жонланган куниёқ тарқатилиши керак. Агар жонланган қуртлар шу кунни ўзида тарқатиладиган бўлса, хона бир оз кичикроқ бўлиши мумкин. Мабодо жонланган қуртлар инкубаторияда 1-2кун сақланадиган бўлса, иккинчи хона бирмунча каттароқ бўлади.

Иккинчи хонанинг катталиги инкубацияда жонланадиган куртларнинг микдорига ва 19 г қуртни 2-3 кун давомида боқиб туриш учун ишлатиладиган қаватли этажеркаларнинг неча дона зарур бўлишига боғлиқ. Жонланган бир қути курт учун инкубаторияда қуйидагича майдон талаб этилади:

Уруғдан жонланиб чиқсан куни	$0,5\text{m}^2$
Иккинчи куни	$0,7\text{m}^2$
Учинчи куни	$1,0\text{m}^2$

Одатда уруғдан куртларнинг чиқиши 3-4 кун давом этади. Бироқ ҳар қуни ҳар хил микдорда жонланади.

6-жадвал

Жонланган қуртлар турадиган хонанинг катталиги

Жонлантириладиган уруғнинг микдори (қути)	Жонланган қуртлар сақланадиган хонанинг				
	Эни, м	Бўйи, м	Баландлиги, м	Умумий майдони, m^2	Ҳажми, m^3
50	3	5	3,3	15	49,5
75	4	5	3,3	20	66,0
100	4	7	3,3	28	92,4
125	5	7	3,5	35	122,5
150	5	8	3,5	40	140,0
175	6	8	3,5	48	168,0
200	6	9	3,5	54	189,0
250	6	10	3,5	60	210,0

Инкубаториянинг иккинчи хонасига жонланган куртлар умумий микдорининг қарийиб 40%и жойлаштирилиши лозим. Шунинг учун иккинчи хонанинг катталигини ва унга ўрнатиладиган этажеркалар сонини аниқлашда инкубатория бўйича жонланадиган куртни 40%и қанча микдорда бўлиши ҳисобга олиниши керак. Бу тўғридаги маълумот мисол тариқасида 6-жадвалда берилган.

Инкубатория хоналаридаги деразалар қўш ромли ва форточкиали бўлиши керак. Агарда деразаларнинг форточкаси бўлмаса, хонага тоза ҳаво кириб туриши учун девордан тешик очилади. Бу муаммони бартараф этиш учун ва хоналарга тоза ҳаво бир меъёрда кириб туриши учун деразанинг биронта кўзига муаллиф томонидан ишлаб чиқаришга тавсия этилган маҳсус мослама ВК-3 маркали электровентилятордан бир дона ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Инкубатория хоналарини иситиш учун ғиштдан қилинган ҳар қандай печкадан фойдаланиш мумкин, бироқ печка жуда тез қизиб кетадиган ва, аксинча, бирпасда совиб

қоладиган бўлмаслиги керак, чунки бундай ҳолларда хонанинг ҳарорати тез-тез ўзгариб, уруғ ёки жонланган қуртларга салбий таъсир кўрсатади. Инкубатория учун мўлжалланган ва гиштдан қилинадиган маҳсус печканинг умумий кўриниши 9-расмда кўрсатилган. Бундай печканинг баландлиги 160 см, узунлиги 125 см ва эни 50 см бўлади. ~иштдан ясаладиган бу печканинг дуд (тутун) чиқадиган йўли бир неча бурилишли бўлади. Печкани қурганда унинг иситадиган юзаси (деворчаси) қурт уруғи очириладиган хонага, оғзи эса дахлиз, қўшни хона ёки айвонга қаратилиши лозим.

Инкубаторияга электр печка ўрнатса ҳам бўлади. Электр печка ўтин ёқиладиган печкадан шу жиҳатдан яхшики, унда автотерморегулятордан фойдаланиш мумкин. Автотерморегулятор хонадаги ҳарорат керагидан пасайганда электр печкани автоматик равишида ток тармоғига уладиган (ишга соладиган) ва ҳарорат зарур даражадан ошиб кетганда печкани тармоқдан узадиган кичкина мосламадир. Хона электр печка ёрдамида иситилганда ҳавонинг ҳароратигина эмас, балки намлик даражасини ҳам автоматик равишида тартибга солиб туриш мумкин бўлади.

Уруғни жонлантириш муддатларини аниқлаш

Инкубаторияни ташкил қилишда уруғни жонлантириш учун ва жонланган қуртларни тарқатиш учун зарур бўладиган анжом, асбоб-ускуналар, хонани озода тутишга ёрдам берадиган майда инвентарлар ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш лозим. Жумхуриятимиз хўжаликларида инкубаториялар кўпинча 100-150 қути уруғни жонлантиришга мўлжалланиши учун битта шундай инкубаторияга қандай ва қанча асбоб-ускуна ва инвентарлар керак бўлиши 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

100-150 қути уруғ жонлантириладиган инкубаторияга зарур бўладиган асбоб-ускуналар, керакли материаллар ва инвентарларни рўйхати

№	Зарур бўладиган нарсаларнинг номи ва миқдори	
1	Психрометр	3 дона
2	Термометр	3 дона
3	Термограф	1 дона
4	Гигрограф	1 дона
5	Гигрометр	1 дона
6	Психрометрик жадвал	3 дона
7	Уруғ тўқилган противейнлар (кутича) турадиган 3-4 қаватли этажеркалар	3 дона
8	Жонланган қуртларни қўйиш учун ишлатиладиган 3-4 қаватли этажеркалар	4-5 дона
9	Тарози тошлари билан	1 дона
10	Миллиграмм ва граммли тошчалари бўлган маҳсус тўплам (набор)	2 дона

11	Тюльдан қилинган доимий съёмниклар	6-8 м ²
12	қоғоздан ясалған съёмниклар	300-350 дона
13	Урұғни тұқиши ва жонлантириш учун ишлатиладиган протвейн (қоғоз қутича)	60-110 дона
14	Жонланған құртларни солиши учун ишлатиладиган қоғоз протвейнлар (кутича)	150-300 дона
15	Контроль тортишда ёки жонланған құртларни тортишда ишлатиладиган фанер ёки кардон	1 дона
16	Пинцетлар	2 дона
17	Ревундик ёки бошқа қалин материал (намликтің сақлаш учун)	10 метр
18	Челак	3 дона
19	Севатор (боғбон қайчиси)	2 дона
20	Пичоқ	2 дона
21	Барг қирқишида фойдаланиладиган тақтача	2 дона
22	Барг олиб келиш учун ишлатиладиган фартук	1 дона
23	Болта	1 дона
24	Стол	1-2 дона
25	Стуллар	3-4 дона
26	Ручка ёки қалам	4 дона
27	Дафтар	2 дона
28	Соат	1 дона
29	Лампочка	4 дона
30	Супурги	2 дона
31	Умивальник	1 дона
32	Сочик	2 дона
33	Халат	4 дона
34	Совун	2 дона
35	Полни ювиш ва артиш учун қалин мато	1 метр
36	Дока	10 метр
37	Кийим илгіч (вешелка)	1 дона

38	Хисоблаш учун чүт ёки электромикрокалькулятор	1 дона
39	Товуқ пари	4-6 дона
40	Тут баргини солиб қўйиш учун полиэтилен халта	1 дона
41	Оҳак	10 кг
42	Ип (каноп)	1,5-2 кг
43	Ўтин	1 м ³
44	Кўмир	0,5 тонна
45	Чойнак	2 дона
46	Пиёла	4 дона

Инкубаториядаги ҳароратни аниқлашда асосан қуйидаги асбоблардан фойдаланилади:

1. Термометр
2. Психрометр (Август ва Ассимон психрометрлари).
3. Термограф.

Бу асбоблардан термометр ва психрометр хонани деворига ёки этажеркаларни (сўкчакларни) четига осиб қўйилади ва хоҳлаган вақтда келиб ҳарорат неча даража эканлигини билиб олиши мумкин бўлади.

Термограф эса хонани керакли жойига текис қилиб қўйилади. Бу ўзи ёзадиган асбоб бўлиб, ичида соат маятнигига ўхшаш қисми бор. Ташқарисида ричаги ва айланашаклида цилиндри бўлиб, ричагининг учига перо ўрнатилади, цилиндрга эса градусларга бўлинган миллиметрли қофоз ўралади. Цилиндр ички механизм ёрдамида кеча-кундузи ёки хафтасига бир марта секин айланиб туради. Хонадаги ҳароратни қўтарилиши ёки пасайиши билан ричак пероси ҳам баланд ёки растни чизади. Натижада градусларга бўлинган миллиметр қофоз устида из қолади. Шу изнинг йўлига қараб ҳарорат аниқланади беради.

Хонадаги намликни эса қуйидаги асбоблар ёрдамида аниқланади:

1. Август ёки Ассимон психрометрлари билан.
2. Соссюр гигрометри ёрдамида.
3. Гигрограф билан.

Гигрографнинг тузилиши ва ишлаш принципи худди термографга ўхшайди.

Ишлаб чиқаришда инкубатория ҳароратини ва намлигини ўлчаш учун асосан Август психрометридан фойдаланилади, чунки бу психрометрни хонанинг хоҳлаган жойига осиб қўйиш, ҳарорат ва намликни тезда ўлчаб олишда пиллакорлар қийналмасдан фойдаланиши мумкин.

Бу психрометрларни иккита симобли термометри бўлиб, биттаси қуруқ термометр, иккинчиси (симобли учига батис латта ўралган) хўл термометр деб аталади. Иккинчи

термометрнинг симобли учиға ўралған батис латта пробирка ичидаги сувга тегиб туриши керак. Сув билан симобли шарча оралиғидаги масофа 1,5 см бўлиши лозим. Акс холда намликни нотўғри кўрсатади.

Намликни аниқлашда маҳсус психрометрик жадвалдан фойдаланилади. Жадвалдан фойдаланиш қўйидагича бажарилади. Дастрлаб психрометрнинг куруқ термометри кўрсатиб турган ҳароратни ёзиб оламиз (мисол учун 24 градус), сўнгра ҳўл термометрнинг кўрсатган ҳароратни ёзиб оламиз (мисол учун 21 градус). Сўнгра куруқ термометр кўрсаткичидан ҳўл термометр кўрсаткичини олиб ташлаймиз (мисол учун 24-21=3). Жадвални чап томонидан ҳўл термометр кўрсатган ҳароратни топамиз. Мисол учун 21 градусни. Юқорисидан эса иккала термометр кўрсаткичлари орасидаги фарқни топамиз (мисол учун 3 градусга тенг). Сўнгра иккаласини бир-бирига кесиштирамиз. Кесишган жойидаги рақам шу хонанинг намлик %и бўлади. Бизни мисолимизда бу 76% экан.

Қурт уруғи солинган қоғоз қутилар қўйиладиган сўқчакларнинг (этажеркаларнинг) тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ улар етарли катталиқда, ҳаво бемалол тегиб турадиган ҳамда ишлаш учун қулай бўлиши керак. Кўпинча сўқчаклар қўйидаги ўлчамларда ясалади: кенглиги 1м, қаватлар орасидаги оралиқ камида 40 см, пастки қаватнинг ердан баландлиги ва энг юқориги қаватдан шипга бўлган масофа камида 70-75 см (12-расм). Инкубаториянинг катта-кичиклигига қараб, сўқчакнинг узунлиги ҳар хил бўлиши мумкин, одатда у 2и қилинади ёки катталиги 2мх1м бўлган маҳсус темир сўқчаклардан фойдаланилади.

Инкубаторияда уруғларни контроль тортиш ва жонланган қуртларнинг миқдорини аниқлаш учун тарози ҳамда тошлар керак бўлади. Тарози стол устига қўйиладиган, сезирлиқ даражаси 0,10-0,25 г га тенг бўлиши керак. Сезирлиги бундан ҳам камроқ бўлган тарозилар уруғ ёки қурт тортишга ярамайди, чунки бундай тарозининг палласи кичик бўлганлигидан қурт уруғи солинган қути (протвейн) жойлашмайди. Шунинг учун ҳам уруғни инкубаторияга келтирмасдан олдин, бир-иккита тахта фанер ёки қалин (қаттиқ) картон тайёрлаб, тахт қилиб қўйилиши лозим. Фанер ёки картон уруғ солинган қутидан каттароқ бўлади ва тарозида тортиб барвақт мувозанатга келтириб қўйилади. қурт уруғи солинган қутини тарозида тортиш вқтида қутидаги (палла)га ҳалиги фанер ёки картонни қўйиш керак, шунда уруғни тортиш анча осонлашади ва улар қутида сурилиб бир жойга тўпланиб қолмайди.

Тарозининг тошлари ҳам ўзига тўғри келадиган, массаси эса 1г дан 100г гача бўлиб маҳсус ғилофда сақланиши лозим. Бундан ташқари, енгил ва кичик нарсаларни (100 г массагача) тортишда ишлатиладиган (тенг палласи қўлда кўтариб тортадиган) тарозиларнинг маҳсус мг ли (5 мг дан 50 мг гача бўлади) тошларидан ҳам фойдаланилади.

Уруғларни жонлантириш ва жонланган қуртларни солиш учун маҳсус катталиқка эга бўлган қутилардан фойдаланилади. Бундай қутилар зичлиги $100-120 \text{ г} / \text{м}^2$ бўлган ўров қоғозидан ясалади. қутининг туби бир қават, деворчалари эса икки қават қилинади. Деворчаларнинг баландлиги 3 см бўлади. қуйидаги 8-жадвалда уруғни жонлантириш учун ишлатиладиган қоғоз қутичаларнинг ўлчамлари берилган.

Уруғ солинадиган қоғоз қутилар ўрнига ёғоч рамкалар ясаш мумкин. Бундай рамкалар узоқ вақтига чидайди ва ишлатилиши қулай бўлади. Рамка юпқа планкалардан ясалади ва бир томонига сурп чит ва шу каби сийрак тўқилган мато тортилади. қоғоздан

ясалған қутичанинг ички ўлчами қандай бўлса ёғоч рамканинг ўлчами ҳам шундай бўлади.

кутича ва рамкаларнинг ўлчамини белгилашда уругни юпқа қатlam қилиб ёйиб солиши зарурлиги назарда тутилиши лозим, бу эса меъёрида ҳаво алмашинишини таъминлайди. Яхшиси инкубаторларда уруғни бир қават қилиб, инкубаторияларда эса қоғоз қутиларга икки қават қилиб, ёйиб солингани маъқул, шунда уруғларга ҳаво яхши тегиб туради.

Муаллифнинг Самарқанд вилояти Советобод ноҳияси бош пиллахонасининг мудири Т.Жураев билан 1980-1991 йиллар давомида ўтказган тажриба ишлари натижалари шуни кўрсатдики, инкубация даврида уруғ солинган қутичаларнинг остки томонини нина билан тешиб қўйилса, қутичанинг устки ва остки томонидан ҳам жонланадиган уруғларга ҳаво бир текис ўтиб туради. Натижада уруғлар бир текис ва яхши жонланар экан.

Қутичалар ичига уруғ солища (тўкишда) кути деворчалари билан уруғлар орасидаги масофа 1,0-1,3 см га teng бўлиши керак. Бу очиқ жой уруғни инкубация қилиш вақтида эмбрион ривожланишининг ўн биринчи бластокинез босқичида шакланаётган курт ўз ҳолатини ўзгартириши натижасида уруғда сакраш (ишлаб чиқаришда бу ходисани уруғ чирсиллади деб аташади) ҳолати рўй берганда сакраган уруғларни қутича девори тубига келиб тушишига ҳамда уруғ устига вақтинча қўйилган съёмникларни қурти билан кутариб олиш учун керак бўлади. Шунга мувофиқ, 10г уруғ солинадиган қутича ичидаги умумий майдон 240 см^2 , 29г (1 кути) уруғни жонлантириш учун зарур бўладиган қутича ичидаги умумий майдон 638 см^2 ва 58г (2 кути) уруғ солинадиган қутича ичидаги умумий майдон эса 1196 см^2 бўлади ва ҳоказо.

8-жадвал

Уруғ жонлантириладиган қоғоз қутичаларнинг ўлчамлари

кутичада жонлантирила диган уруғни миқдори, г	кути ясаладиган қоғознинг катталиги, см		кутича деворининг баландлиги , см	кутичанинг катталиги, см		Уруғ жонланиш и учун зарур бўлган майдон, см ²	кутича ичидаги умумий майдон, см ²
	бўйи	эни		бўйи	эни		
10 г	32	18	3	20	12	180	240
29 г (1 кути)	41	28	3	29	22	520	638
58 г (2 кути)	58	32	3	46	26	1044	1196

Уруғдан чиққан қуртлар вақтинча қўйилган съёмниклар ёрдамида қўтариб олиниб, бошқа қутичаларга солинади. Бу қутичалар ҳам уруғни жонлантириш учун фойдаланган қутичалар тартибида ясалади, лекин бу қутичаларга куртлар уруғларга нисбатан 5-6 баробар камроқ миқдорда солинади. Шунга қарамасдан 10г массада жонланган қуртларни

соладиган қутичанинг катталиги ва ундаги умумий майдон 10 г уруғ туралдан қутичадан каттароқ бўлади. қуйидаги 9-жадвалда қутичанинг ўлчамлари берилган.

Уруғни инкубация қилишда маълум вақт ўтгач (одатда 9-10 қунлари) курт жонлана бошлийди. Шу жонланаштган қуртларни қутича ичидағи уруғлардан ажратиб олиш учун махсус тешикчалари бўлган қозоз ёки тюлдан-сьёмниклардан фойдаланилади. Съёмниклар 2хил бўлади (13-расм).

1. Тюлдан (тўт матодан) ясалган доимий съёмник.
2. Юпқа қофоздан ясалган вақтинчалик съёмник.

Тюлдан ясалган съёмникларни доимий деб аталишига сабаб, улар уруғ жонланишидан олдин қутича ичига қўйилган бўлиб, уруғдан қуртлар чиқиб бўлгунича сақланиб туради. Одатда, тўр қофозлар инкубаторияга катта ўлчамдаги илматешик тахта қофозлар холида келтирилади.

Юпқа қофоздан ясалган съёмникларни вақтинчалик дейилишига сабаб, уруғдан дастлаб жонланган хабарчи қуртларни олиб ташлаш ва боқиши учун мўлжалланган кейинги қуртларни кўтариб олиш мақсадида ишлатилади. қутичадаги уруғлардан жонланган қуртлар вақтинчалик съёмниклар ёрдамида кўтариб олингач, қутича ичига яна бошқа вақтинчалик съёмник қўйилади.

Съёмниклар тешикчаларининг диаметри 2-4 мм ли қилиб уруғ заводларида тайёрланади. Инкубаторида уруғни жонлантириш учун ҳар бир қутичага ўртача 2-5 донадан тўғри келадиган қилиб съёмниклар келтирилиб, қутича ичи катталигига тўғри келадиган қилиб кесиб тайёрланади.

Тут ипак қурти касалликларини даволаш усууллари деярли бўлмаганлиги учун уларга қарши курашиш чоралари асосан профилактика ва санитария тадбирларини ўз ичига олади.

Кўкламда уругни жонлантириш даврида ўтказиладиган профилактика тадбирларига инкубатория учун ажратилган бинони ва инкубация учун зарур бўладиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар, инвентарлар, анжом ва материалларни дезинфекция қилиш ишлари киради. Бу тадбир уруғлардан соғлом қуртлар чиқишини таъминлайди. Дезинфекция ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, санитария-профилактика тадбирларининг асоси ҳисобланади.

Маълумки, дезинфекция турли касалликларни йўқотишга ёки уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар комплексидан иборат. Шунга яраша, дезинфекция икки хил бўлади:

1. Касаллик ўчоги (манбаи) ни дезинфекция қилиш.
2. Касаллик тарқатилиши олдини олиш мақсадида дезинфекция қилиш.

Касаллик ўчогини дезинфекция қилишдан кўзланган мақсад – юқумли касалликни ва уни тарқатувчи микроорганизмларни йўқотиш; профилактик дезинфекциядан мақсад – касалликнинг олдини олиш ва уни жонланаштган соғлом қуртларг тарқалишига йўл қўймаслик.

9-жадвал**Жонланган қуртларни солишда ишлатиладиган қутичаларнинг катталиги**

қуртнинг массаси, г	кути ясаладиган қоғознинг катталиги, см		кутича деворининг баландлиги, см	кутичанинг катталиги, см		қурт турадиган фойдали майдон, см ²	кутича ичидаги умумий майдон, см ²
	бўйи	эни		бўйи	эни		
4-5	39	28	3	27	22	500	594
6-10	57	32	3	45	26	1032	1170
11-15	57	43	3	45	37	1505	1665
16-19	60	51	3	48	45	1978	2160
20-24	69	53	3	57	47	2475	2679
25-30	74	58	3	62	52	3000	3224
31-35	78	63	3	66	57	3525	3762
36-40	81	68	3	69	62	4020	4278

Инкубаторияни дезинфекция қилиш

Дезинфекция яхши самара бериши, уни ўтказиш муддати ва усууларига, шунингдек, ишлатилган кимёвий моддаларнинг таъсиричанлигига боғлиқ. Инкубаторияларни дезинфекция қилиш учун «Автомакс» деб аталадиган пуркагич ёки дехкончиликда қўлланиладиган ОДН типидаги пуркагичлардан фойдаланилади.

Инкубаторияни дезинфекция қилиш учун заарсизлантирувчи дорилар сифатида 35-40% ли формалин, 2% ли монохлорамин ва гипохлорид кальций ишлатилади.

Формалин буғи ва монохлораминдан ажралиб чиқкан кимёвий моддалар кўз ва нафас йўлларининг шиллиқ пардасини яллиглантиради. Шунинг учун дезинфекция қилиш вақтида ва бу моддалар билан ишлаганда маҳсус газниқоб (противогаз) ҳамда резна қўлқоп кийиш ва тегишли ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш зарур.

Формалин – формальдегид газининг сувдаги 36-40% ли эритмаси. Формальдегид рангсиз газ бўлиб, бактерияларга кучли таъсир кўрсатади. Дезинфекция қилиш вақтида формальдегид буғ ҳолида ҳам ишлатилади. Ҳавонинг нисбий намлиги 95%, ҳарорати 25-30 °C гача бўлганда формальдегиднинг кучи янада ортади.

Инкубаторияда дезинфекция ишларини олиб боришдан олдин, унинг барча хоналари эшик-деразаларини, сўкчаклари ҳамда бошқа инвентарларини ишқороли ёки совунли исссиқ сув билан яхшилаб ювилади. Шундан кейин хонанинг эшик, дераза ва бошқа тешик-тирқишли махкам беркитилади ва унинг ҳарорати 25-26° га кўтарилади. Сўнгра ҳамма хоналар формалиннинг 4% ли ёки активланган монохлораминнинг 2% ли эритмаси билан дезинфекция қилинади, яъни инкубаториянинг деворлари, поллари, эшик-деразалари, стол, стул ва сўкчаклари эритма билан яхшилаб хўлланади. 1 л 4% ли эритма

3 м² сатхга сарфланади. Инкубатория хоналари уругни инкубация қилишдан 7-8 кун олдин дезинфекция қилинади.

Одатда, сотишга чиқарилган формалин таркибида 36-40% формальдегид бўлади. Хоналарни дезинфекция қилиш учун эса формалинни 4% ли ишчи эритмаси зарур бўлади. Бундай ишчи эритмани тайёрлаш учун 36-40% ли формалинга сув аралаштирилади. Формалинни 1 л га қанча сув қўшилиши қуйидаги формула асосида чиқарилади:

$$C = \frac{x - y}{y} = l$$

Формуладаги С - формалинга қўшиладиган сув миқдори, л; x- формалинни концентрацияси (36-40%):

у-ишлатиладиган ишчи эритманинг концентрацияси (4%) Масалан, формалин таркибидаги формальдегид 40% ни ташкил этади, дейлик, биз эса таркибида 4% формальдегид бўлган ишчи эритма тайёрлашимиз керак. Бунинг учун формуладан фойдаланамиз:

$$C = \frac{x - y}{y} = \frac{40 - 4}{4} = \frac{36}{4} = 9 \text{ л сув}$$

Демак. 1 л 40% ли формалинга 9 л сув қўшилса, 4% ли ишчи эритма ҳосил бўлади.

Дезинфекцияловчи кимёвий модданинг иккинчиси монохлораминdir. Монохлорамин- кукусимон модда. Дезинфекция қилиш учун 2% ли активлаштирилган монохлораминдани фойдаланилади. Ишлатиладиган ишчи эритма қуйидагicha тайёрланади: 200 г монохлорамин 10 л сувда эритилади ва унга албатта аммиакли селитра ёки новшадил (аммоний хлорид) каби активатор (тезлаштирувчи) қўшилади. Эритмани бевосита ишлатиш вақтидагина тайёрлаш керак. Баравақт тайёрлаб қўйилган идишга аввало тарозида тортилган муайян миқдордаги монохлорамин ва активатор солиниб, устига дарҳол муайян миқдорда сув (ҳарорати 15⁰ дан паст бўлмасин) қўйилади, эритма таёқча ёки куракча билан яхшилаб аралаштирилади. Кўп миқдорда хлор ажralиб чиқиши натижасида эритма юзида ипир-ипир кўпик ҳосил бўлиши эритманинг ишлатиш учун тайёрлигини қўрсатади. Эритманинг кучи (бактерияларга қўрсатадиган таъсири) 3-4 соатгача сақланади. Эритма пурковчи аппаратнинг сиртига тўкилиб кетмаслиги учун уни аппаратга симтўрли воронка орқали қўйиш керак. Аппарат эритма билан ифлосланса уни сувда яхшилаб ювиш зарур.

Дезинфекция қилиш вақтида формалин эритмаси қандай нормада сарфланса, бу эритма ҳам шу нормада сарфланади. Дезинфекция қилган вақтда хонанинг эшикдеразалари зич беркитилган бўлиб, бир-икки кеча-кундуздан кейин очиб шамоллатилади.

Деинфекция ишлари тугагач, инубатория хоналари тоза оҳак билан оқланади. Оқлаш учун 8-10л сувга 1,5-2 г оҳак солинади. Шундай қилинса, инкубатория қўшимча равишда заарсизлантирилади, ёруғроқ бўлади ва хоналарнинг санитария-гигиена ҳолати яхшиланади.

Курт ургини жонлантириш вақтида санитария тадбирлари инкубаторияга қасаллик қўзғатувчи микроорганизмлар ташқаридан киришининг олдини олишга қаратилган бўлиши лозим. Шу мақсадда инкубаторияда ишловчиларнинг кийимбоши ва

пойабзаллари тоза бўлишини кузатиб туриш, касаллик юқтирувчи ҳашаротларга, пашшаларга ва бошқа заарли жониворларга қарши қурашиш зарур. Инкубаторияга кириладиган жойда оёқ тагига формалин шимдирилган латта ташланиши шарт. Инкубаторияга кирувчилар қўлларини совунлаб ювишлари ва устларига халат кийиб олишлари зарур.

Жонланган уруғларни тортиш ва тарқатиш

Ноҳият бош пиллахонаси томонидан фермер хўжалигига бириткирилган агроном шу хўжаликни пиллачилик бригадири билан биргалиқда қўкламда қурт боқувчи пиллакорларнинг рўйхатини ва уларнинг розилиги билан қанча микдорда қурт олишини уруғ инкубаторияга келтирилгунга қадар аниқлаб қўйилишлари зарур. Инкубаторияда жонланган қуртларни ортиқча туриб қолмаслиги, яъни уларни тезда қурт боқувчи пиллакорларга бериб юборилиши бир томондан инкубистларни ортиқча ташвишга солиб қўймайди, иккинчи томондан қуртларни парвариши ўз вақтида бошланади. Бу эса пилладан мўл ҳосил олишнинг гарови хисобланади.

Инкубаторияда қурт жонлана бошлиши билан инкубистларни бажарадиган иши янада ортади, чунки улар энди нафақат хонадаги ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва шамоллатиш билан шуғулланиб қолмасдан, балки кутичаларга вақтинчалик съемниклар қўйиш, хабарчи қуртларни олиб ташлаш, контроль тортиш ўтказиш ва жонланган қуртларни кўтариб олиш ва уларнинг массасини аниқлаш, жонланган қуртларни звеноларга тарқатиш каби муҳим ва масъулиятли ишларни ҳам бажаришлари лозим.

Жонланган қуртларнинг массасини аниқлашда инкубистлар хатога йўл қўйса, пиллакорга мўлжалдан кўп ёки кам микдорда қурт берилади. Агар қурт боқувчига кам микдорда қурт берилса, у қанчалик ҳаракат қилмасин мўлжалдаги пилла ҳосилини ололмайди. Мабодо пиллакорга режадагидан ортиқча қурт берилган бўлса, у қуртни кўп олганлигини билмасдан озиқланиш майдонини нотўғри хисоблайди, оқибатда қуртлар қалин боқилади ва уларга барг текис тегмасдан катта-кичик бўлиб қолади. Натижада ҳосилдорлик камайиб кетади. Шунинг учун ҳам хўжаликдаги қурт боқиши самарааси шу ишнинг аниқ ва тўғри бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Юқорида баён этилган хато-камчиликларга йўл қўймаслик учун инкубациянинг охирги кунларида бажариладиган ишларни тартиб билан, унга тайёргарлик қилган ҳолда амалга ошириш керак. Жумладан, уруғдан қуртлар қайси куни чиқишини ва шу вақтда тухумда содир бўладиган ўзгаришларни билиш муҳим роль ўйнайди. Одатда инкубация даврининг охирги кунларида тухумда маҳсус ўзгариш содир бўлади, яъни жонланишга икки-уч кун қолганда ривожланиб қолган эмбрион ўсиши натижасида улар дўппайиб қолади. Шу вақтда эмбрион ўзининг ҳолатини ўзгартиради, яъни қорни билан ётган эмбрион чалқанчасига ағдарилади. Бундай холларда унинг қобигидан чирчилланган овоз чиқади, уруғ бир оз кимирлайди ва 1-1,5 см баландликка сақрайди.

Ипак қурти тухумдан чиқишидан олдин унинг тери қатлами хитинлашади, ундан бирмунча кейинроқ эса пигмент ажрала бошлайди. Бунда дастлаб қуртнинг боши қораяди, тухумдан чиқишига бир кеча-кундуз қолганда эса ҳақиқий ипак қурти холига келади. Ипак қурти сариқлик қолдиқларини сероз парда билан бирга ютади, ҳосил бфўлган бўшлиққа эса найчалар орқали ҳаво киради, бунинг натижасида қурт чиқишидан олдин уруғ оқаради. Демак, уруғнинг оқариши қурт чиқишидан дарак беради.

Уруғ оқаргандан кейин кеча-кундуз ўтгач, эрталаб барвақт ундан қурт чиқа бошлайды. Уруғдан қурт чиқишидан бир соат олдин у ўз жағалари билан тухум пүчөғини микропиляр тешик олдидан кемира бошлайды. қурт бу ердан каттагина тешик очиб ундан бошини чиқаради ва тухумдан ўрмалаб чиқади. (16-расм).

1950 йилларда боқилган ипак қуртининг барча зот ва дурагайларининг уруғлари инкубация қилинганда улардан қурт очиб чиқиш миқдори 70% қилиб белгиланган. Масалан, инкубаториядаги уруғларни 100 г дан 70 г қурт жонланади ва у звеноларга тарқатилади деб қабул қилинган, қолган 30% масса тухумнинг пўстига, танадаги намни буғланишига ҳамда қурт нафас олганда карбонат ангидрид ажралиб чиқиши озиқ моддаларнинг нафас олиш учун сарфланиши натижасида йўқолган массага тўғри келади. Ўша вактда бир қути уруғ 27 г бўлган. қоидаги биноан 27 г уруғдан 70% қурт жонланадиган бўлса, унинг массаси 18,9 г га тенг бўлган. Шунинг учун 18,9 г қуртни яхлит қилиб 19 г ёки бир қути қурт деб қабул қилинган.

1960 йилларда Ўзбекистон Республикасида 29 г уруғни бир қути уруғ, ундан чиққан 19 г қуртни эса бир қути қурт деб қабул қилинган. Жумхуриятимизнинг кўпгина жамоа хўжаликларида илғор пиллакорларнинг тажрибалари ва ипакчилик соҳасида кейинги йилларда олиб борилган илмий кузатишлар шуни кўрсатдики, инкубаторияда уруғдан қурт чиқиши 2-3 кун давом этади. Шу билан бирга, бу жараён кунлар бўйича ҳам турлича бўлади. (21-жадвал).

21-жадвал

Инкубаторияда 29 г (бир қути) уруғдан қуртлар чиқиши тартиби ва миқдори.

Уруғдан қурт чиққан кун	Жонланган уруғнинг		Жонланган қуртнинг миқдори, г
	Миқдори, г	% ҳисобида	
Хабарчи қуртлар	0,14	0,5	0,1
қуртларни кўплаб (ялпи) чиқиши:			
Биринчи куни	13,90	48	9,74
Иккинчи куни	12,20	42	8,52
Учинчи куни	2,76	9,5	1,94
Жами	29	100	20,3

Инкубаторияга қўйилган 29 г уруғдан 19 г қурт чиқадиган бўлса, у ҳолда жонланган қуртнинг массаси уруғ массасининг 65% ни ташкил этади. Агар бу рақам 70% га тенг бўлса, бир қути уруғдан 20,3 г қурт чиқади(21-жадвалга қаралсин). Лекин ҳозирги вактда жумхуриятимиз уруғ заводларида тайёланадиган уруғларнинг жонланиши жуда юқори (95-98% га тенг) бўлиб, бир қути (29 г) уруғдан 21-22 г гача қурт чиқмоқда. Бу эса жонланган қуртнинг массаси уруғ массасининг 75-76% ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам жамоа хўжаликларининг инкубаторияларида уруғдан қуртлар кўплаб чиқишини

биринчи ва иккинчи куни жонлангани билан режада мұлжалланган қурт миқдори етарлы бўлиб, учинчи куни жонланган қуртлар олинмай ёки ортиқча қурт сифатида пиллакорларга тарқатиб юборилади.

Назорат саволлари

1. Инкубатория нима?
2. Инкубатория қандай ташкил килинади?
3. Уруғни жонлантириш муддатларини айтинг?
4. Касаллик ўчоғи қандай йўқ қилинади?
5. Дезинфекция яхши самара бериши қаддай омиллага боғлиқ?
6. Дезинфекцияловчи кимёвий моддаларни келтириңг?
7. Дезинфекция қилиш вақтида формалин эритмаси қандай нормада сарфланади?
8. Жонланган қуртларнинг массасини қандай аникланади?
9. Нечинчи йилларда Ўзбекистон Республикасида 29 г уруғни бир қути уруғ, ундан чиққан 19 г куртни эса бир қути курт деб қабул қилинган?
10. Хабарчи қуртлар ?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов Н.А. – Тут ипак қурти маҳсулдорлигини оширишнинг экологик ва физиологик асослари. Тошкент, 1999, 5-6 б.
2. Аҳмедов Н.А., Муродов С.А. – Ипакчилик асослари. Тошкент., 1998, 5-7б
3. Гершензон С.М. ва бошқалар. – Экология и вўкормка шелкопрядов. М, 1959, 3-6б.
4. Муродов С.А., Аҳмедов Н.А., Азимов Э.~. – Ипакчилик мутахассислиги бўйича битириув малакавий иш. Т.2000, 4-6б.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 апрель ва 2000 йил 15 мартағи қарорлари. Халқ сўзи рўзномасининг 1998 йил 1 апрелдаги №67 ва 2000 йил 16 мартағи сонлари
5. Аҳмедов Н.А. – Тут ипак қурти маҳсулдорлигини оширишнинг экологик ва физиологик асослари. Т. 1999, 13-14б
6. Аҳмедов Н.А., Муродов С.А. – Ипакчилик асослари. Т.1998,112-113б
7. Аҳмедов Н.А., Самадова С. – Ипак қурти экологияси ва боқиши агротехникаси. Т.2000, 23-24б
8. Гершензон С.М. ва бошқалар – Экология и вўкормка шелкопрядов. М, 1959, 5-6б

3-Мавзу: Ипак қурти касаллуклари ва уларга қарши кураш чоралари

Режа:

1. Ипак қурти касаллуклари түғрисида тушунча.
2. Ипак қуртини бактериал касаллуклари ва уларга қарши кураш чоралари.
3. Ипак қуртининг замбуруғ касаллуклари ва уларга қарши кураш чоралари.
4. Ипак қуртининг вирус касаллуклари ва уларга қарши кураш чоралари.
5. Ипак қуртини пебрина касаллиги ва уларга қарши кураш чоралари.

Таянч иборалар: ипак, бактерия, замбруғ, вирус, уруг заводи, микробиология, микрококклар, тетракокклар, диплакок, сарцина, стафилококк, диплобактерия, стрептобактерия, бацилла

Ипак қурти касаллуклари түғрисида тушунча

Ўзбекистонда ипакчилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, тўқимачилик саноати ва ҳалқ хўжалигини табиий ипак хом-ашёси билан таъминлайдиган сердаромад соҳалардан биридир.

Табиий ипакдан пишиқ ва қимматли газламалар тўқилиб, ундан авиация ва космонавтика соҳасида, табобат, радиотехника ва бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилади. Шунинг учун ҳам дунёда ипакчиликни ривожланишига катта этибор берилмоқда. 1997 йилги малумотларга қараганда пилла этишириш бўйича биринчи ўринда Хитойда 260-290 минг тонна, шундан 75-80 минг тонна ёввойи ипак қуртларидан, иккинчи ўринда Хиндистон 75-80 минг тонна (бундан 10 йил олдин 20-25 минг тонна тайёрланган), учинчи ўринда Япония 40-45 минг тонна ва тўртинчи ўринда Ўзбекистон 20867 кг пилла тайёрланган.

Пилла сифати бўйича биринчи ўринда Япония, кейин Корея, Хитой ва Бразилия туради. Ҳосилдорлик хорижий мамлакатларда грамм куртга 3,5-4 кг, республикамизда эса 1 грамм куртга 2,5-2,6 кг пилла олинади. Хорижий мамлакатларда 1 кг пиллани 8-15 долларга сотади, бизлар эса 3-5 хатто 2-3 долларга ҳам сотамиз. Хорижий мамлакатларда навли пилла миқдори 90-95 фоизни ташкил этса, бизда 80-82 фоизни ташкил этади. Шунинг учун ҳам республикамизда ипакчиликни ахволини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида 1998 йил 3 апрелда Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг чиқарган қарори билан Республикада пилла ва ипак тайёрлаш бўйича ягона «Ўзбек ипаги» уюшмаси ташкил этилди, унинг раисига Ўзбекистон Республикаси Вазирининг биринчи ўринbosари мақоми бериладиган бўлди. 1998 йилдан бошлаб республикамизда пиллани ҳосилдорлиги ва унинг сифати ошиб бормоқда. Агарда тут ипак қуртининг касаллуклари ва зааркунандалари бўлмаганда, бу эришилган ютуқлар янада юкори ва самарадор бўлиши мумкин эди. қурт боқиши жараёнида қуртларнинг нобуд бўлиши, ҳосилнинг камайишига ва пилла сифатининг пасайишига асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади, афсуски касаллуклар натижасида қуртларнинг ўлиш кўлами түғрисида маълумотлар йўқ, факат пилла ҳосилига қараб, маълум маълумотларни кузатиш мумкин. (5)

Республикамизда боқилган ҳар бир қути куртдан 1997-2002 йиллар мобайнida ўртacha ҳосилдорлик 52-54 кг ни ташкил қиласди. Ҳозирги вақтда Республикада боқилаётган зот, дурагайларнинг ўртacha 1 дона пилла оғирлиги 1,8г бўлса бир қути куртдан ўртacha ҳосилдорлик 75-80 кг пиллани ташкил қиласган бўлар эди, ҳосилдорликнинг бундай кам

бўлиши, албатта ипак қуртини боқиши жараёнида уларнинг ҳар хил касалликларга чалиниши сабабидир.

Япония олимиси Коса Мутони маълумотларига қараганда нобуд бўлган қуртларнинг 80%и касалликлар 10-15 фоизи зааркунандалар қолган 5%и механик таъсирлар орқали бўлиши мумкин. Франция олимиси Шаплунинг кўрсатишича францияда 1950 йилларда 85-90 % қуртлар пебрина касаллигидан нобуд бўлган, натижада дунёда пилла топшириши бўйича энг охирги ўринга тушиб қолган.

Ўзбекистонда 1960-1970 йиллар мобайнида уруғчилик корхоналарида 4.242074 капалакларнинг тухум тўпламлари 44765 кути қурт уруғлари сифатсиз деб топилиб, куйдириб ташланган. Фарғонада, 1970 йил Марғилон уруғчилик корхонасида тайёрланган 25 минг кути уруғ пебрина билан касалланган деб топилган ва айрим туманларга тарқатилган қуртлар бешинчи ёшигача 100% ўлиб кетган. Бундан ташқари 1973 йил Самарқанд ва Тошкент уруғчилик корхоналарида тайёрланган уруғлар пебрина билан касалланганлиги, 1973-1974 йилларда эса Каттакўргон ва Шахрисабз уруғчилик корхоналарида тайёрланган ипак қурти уруғлари пебрина билан касалланганлиги аниқланган.(4)

1968 йил Тожикистоннинг пиллачилик станцияларида тайёрланган элита ва супер элита уруғлари пебрина спораси билан касалланганлиги аниқланган.

Республикамизда пебрина касаллигининг бундай келиб чиқиши сабаблари наслчилик хўжаликларида қуртхоналарнинг бир неча йиллар давомида дезинфекция қилинмаганлиги, хатто уруғчилик корхоналарининг омборлари, цехлари, керакли бўлган барча асбоб анжомлари дезинфекция қилинмаганлиги яъни зарарсизланмаслиги ҳамда уруғчилик корхоналари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида йўл кўйилганлиги аниқланди.

Қуртларнинг нобуд бўлишига касаллик ва заруркунандалардан ташқари механик таъсир орқали уларнинг сонини камайиши, боқиши давомида сўрилардан тушиб кетиши, ғаналарни алмаштирганда жароҳатланиши, айниқса биринчи ва иккинчи ёшларда ғана билан қўшилиб кўпгина қуртлар кўринмасдан ташлаб юборилиши уларнинг умумий сонини камайишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари ҳосилнинг камайиши йилнинг ноқулай шароити, озиқанинг сифати пастлиги, озиқани тўйиб истеъмол килмаганлиги кабилар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Аммо кузатишлар шуни кўрсатадики, агротехник шароитларнинг барчаси муҳаё бўлганда ҳам касаллик ва зараркунандалар ҳосилнинг пасайишига ва сифатини бузилишига механик таъсирларга нисбатан жуда катта зарар келтиради.

Ипак қурти касалликлари пилла ҳосилини камайтиришдан ташқари унинг сифатини ҳам пасайтиради. Натижада республикамизда олинган пиллаларнинг анчагинаси инфекцион касалликлар натижасида бўлиб, нуқсонли пиллаларнинг 70-80 фоизини ташкил этади. Лекин нуқсонли пиллалар фақатгина касалликлар натижасида эмас, балки улар бошқа сабаблар натижасида, қорадоғли, тўлиқ ўралмаган пиллалар, шакли ўзгарган пиллалар, дукурма, яъни икки ёки ундан ортиқ қуртлар биргаликда ўраган пиллалар, тешик пиллалар бўлган холларда ҳам нуқсонли пиллалар ҳосил бўлади.

Нуқсонли пиллаларни ичиди тўлиқ ўралмаган юпқа пўчоқли пиллаларни, ғумбаги кўринадиган пиллаларни учратамиз. Бундай пиллаларда ўлик қурт ёки ғумбаклари чиримаган бўлса қуртлар стрептококк касаллиги билан касалланган бўлиши мумкин.

Тұлық үралмаган тирик ғумбакли пиллаларни эса касалликтар натижасыда әмас, балки түйіб озиқланмаган, оч қолган қуртлар ҳам ҳосил қилиши мүмкін.(4)

Пилла ичида қурт ёки ғумбаги ўлып пилла қобигига ёпишиб қолған, силкитганды овоз бермайдынан кар пиллалар күпинча сариқ касаллигидан, баъзан қончириш – септицимия билан касалланиш натижасыда бўлади. Айрим холларда кар ва қорапачоқ пиллалар ҳосилни 7-8 фоизини ташкил этади.

Пиллаларни ўз вақтида ғумбагини ўлдирмаслик кар пиллаларни миқдори ортиб бориши мүмкін, чунки касаллик қуртларнинг пилла ўраш давридагина әмас, балки ғумбаклик даврида ҳам пилла ичидағи ғумбак танасыда ривожланиб, уни капалакга айланмасдан нобуд бўлиб, юқорида айтилган нобоп пиллаларни ҳосил қилиши мүмкін.

Республикамиз уруғ заводларида капалак чиқмаган пиллаларнинг миқдори 3-4 фоизини ташкил этади. Шундан тахминан ярими инфекцион касалликтар натижасыда содир бўлади. Афсуски, касалликтарни олдиндан илмий асосланган даражада диагностикасини аниқлаб берадиган мутахасислар жуда кам. Фақатгина уруғчилик хўжаликларида бу соҳа бўйича пебрина касалликтарни аниқлаш учун уруғ тайёрлаш заводларда микраскопик кузатишлар олиб борилади, цељлюляр уруғ тайёрланади.

Ипак қуртини бактериал касалликлари ва уларга қарши қураш чоралари

Бактерияларнинг тузилиши, қўпайиши, озиқланиши. Ҳозирги вақтда бактериялар деб номланувчи микроорганизмларнинг 1600 дан ортиқ турлари маълум бўлиб, булар энг майда, кўзга кўринмайдын бир хужайрали организмлардир. Буларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди, факатгина микроскоп ёрдамидагина кўриш мүмкін. Шунинг учун ҳам микроблар ёки микроорганизмлар деб аталади. Бактерияларнинг ҳаёт жараёнларини, биокимёсини, ўсиши ва ривожланишини, ўзгарувчанлигини табиатда тарқалишини систематик ҳолатини ўрганадиган фан *микробиология* деб аталади.

Микрорганизмларга оддий бўлиниш йўли билан бўлинадиган бактериялар, вируслар, бактерияфаглар, стрептомицетлар (актиномицетлар, баъзи бир замбуруғлар, бир хужайрали кўк яшил сув ўтлари) киради.

Булар ниҳоятда майда бўлишига қарамасдан халқ хўжалигига табиатда ва қишлоқ хўжалигига муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг кўпчилиги ўсимлик, ҳайвон ва одам организмидаги инфекцион касалликтарни қўзғатади.

Бактерияларнинг кўпчилиги хужайралардан тузилган бўлиб, уларнинг катталиги 0,1 микрондан 10 микронгача бўлиши мүмкін. Шунинг учун ҳам уларни микроб ёки микроорганизмлар деб юритилади. Бактерияларни ўрганадиган фан бактериология бўлиб, микробиология фанининг бир бўлими ҳисобланади. Бактериялар сув, тупроқ, чанг, ҳаво, ҳайвон ва ўсимликларнинг ташқи ва ички муҳитларида яшашади, хатто уларни 60°C иссиқ қазилмаларда ҳам учратиш мүмкін. Уларнинг миқдори 1г унумдор тупроқда 100 млн, 1cm^3 хом сутда 3000 млн бактерия учрайди.(3,4)

Бактерия формалари. Хужайрасининг формаларига қараб бактериялар учта гурухга бўлинади:

а) Шарсимон бактериялар – кокклар. Кокклар (грекча - сўздан олинган бўлиб, *coccus* – дон, мева дегани) ўзаро бир-бирларидан хужайраларнинг жойланишидан фарқ қиласи. Якка тартибдаги кокклар *микрококклар* деб аталади. Бўлиниш натижасыда ҳосил бўлган янги хужайралар жуфтлашганича қолса *диплакокклар* дейилади. Агар энига ва

бўйига бўлиниш натижасида ҳосил бўлган хужайралар ажралмасдан тўртталигича қолса *тетракокклар* деб аталади. Бўлинишда перпендикуляр ўзаро юзаси бўйлаб уч марта бўлинса бунда 8-16 та кубокга ўхшаш хужайралар тўплами *сарцина* дейилади. Агарда бўлиниш тартибсиз ҳолатда бўлса, яъни узум шингилига ўхшаш бўлса *стафилококк* деб, агар хужайралар қўшилиб узун маржонга ўхшаш шакл, ҳосил қилса *стрептококклар* деб юритилади.

6) Таёқчасимон бактериялар (бактерия - грекча сўз бўлиб таёқча дегани) бу гурухга мансуб бактериялар ҳам алоҳида алоҳида цилиндрисимон формада бўлиб, айrim холларда жуфт-жуфт бўлади бундай бактериялар *диплобактериялар* деб аталади. Агарда занжирсимон кўринишида бўлса *стрептобактериялар* дейилади. Таёқчасимон бактерияларнинг формалари ҳам ҳар хил бўлади. Буларнинг спора ҳосил қилмайдиганлари чин бактериялар деб, спора ҳосил қиласиганлар *бациллалар* деб аталади. Бу бактериялар ичак касалликларини: бруцеллез, ўлат, сибир язвоси – кўйдирги, қоқшол, қорасон касалликларини қўзғатади.

в) Спиралсимон – спирилла бактериялар. Буларнинг формалари вергулсимон ёки гажаксимон бўлиб, бир марта бўкилган бўлса вибрионлар деб аталади, агар икки ёки уч марта қайрилган бўлса спирилла, ингичка бўлса спирохеталар дейилади. Бу бактериялар харакатчан, ҳаракати хивчинлар ёрдамида бўлади. Хивчинлари хужайра охирида бўлади. Вибрионлар ичида энг хавфлиси холера-вабо вибрионидир. Спириллалар зарарсиз бўлиб, сув тупламларида ифлос сувларда учрайди. Буларнинг ичида битта тури одамларда содку-сичқон қопди касаллигини қўзғатади.

Спирилларнинг харакат органлари хивчинларнинг жойланиши турларига боғлиқ бўлади. Агар хивчинлар битта бўлса монотрихлар, қарама-қарши томонда биттадан бўлса амфитрихлар, хужайранинг бир ёки икки томонида ҳам хивчинлар тўплами бўлса лофотрихлар дейилади. Перетрихларда хивчинлар хужайранинг барча жойларида бўлади.

г) Бактерияларнинг кўпайиши. Бактериялар оддий, хужайрасининг бўлиниши йўли билан кўпаяди. Бўлинган хужайралар қулай шароитга тушса у ҳам тезда ўсиб яна бўлинади. Агарда бактерияларнинг яшаш шароити қулай бўлса уларнинг хужайралари ҳар 20-30 минутда бўлиниб туради. Бактерияларнинг тараққий этиши учун шароит етарли бўлса, уларнинг хужайрасидан бир кеча-кундузда сон-саноқсиз бактериялар вужудга келади, бундай тўхтовсиз кўпайиши давом этса, улардан ҳосил бўлган бактериялар ер шарининг денгиз ва океанларни ишғол қилиб, уларга сифаслиги мумкин. Бироқ биз амалда бундай кўпайишни кўрмаймиз. Бунинг сабаби биринчидан, бактерияларнинг модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлган махсулотлари уларнинг ўзи учун заҳарли таъсир кўрсатади, иккинчидан эса бактериялар учун етарли зарур озиқ-овқат бўлмайди ва учинчидан бир хил тур бактериялар ўзаро курашади, натижада улар кўплаб ҳалок бўлади. Бактерияларнинг баъзилари гонидийлар, яъни майда куртакчалар ҳосил қилиб кўпаяди, у она хужайрадан ажралиб чиқади ва бўлинади. Ҳар қайси бўлинган қисм бўлиб, ривожланиб бактерияга айланади.

Баъзи бир тур бактериялар ноқулай шароитга тушиши билан ҳалок бўлади, бошка турлари эса спора ҳосил қиласиди. Хужайра спорага айланиши олдидан протоплазмасидаги сувнинг бир қисми қуриб концентранади ва зичлашади, усти жуда мустаҳкам пўст билан қопланди. Ҳар бир бактерия хужайрасидан битта спора ҳосил бўлади. Бундай ҳосил

бұлған айрим тур бактерия споралари нокулай шароитга жуда чидамли бўлиб, 150°C исиқликда ҳам, бир неча соатлаб сувда қайнатилганда ҳам ўлмаслиги мумкин. Бактерия споралари ўзининг яшаш шароитини 10 йиллаб сақтай олиши мумкин.(3)

д) Бактерияларнинг озиқланиши. Бактериялар хлорофилсиз организм бўлгани учун уларнинг кўпчилиги тайёр овқатдан фойдаланади. Бундай тур бактериялар *гетеротроф* озиқланиувчи бактериялар деб аталади. Гетеротроф озиқланувчи бактерияларнинг кўп қисми органик моддаларни мустақил вужудга келтира олмайди, ўлик органик моддалар ҳисобига яшайди, булар *сапрофит* бактериялар деб аталади. Буларнинг кўпчилиги оқсил моддалар ҳосил қилиш учун органик моддалардан, озиқли бирикмалар ҳосил бўлган анерганик моддаларнинг тузлардан фойдаланади. Сапрофит бактерияларнинг баъзи хиллари озиқ сифатида нефт, керосин, тошкўмир, торф ва шу каби бирикмаларни парчалаб, бузиб улардан овқат сифатида фойдалана олади.

Бактерияларнинг тирик организмлар ҳисобидан озиқланувчи турлари *паразитлар* деб аталади. Улар ўсимлик, ҳайвон ва ўсимликларнинг ичидаги ташқарисида жойлашиб, мураккаб тирик органик моддалар ҳисобига яшайди. Турли хил касалликларни қўзғатувчи бактериялар ҳам шу жумладандир.

Бактерияларнинг табиатда тарқалиши. Бактериялар бошқа организмларга қараганда анча кенг тарқалган бўлиб, улар ер шарининг барча қисмидаги – ҳавода, сувда, тупроқда, тоғларнинг музли баланд чўққиларида тупроқнинг чукӯр қатламларида, серчанг шаҳар кўчаларида, денгиз тубларида барча тирик организмлар (ўсимлик, ҳайвон ва одам) да учрайди. Бактерияларнинг кўпчилиги гетеротроф организм бўлганликлари туфайли органик моддаларга бой муҳитларда, ифлос сувларда, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўлимтикларида кўпроқ яшайди. Сапрофит бактериялар одамларнинг оғиз бўшлиғида тиш кавакларида ва ичакларда кўплаб яшайди. Бактериялар хлорофилсиз бўлганликларидан, уларнинг кўп қисми гетеротроф типда озиқланиб, ўз хаётини жараёнлари учун зарур бўлган энергияни турли органик моддалар ҳисобидан олади. Бактериялар органик моддаларни парчалаб, оддий моддаларга айлантиради ва шу жараёнда ҳосил бўлган энергиядан карбонат кислотани ўзлаштириш учун фойдаланади.

Бактерияларнинг асосий хусусиятларидан бири органик моддаларни анерганик моддаларга айлантириш бўлиб, у жараёнда табиатда моддалар айланиши давом этади. Бизга маълумки қуёш нури таъсиридан фойдаланиб, яшил ўсимликлар анерганик моддалар (CO_2 ва H_2O) дан органик моддалар ҳосил қиласида, гетеротроф бактериялар эса ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўлик моддаларини бузади, парчалайди, натижада яшил ўсимликлар учун зарур бўлган карбонад ангидрид (CO_2) ва турли минерал тузлар вужудга келади. Агар гетеротроф бактериялар бўлмаганда ер юзи ҳайвон ва ўсимликларнинг қолдиқлари билан тўлиб кетган бўлар эди ва акс холда ҳавода карбонад ангидрид гази етишмай қолиб яшил ўсимликларнинг фотосинтез жараёни ва ер юзида ҳаёт ҳам тўхтаган бўлар эди.

Ер ости қазилма бойликларидан тошкўмир, нефт конларининг ҳосил бўлиши ҳам бактерияларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Патоген бактериялар. Гетеротроф бактерияларнинг кўп турлари паразит ҳолда ўсимлик ва ҳайвонлар хужайрасида, тўқималарида яшаб турли хил касалликларни келтириб чиқаради хатто уларни ҳалок қиласида. Бундай бактериялар *патоген* бактериялар

деб аталади. Одамлардаги сил, вабо, тиф, дизентерия ва бошқа юқумли касалликларни, ҳашаротларда жумладан ипак қуртида ўлат, қончириш, лиққоқ ва токсикоз касалликларини патоген бактериялар вужудга келтиради. Бактерияларнинг баъзи турлари ўзи учун заарсиз, аммо турли хил бактерияларни ундирувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқаради.

Табиатдаги барча бир хужайрали ва кўп хужайрали организмлар иккита катта гурухга: *прокариот* ва *эукариот*га бўлинади.

Прокариотга бактериялар ва кўк-яшил сув ўтлари киради, эукариотга эса барча яшил ўсимликлар ҳамда ҳамма сув ўтлари, замбуруғлар ва ҳайвонлар киради.

Прокариотларнинг эукариотлардан айрим белгилари, хужайра структуралари, генетик тузилиши (ДНК) цитоплазмада бўлиши, ядро мембранаси тарқоқ ҳолда бўлиш кабилар билан фарқ қиласиди. Эукариотларда эса ҳақиқий ядронинг бўлиши ва ядро қобигининг бўлиши, хужайра тузилишига эга бўлиш билан ажralиб туради.

Микроорганизмларнинг систематикаси ва классификацияси. Барча тирик организмларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда, уларни алоҳида белгиларига ўхшашликларига яшаш ва кўпайиш усуулларига қараббиологияяда систематик гурухларга таксономик категорияларга солиб ўрганади. Таксономия грекча сўз бўлиб, *taxis*-жойланиш тартиби, *nomos*-қонун маънони англатади, яъни қонун асосида тартибга солиниб, ҳар бир тур лотин тилида бинар номенклатуроси бўйича икки хил ном, турнинг ва авлоднинг номи билан номлаш тавсия этилган. Масалан, ярали стафилакокк *Staphylococcus aureus* сибир язваси бацилласи *Bacillus anthracis* қуртларда стрептококк касаллигини қўзгатувчиси *Streptococcus bovis*, қуртларда ичак касалликларини қўзгатувчиси *Bacillus thuringiensis* ва бошқалар.

Одатда турларни аниқлагичлар ёрдамида уларнинг морфологик, физиологик хусусиятларининг бир хиллиги ёки ҳар хиллигига қараб аниқланади. Айрим холларда турларнинг номланиш ёки авлоднинг номланиши шу турни ўз номлари билан ҳам аташлари мумкин, чунки у аниқ турларга нисбатан бошқа белгилари билан фарқ қилиб бутунлай бошқа авлод ва тур бўлиши мумкин. Масалан, *Escherichia coli* бунда авлоднинг номи немис олими Эшериха номига, ламбия рус врачи Ламбия, сальмонелла американски микробиолог Сальмонон, Япония микробиологи Ши номи Шигелла авлодларининг номлари берилган.(1,2)

Микробиологияяда «Штамм» ва «Клон» деган тушунчалар бўлиб, Штамм – бир хил шароитда бир вақтнинг ўзида, бир жойдан ажратиб олинган бир хил турдан ёки мутация натижасида олинган тур, улар айрим белгилари билан фарқ қилиниши мумкин. Масалан: антибиотикларга чидамлилиги, касаллантириш даражаси паст бўлиши ёки юқори бўлиши ҳамда ҳар хил биокимёвий ва физиологик белгиларига қараб фарқ қилиши мумкин, аммо булар ўша тур ва авлод хоссаларини ўзида мужассамлантирган бўлади. Клон – микроорганизмнинг битта хужайрасидан ўстириб олинган культураси ёки популяциясидир. Клон тушунчаси асосида хужайрани метоз бўлиниши она ва қиз хужайраларга генетик информацийарнинг teng бўлиниши ётади. Клон бу генетик бир хил хужайрадан тузилган бўлади.

Хозирги вақтда микроорганизмларни классификацияга солган олим Д.Берджи бўлиб, у ўзининг 1978 йил нашр этилган «Бактерияларнинг аниқлагичи» (инг.тилда)

китобида бактерияларнинг барча физиологик ва морфологик хоссалари кўрсатилган бўлиб, унда 1500 турдан ортиқ микроорганизмларга таъриф берилиб системага солган.(1)

Прокариотлар гурухига мансуб бактерияларни Берджи аниқлаги чи бўйича иккита бўлимга бўлади.

1. Цианобактериялар (кўк яшил сув ўтлари)
2. Бактериялар.

Бу аниқлагичда кўпроқ бактериялар бўлими ўрганилган бўлиб, бактериялар 19 та гурухга бўлинган. Шундан 5-гурух спирохитлар, 10 ва 14-гурухларга гонококк, стрептакокк, стафилакокклар, 8-гурухга ичак ва вабо касалликларини кўзғатувчилари, 15-ругурухга актиномицетлар, микобактериялар ва нокордиялар, 17-гурухга риккетсиялар, 18-гурухга хломиялар ва 19-гурухга эса микоплазмалар киритилган.

Замбуруғлар, содда ҳайвонлар ва вируслар классификациянинг бошқа системасига киради. Буларни Берджи ўзининг аниқлаги чи киритмаган.

Бактериялар систематикасида асосий физиологик белгиларидан бири уларнинг овқатланишидир. Улар бутун танаси орқали атроф муҳитда эриган моддалар билан озиқланади. Улар оқсил ва углеводларни ҳамда бошқа мураккаб бирикмаларни парчалаб, ҳар хил моддаларни: спирт, сут кислотаси, пептон ва пептидлар, амиак ва хоказоларни ҳосил қиласди.

Бактериялар табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар тупроқда, сувда ўсимлик ва ҳайвон организмларида яшаб айримлари одам, ҳайвон ва ўсимликларда ҳар хил юқумли касалликларни кўзғатади.

Бактерияларни ўрганадиган фан «Бактериология» деб аталади. Бу фан одам, ҳайвон ва ўсимлик касалликларини ўрганиш жараёнида келиб чиқган. Бактериялар ҳашаротларда айниқса фойдали ҳашаротларни касалликларини ўрганишда жумладан, ипак қурти, асалариларнинг касалликларни олимлар илмий изланишлар натижасида ҳар томонлама ўрганишган.

Умуман ҳашаротларда ва ўсимликларда касаллик кўзғатувчи бактерияларнинг касалликлари бактериоз деб аталади, худди шунингдек замбуруғ касалликлари микоз,чувалчанг касалликлари эса гельминтоз деб юритилади.

В.Д.Штибен ҳашаротлардаги касаллик ўсимлик касалликларидан қандай фарқ қилса умуртқали ҳайвонларда ҳам шундай, буларда қандайдир умумийлик бор, уларни касалликларини фарқларини ажратиш анча қийин, шунинг учун ҳам ўсимликлардаги, ҳашарот ва ҳайвонлардаги бактерия касалликларини умумий қилиб бактериоз деб юритилади. Ҳашаротларнинг бактериози қанчаки ташки белгилари билан бошқа бактериозларга ўхшашибдан қатъий назар касалликлар систематикасининг қоидаларига асосан бутунлай мустакил равишдаги касалликдир. Улар бир-биргаридан этиологик, патологик ва касаллик кўзғатувчиларининг турлари ва патогенез хусусиятлари: билан фарқ қиласди.

XIX аср ўрталарида фақатгина биргина микроскоп ёрдамида касаллик кўзғатувчиларини аниқлашга уринишган, аммо буни аниқлаш учун аволан бор бактериялар систематикасининг, бактериологик услубларни ўрганишга анчагина вақт талаб қиласди.

Хатто XX аср бошларидан ҳам ипак қурчининг бактерия касалларини ўрганишда анчагина маълумотлар йифилган. Олимлар ўртасида тортишувлар, бахслар бўлиб, бу баҳс ва тортишувлар фляшерия-ўлат касалиги устида бўлган.

Ипак қуртининг замбуруғ касалларни ва уларга қарши қураш чоралари

Замбуруғларнинг қисқача характеристикаси ва классификацияси. Замбуруғлар – Fungi тубан ўсимликлар гурухида энг қўп тарқалган бўлими бўлиб, хлорофилсиз ўсимликдир. Замбуруғлар икки гурухга бўлинади. Биринчи гурух хақиқий замбуруғлар, иккинчи гурух эса сохта замбуруғлар. Хақиқий замбуруғларнинг хужайраларидаги ядролари шакилланган бўлиб, сохта замбуруғларда эса ядро элементларигина бўлади, буларга бактериялар ва шилимшиқ замбуруғлар киради.

Замбуруғлар табиатда кенг тарқалган, шу билан бирга улардан ҳар ҳил физиологик актив моддалар, витаминалар, ферментлар, органик кислоталар, антибиотиклар олинади. Улар ёрдамида вино, пиво, нон, пишлюқлар тайёрлашда ишлатилади. Кўпгина истеъмол қилинадиганлари ҳам бўлиб, уларни озик-овқат сифатида ўстирилади ва истеъмол қилинади.(5,7)

Замбуруғларнинг ичидаги одам ва хайвон организмларида ўсимлик органларида касаллик қўзғатиб, паразитлик қилиб яшайдиганлари ҳам кенг тарқалган. Замбуруғларнинг вегетатив танаси ипсимон (мицелий) рангизузун гифалардан тузилган, уларнинг таналари хужайралардан тузилган.

Замбуруғларнинг кўпайиши вегетатив, жинссиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди. Вегетатив йўл билан кўпайганда улар мицелийдан, гифа учларидан, хломидаспоралардан ва куртакланиш каби йўллар билан кўпаяди. Жинсий кўпайганда эса улар зооспоралар, спорангий споралар, конидияспоралар ёрдамида кўпаяди. Жинссиз кўпайишида изогамия, гетрогамия ва оогамия йўллари ёрдамида кўпайиб қалин қобиқга ўралиб, зиготани ҳосил қиласиди. Бундай кўпайиш хиллари тубан замбуруғларга хосдир.

Юқори типда тузилган замбуруғларда жинсий кўпайиш органлар редукцияланган – заифлашган. Шунга қарамасдан бундай замбуруғларнинг спораларини ҳосил бўлишига қараб иккита катта гурухга: халтачали ва базидияли замбуруғлар гурухига бўлинади. Халтачали замбуруғларда споралар халтача ичидаги (аска-ичида), базидияли замбуруғлар гурухига эса спора базидияларда ҳосил бўлади.

Бу замбуруғларда иккала хужайра ядролари олдин қўшилмасдан хужайра протопластлари ўзаро қўшилиб кейинчалик хужайра ядролари қўшилади ва булардан споралар етилади.

Ҳозирги вактда замбуруғлар бўлими еттита синфга бўлинади(4-6)

1-синф. *Хатридиомицетлар* – мицелий бўлмайди, кучсиз ривожланган, зооспоралари ва гаметалари харакатчан бир хивчинли, жинсий кўпайиши изогамия, гетрогамия ва оогамия йўллари билан кўпаяди.

2-синф. *Оомицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган зооспораси 2 хивчинли жинсий кўпайиши оогамия йўли билан бўлиб, ооспора ҳосил қиласиди.

3-синф. *Зигомицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган, аммо тўсиқлар билан бўлинмаган, жинсиз кўпайишида харакатсиз спорангиспораларни ҳосил қиласди, айрим холларда эса конидия ҳосил қиласди, жинсий кўпайиши зигогамия.

4-синф. *Трихомицетлар* – мицелийсининг қобиғида целлюлоза ҳосил қиласди. Жинсий кўпайиши иккита протапластларнинг қўшилишидан зигота ҳосил бўлади. Жинсиз кўпайиши макро-микроспорангийлар ҳосил қиласди. Булар бўғим оёқлиларнинг ичакларида яшайди (систематикаси ҳозирча аниқ эмас)

5-синф. Аскомицетлар – мицелийси яхши тараққий этган, кўп хужайрали, жинсий кўпайиши гометогамия натижасида сумка спораларни ҳосил қиласди. Жинсиз кўпайиши экзоген конидияларни ҳосил қиласди.

6-синф. Базидиямицетлар – мицелийси яхши тараққий этган. Жинсий кўпайиши соматогамия бўлиб, базидия ва базидияспораларни ҳосил қиласди.

7-синф. Дейтеромицетлар – мицелийси яхши тараққий этган, жинсиз кўпайиши конидиялар ёрдамида, жинсий кўпайиши эса аниқ эмас. Булар такомиллашмаган замбуруғлар ҳам деб аталади.

Ҳашаротларнинг паразит замбуруғлари. Тубан замбуруғлар гурухи ичida хитридиомицетлар, оомицетлар ва зигомицетлар синфлари юқори (олий) тип замбуруғлар ичida ҳалтачали – аскомицетлар ва такомиллашмаган – дейтромицетлар синфларининг айрим турлари ҳашаротларда турли хил қасалликларни қўзғатади.

Ҳашаротларда қасаллик қўзғатувчи замбуруғлар битта оиласа мансуб бўлиб, улар *Entomophthora* ва *Empusa* авлоднинг турларидир.

Энтомофтора авлодининг энг кўп учрайдиган турларидан бири уй пашшаларида замбуруғ қасаллигини қўзғатади. Бу қасалликни қўзғатувчиси *Entomophthora* ёки *Empusa musca* бўлиб, куз пайтларida уй пашшаларининг оммавий ўлимига сабаб бўлади.

Энтомофтор замбуруғлар оиласининг вакилларини кўпчилиги қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандаларининг ўлимига сабаб бўлиб, катта аҳамиятга эга. Тут ипак куртида энтомофтор замбуруғлар камроқ учрайди.

Энтомофтор замбуруғлар оиласини *Tarichium* авлодининг вакиллари кўпчилик тўпламларнинг қуртларда қора мускардина қасаллигини қўзғатади. *Sorosporella* авлодининг вакиллари эса лаблаги узун бурун қўнғизларини, тунламлар ва акация капалаги қуртларда қизил мускардина қасаллигини қўзғатади.

алтачали замбуруғлар ичida ҳашаротларни қасаллантирувчи авлодларидан бири Аспергиллус (*Aspergillus*) авлоди бўлиб, ҳашаротларда мускардинага ўхшаш қасалликни қўзғатади.(3)

Тут ипак қуртининг аспергиллёз қасаллигини аспергил авлодининг вакиллари қўзғатади. Аспергиллар авлодининг вакиллари табиатда кенг тарқалган, улар сапропит бўлибгина қолмасдан ичida ҳашаротларда, сут эмизувчиларда, қушларда ва одамларда паразитлик қилиб яшайдиганлари ҳам бўлади. Булар чигирткаларда, ўсимликхўр қандалаларда, кўпгина капалакларнинг қуртларида ҳам аниқланган. Ҳаммага маълумки асалариларда *Aspergillus flavus* ва *Aspergillus niger* замбуруғлари аспергиллез қасаллигини қўзғатади.

Тут ипак қуртининг аспергиллез касаллиги. Бу касалликнинг қўзғатувчиси *Aspergillus* *gillus* замбуруғи бўлиб, бошқа ҳашаротларда касаллик туғдириши билан бир қаторда тут ипак қуртида ҳам паразитлик қилиб катта зарап келтиради.

В.Е.Хохлачеванинг маълумотларига қараганда ипак қурти барча ривожланиш даврларида аспергил авлодининг қуйидаги вакиллари кўпроқ учрашини маълум қилади, улар жумладан *Aspergillus flavus*, *Aspergillus orazaе*, *Aspergillus mellus lukana*, *Aspergillus tamari* каби замбуруғларидир.

Аспергиллез касаллиги билан касалланган қуртнинг иштахаси йўқолади, 3-5 кундан кейин ўсишдан қолади, танаси соғлом қуртларга нисбатан анча кичиклашиб, пўст ташлаш жараёни анча чўзилиб, ўлимга олиб келади. Касалликнинг белгилари бамисоли оқ мускардинага ўхшаш бўлади. Қуртхонанинг намлиги юқори бўлганлиги туфайли мумлашиб қолган ўлик қуртлар устида замбуруғнинг олдин оқ мицелийси, аста секин эса унда споралар етилиб, ҳар хил рангдаги моғорларни хосил қилади, бу ранглар замбуруғнинг турларига боғлиқ бўлади. Айрим холларда касалланган қуртлар ипак ўрайди, ўраган пиллалари юпқа пўчокли бўлиб, нобоп пиллаларни хосил қилади. Касалланган ғумбакларнинг сигмент оралиқларида замбуруғнинг мицелийси ўсади.

Хохлачеванинг маълумотлари бўйича ипак қуртининг тухумлари кучли заарланар экан. Аспергил авлодига мансуб 24 та турга мансуб замбуруғ тухумни заарланиши аниқланган. Уларнинг ичида энг патогенларидан *Aspergillus – kersicolor* ва *Aspergillus niger* эканлиги аниқланган.(1.Абдуллаев бўйича)

Хуллас Аспергиллез касаллиги билан касалланган қуртлар танасида замбуруғ хосил қилган токсин моддалар таъсири ҳисобига заҳарланиб ўлади, бу токсин ўта кучли модда бўлиб, хатто иссиққонли ҳайвонларни ҳам ўлдиради.

Тут ипак қуртининг бовериоз ёки оқ мускардина касаллигининг кетиши ва унинг аломатлари. Бу касалликнинг номланишини Италиялик пиллакорлар «Охокланиш» ёки оддий қилиб «Охок» деб аташган. Французлар эса мускат ёнғоғи каби ялтираганлиги учун «Мускад» номлашган, яъни мускардина (*muscardina*) деб аташган.

Касалланиб ўлган қурт қаттиқ бўлиб қотиб қолганлиги сабабли, шарқда ва Марказий Осиёда «тош» касаллиги деб ҳам юритилади.

Ипак қуртининг мускардина касаллигининг номи бовариоз замбуруғларига тегишли бўлиб, бу касаликга ўхшаш аломатларини кўпгина бошқа замбуруғлар ҳам хосил қилади.

XVI – асрларда мускардина касаллигининг ташқи аломатлари Европа адабиётларида учраб келган. Бу касалликни XVII-асрларда Италия ва Франция олимлари томонидан асосан Буасье де Соваж томонидан тўлиқ характерлаб берилди.

Тут ипак қуртининг оқ мускардина касаллигини қўзғатувчисини Августино Басси аниқлаб берган. У ўзининг тажрибалари ва кузатишлари билан ҳамда олимларнинг тўрт асрлик йигилган назариялари ёрдамида ипак қуртининг бу касаллиги тўғрисида монография ёзди. У касалликнинг қўзғатувчисини систематикасини аниқлаш мақсадида Милан Университети табиатшунослик кафедраси профессори Джузеппе Бальзамо Кривеллига юборади. Кривелли уни *Botrytis paratossa* деб номлайди, кейинчалик эса *Botrytis bassiana* деб Басси номига қайтадан номланади.

1912 йилда тут ипак қуртнинг мускардина касаллигини құзғатувчиси *Verticilliaeae* оиласининг *Beauveria* авлодига киритилади.

Ипак қуртнинг оқ мускардина касаллигини құзғатувчисини мицелийси оқ унсимон донадор, момикдек бўлиб, спораси овалсимон. Замбуруғ *Deutromycetes* синфи, *Moniliales* тартиби, *Moniliaceae* оиласи *Beauveria* авлоди *Beauveria bassiana* турига киради, унинг синоними *Botrytis bassiana* Balsamo.(7)

Замбуруғнинг танаси субстрат устига ун сепгандек доғни ёки момикдек, зичлашган наматдек кўринишда оқ ёки пушти, қизил хошияли рангни ҳосил қиласи. Ҳаво гифаларида конидия бандлари бўлиб, унинг учларида конидияларни (спораларни) ҳосил қиласи. Гифалари рангсиз бир-бирлари билан боғланган. Мицелийси конидия бандлари ўсиб чиқишига хизмат қиласи. Конидия бандлари колбачасимон стрегмалар билан тугаб, бу стрегмаларда биттадан конидиялар ҳосил бўлади. Замбуруғнинг конидияси, яъни ҳаво спораси бўлиб, у жинсиз кўпайишда хизмат қиласи. Конидия ёйсимон елимли модда билан қопланган, шу модда ёрдамида ҳашаротларнинг танасига, яъни ипак қуртнинг танасини истаган жойига ёпишиб, 24-25°C да ривожланиш қобилиятига эга бўлади.

Куртхоналарнинг намлиги юқори бўлганда (90%) спора (конидия) нинг ривожланишига имконият туғилади. Спора қуртнинг танасида бир неча соат ёки кун сақланиши мумкин, қачонки қулай шароит тўғри келиши биланоқ у 5-8 соатда катталашиб боради ва 12 соатдан кейин қурт танасида ўса бошлайди. Ўсаётган спорадан ўсиб чиқаётган гифалар куртнинг гиподермасига киради.

Маълумки, ҳашаротларнинг тери қатлами энтромопатоген замбуруғлардан ташқари барча микроблар учун ўтаолмайдиган қатлам ҳисобланади.

Шунга қарамасдан замбуруғ гифасининг нүктасида кутикулани эритувчи фермент курт терисини эритиб ичига киради. Бу фермент хитиназа ферменти бўлиб, барча энтромопатоген замбуруғларга хос. Худди шунингдек *beouveria* замбуруғининг ўсиш нүктасида ҳам ҳар доим хитиназа ферменти ажралиб чиқади.

Замбуруғнинг инфекцион гифалари қуртнинг гемолимфасига қараб у ўзининг ривожланишини бошлайди ва куртакланиб кўпаяди. 36-48 соатдан сўнг қуртнинг гемолимфаси замбуруғнинг гифалари билан тўлади. Касалланган қурт харакатдан қолади, бу гифалар ўсиб тармоқланиб, мицелийни ҳосил қиласи.

Маълумки, гемолимфа паразит замбуруғларни ривожланиши учун энг қулай муҳит ҳисобланиб, бу муҳитда замбуруғ тезда қоннинг таркибини бузади. Кондаги моддаларни ўзгартиради. Паразит аста-секин бутун ичакда ривожланиб, уни ўлимга олиб келади.

Ҳашарот ўлимидан кейин замбуруғнинг гифалари мицелийлар ҳосил қилиб зичлашади. Ўлган қуртлар олдинига юмшокрорқ бўлса, аста-секин тана қурий бошлаб, танаси кичиклашади ва қаттиқлашади. Ҳавонинг меъёридаги намликда нобуд бўлган қуртларнинг кутикуласида замбуруғнинг ҳаво гифалари ўсиб, конидия бандларини ҳосил қиласи ва бу конидия бандларида паразитнинг конидия споралари бўлиб, қуртнинг ўлиги ун сепганга ўхшаш куқун ҳосил қиласи.

Маълумки, замбуруғ ўзининг хаётий жараённанда модда алмашинуви натижасида турли хил моддаларни: токсинлар, антибиотиклар, органик кислоталарни ҳосил қиласи. Худди шунингдек ипак қуртнинг мускардина касаллигини құзғатувчи замбуруғ *Beouveria*

bassiana ҳам ўзининг ўсган мухитига антибиотик ишлаб чиқаради ва бу модда бактерия флорасини ривожланишига йўл қўймайди.

Мускардина касаллиги кўпинча ипак қуртининг қуртлик стадиясини касаллантиради. Касалликнинг кўзга ташланиши (агар касаллик оммавий тус олган бўлса) қуртнинг учинчи ёшида кузатилади. Касалланган қуртларда иштаха бузилади, чарчоқ, хоргин бўлиб, аста-секин харакати сусаяди, қуртнинг танаси хиралашади, танасидаги сувнинг миқдори тезда камаяди. Қуртнинг массаси кичиклашиб пулалашади. Танасининг босилган жойи чуқурча ҳосил бўлади, танада қорамтир ҳар хил катталиқда доғлар ҳосил бўлади.

Бундай доғлар кўпроқ нафас тешикчаларининг атрофида, ёлғон оёқларининг асосларида кўпроқ учрайди, айрим холларда ёлғон оёқларининг учлари қораяди. Қуртнинг бош қисми билан кукрак қисмининг биринчи бўғими оралиғида халкасимон ўзига ҳосил бўлади. Агарда касаллик пўст ташлаш даврига тўгри келса, пўст ташлаш анча қийин бўлади, тўлиқ пўст ташлаб ҳам улгурмайди.

Касаллик қўзгатувчиси организмнинг озиқ моддалар кўпроқ бўлган жойларда яхши ривожланиб, шу органларнинг тўқималарини тезроқ емиради, гемолимфани сувсизлантиради, ёғ таначаларини заарлаб, кейин бошқа органларни ва ичакни заарлайди. Касаллик фаолияти қурт танасида бир ярим хафта кечади, албатта бу вақт қуртнинг ёшига, қуртхонанинг намлиги ва ҳароратига боғлиқ бўлади.

Мускардина билан касалланиб ўлган, қуртнинг ранги замбуруғнинг пигмент ҳосил қилишига боғлиқ бўлади, маълумки у оқ, қизил ва яшил мускардиналар бўлиб, улар ўлган қуртларнинг тана юзасини қоплаб олади.

Агарда қурт охирги ёшида касалланган бўлса, у пилла ўраб ғумбакка ҳам айланиб улгуриши мумкин. Қурт пилла ураш олдидан касалланган бўлса, у пиллани тўлиқ урайди, аммо ғумбак ўлади, пилласи тирик пиллага нисбатан уч марта енгил бўлиб қолади ва пилла ичидаги ғумбак қотиб, ўзига ҳосил кар пиллалар ҳосил қиласди.

Мускардина билан касалланган капалаклар жуда кам учрайди, чунки пилла қобиги заарли микробларни ўтиб кетишидан сақлайди. Капалакнинг тангачалари ҳам замбуруғ спорасини ривожланишига йўл қўймайди, чунки бу тангачалар капалак устини бутунлай қоплаб туради.

Замбуруғ спорасини уруғ (тухум) юзасида ривожланиши мумкин, қачонки споранинг ўсиши учун қулай ҳарорат ва намлик бўлса, замбуруғ гифалари тухумнинг ичидаги яхши ривожланади, уруғ ўлади, унинг ранги қизғишбўлиб, кейин оқаради, аста-секин уруғ юзасида оқ конидия бандлари ўсиб чиқади. Шунинг учун ҳам уруғчилик корхоналарида ва инкубаторияларда ҳарорат ва намликнинг юқори бўлишига йўлкўймаслик керак бўлади.

Айниқса уларни жонлантириш, уруғнинг қалинлиги ва хонанинг намлигига катта эътибор бериш керак.

Мускардинанинг диагностикаси. Бу касаллик ҳам барча инфекцион касалликлар билан касалланган ҳашаротлар сингари бўлиб, касалликнинг характерли белгилари, унга мос аломатлар кўз билан кузатилиб аниқланади. Бундан ташқари касалланган қуртнинг гемолимфаси микроскопда замбуруғ гифалари ва унинг кейинги ривожланиш стадиялари аниқланади. Ишончлироқ ва аникроқ натижаларни фазо-контрас мослама ёрдамида микроскопда кузатиш мумкин. Микроскопда кузатиш учун вақтинчалик тайёрланган

препаратлар касал қуртларнинг гемолимфасидан, ўлган қуртларнинг тери қатламидан, ички органларидан намуналар олиниб тайёрланади ва кузатилади.

Касалликнинг кўзга кўринадиган белгиларидан бири у ҳам бўлса қуртнинг ўлигидир. Кейинги этаплари уруғ (тухум) ғумбак ва капалакларда кам аниқлансада, уларнинг умумий массалари енгиллашиши, мумланишини кўриш ва уларнинг тери қатламидаги замбуруғнинг конидия бандларини ҳосил бўлиши касалликнинг тегишли ва унга хос белгиларини, яъни диагностикасини беради. Бундан ташқари замбуруғнинг турини аниқлаш, унинг систематикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни ўрганиш учун биз сунъий мухитда замбуруғни ўстириб унинг конидия бандларининг шохланиши, унда конидия спораларнинг жойланиши, конидиянинг формалари, катта кичикликларини билган холда қайси бир турга мансублигини аниқлаймиз.

Мускардинанинг эпизоотологияси. Эпизоотология деганда биз ҳайвонларда касалликнинг оммавий тарқалишини тушунамиз. Инфекциянинг оммавий тарқалиши сабаблари қўйидаги холатларда содир бўлиши мумкин. Қуртхоналарда холат, яъни олдинги йилларда касаллик тарқалган қуртхоналарни заарсизлантирмаслик, асбоб-анжомларнинг, сукчакларнинг ифлослиги, замбуруғларнинг ривожланиши учун ҳарорат, ҳаво ва намликтининг кўзғатувчининг ривожланиши учун қулайлиги ва бошқа бир қанча холатларда содир бўлади.

Бовериоз касаллигининг спораси тупроқда жуда кўп учрайди, чунки бу касалликнинг кўзғатувчисини спораси тупроқда сапрофит холда учрайди. Уни сунъий мухитда ҳам уратиш ва ўстириш мумкин.

Тут ипак қуртининг бовериоз касаллигини қўзғатувчи табиий шароитда ҳар хил органик ва ўсимлик қолдиқларида яшайди, уларни сапрофит хаёти замбуруғнинг вирулентлигини пасайтиради, шунга қарамасдан сунъий мухитда уни ўстирса вирулентлик қобилияти яна кучаяди, бу эса касаллик қўзғатувчининг озгина миқдори ҳам оммавий тус олиб кетишга сабаб бўлади. Замбуруғ касаллиги наслдан наслга ўтмайди, аммо уруғ (тухум) мускардина билан касалланган бўлиши мумкин. Мускардинанинг спораси янги жонланган қуртлар учун инфекция учоғи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ипак қурти уруғ корхоналарида уруғ юзаси тўлиқ заарсизлантирилган бўлади.

Энтомопатоген замбуруғларнинг касаллантириш йўллари ҳар хил бўлади, улар асосан трахея тешикчалари, териси, оғзи ва терининг тирналган жойлари орқали бўлиши мумкин, аммо овқат ҳазм қилиш органлари заараланмайди, чунки спора ичакнинг ишқорий мухитда ривожлана олмайди.

Ипак қуртининг вирус касаллуклари ва уларга қарши қураш чоралари

Вируслар түғрисида қисқача тушунча. Барча тирик организмларни касаллантирувчи паразит микроорганизмлар маълум бир мухитда ўсади ва ривожланади. Маълумки инфекцион касаллуклар түғрисидаги тўпланган кўплаб маълумотлар XIX аср охирларида атрофлича ўрганила бошлади. Уларни микроскопда кузатиш, сунъий мухитда ўстириш, касаллантириш даражаларини аниқлаш, системага солиш каби барча хоссалари ўрганила бошлади. Шунга қарамасдан айрим микроорганизмларни қанчаки ўрганишга ҳаракат қилмасин, барибир касаллик қўзғатувчисини аниқлашга, уни микроскопда кўриш-кузатиш имкони бўлмаган.

Рус олимларидан бири Д.И.Ивановский томонидан 1892 йилда тамаки мозаикасини ўрганиш натижасида шуни исботлайдики, касаллик қўзғатувчиси микроскопда кўринмайди, сунъий мухитда ўстириб бўлмайди бу вирус-захар деб изоҳлайди.(1)

Касалликни қўзғатувчиси ультраструктурали бўлганилиги учун бактерия фильтридан ўтиши билан бактериялардан фарқ қилишини ва бактериялардан ҳам кичик организмлар, яъни вируслар борлигини исботлаб берди.

Олимлар томонидан вируслар факат тирик тўқималарда ўсиши ва уларнинг бошқа хусусиятлари аста-секин ўрганила борди. Бактерия фильтридан ўтувчи вируслардан ташқари риккетсийлар ва микоплазма организмлар борлиги ҳам аниқланди.

Вирусларнинг бактериялардан ва микроскопик замбуруғлардан фарқи шундаки, уларни сунъий мухитда ўстириб бўлмайди, уларни заарлаган мухитдан ажратиб олиш ҳам қийин. Вирусларни кузатиш ва ажратиб олиш учун касалланган тўқималарни эзиз, бактерия фильтридан ўтказилади, бу фильтрат бир минутда 60 минг мартагача айланадиган центрофугалар ёрдамида чўқтирилиб, электрон микроскопларда кузатилади.

Вируслар уларнинг таркибидаги нуклеин кислоталарни микдори, яъни ДНК ва РНК ларнинг микдорига қараб иккита типга бўлинади.

Вирионлар ва ҳашаротларнинг вирус касаллуклари. Вирионлар вирусларнинг вояга етган бир қисмидир, бу қисмни «вируснинг инфекцион бир бўлраги» деб юритилади.

Вирион ДНК ва РНК нинг бирламчи ёки иккиламчи или бўлиб, оқсилли қобиқ билан ўралган, бу эса унинг формасини ҳосил қиласи. Электрон микроскопда кузатилганда уларнинг танаси, яъни формаси шар ёки тухумсимон кўринишда бўлиб, капсомер деб аталади, капсомер оқсилли футляр – капсид қобиқ ҳосил қиласи. Капсомерлар икки турда бўлади. Биринчи тури таёқчасимон вирусларда капсидлар цилиндрисимон маккажуҳори сўтисини эслатади. Иккинчи тури шарсимон вируслар кўп қиррали капсидларни ҳосил қиласи, улар ҳашаротларнинг турсимон мураккаб кўзларини эслатди.(4-6)

Вирусларнинг хужайрага кириши шундай бўлади-ки, у ёпишган ерида хужайра мембраналарига илашиб вакуола ҳосил қиласи у ўзи билан бирга вирионни ҳам қамраб олади хужайра цитоплазмасига жойлашади, бир вақтнинг ўзида вирион алоҳида таркибий қисмларга ажралади, яъни у эриб ўзининг характерли белгиларини ҳосил қиласи. У қобиқнинг таркибидаги липидларни эритади, капсид эриб ички мухитга сингади ва вируснинг ДНКси вирион қобигидан озод бўлади.

Хужайрага кирган вируслар янги авлодларни вирус вирионларини ҳосил қиласы. Бұдайда уларни аниқлаш қийин бўлади, бу бошланғич фаза хужайра вируснинг эклипс-фазаси деб аталади. Хужайрада вируснинг ривожланиши сезиларли даражада хужайранинг морфологиясини биокимёвий ва физиологик жараёнларни бузиб вируснинг вояга етган формалари вирионларни ҳосил қиласы.

Натижада хужайра вирионлар билан тўлиб, парчаланиб ички бутун аъзолари вирионлар билан биргаликда ҳашаротларнинг ички бўшлиғида вирус таначаларини ҳосил қиласы.

Тут ипак қуртининг сариқ касаллиги ва унинг аломатлари. Ипак қуртининг вирус касаллиги билан табиий заарланиши унинг овқат ҳазм қилиш системасида ичак ҳисобланади. Бундан ташқари вирус ипак қуртига терисининг жароҳатланган жойидан, хатто нафас тешикчалари орқали ҳам юқиши мумкин.

Ичакнинг ичак шираси таъсирида полиздр парчаланиб, ундан вирионлар ажралиб чиқади, бунда албатта ичак ширасининг pH 9-9,5 бўлиши керак. Бу холат ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди, чунки ичак ширасидаги pH қурт катталашган сари ошиб бориши мумкин.

Ипак қуртининг ичак хужайрасига вирус киргандан кейин вирион ўз қобиғидан озод бўлиб, ичак хужайралариаро ичак эпителиясига гемолимфага ўтади.

Умуман тут ипак қуртининг сариқ касаллиги полиздрлари капалакда ҳам, қўйган тухум тўпламларида ҳам аниқланган. Вирус тухумга овогенез даврида, яъни тухум қобиги ҳосил бўлмасдан олдин муртакнинг хужайрасига ўтади.

С.Н. Алимухаммедовнинг тажрибаларига асосан вируснинг полиздрлари эркак капалакларнинг сперматозоидларида, копулятив сумкачаларида, яъни сперматозоид сақланадиган халтачаларда, ургочи капалакларнинг уруғ қабул қилувчи тухум йўлларида, ургочилари қўйган оталанган тухумларида ҳам бўлиши аниқланган.(2)

Микроскопда текшириш натижаларида шу нарса аниқланганки, эндиғина тухумдан чиққан қурт сариқ касаллиги билан касалланиб жонланган куннинг иккинчи куниёқ ўлган.

Тут ипак қуртидаги касалликларнинг юқиши унинг ёшига, хажмига ҳам боғлиқ бўлади. Бундан ташқари хаётий жараёнларда овқат сифатининг пастлиги, намликтин юқори бўлиши қуртларни қувватсизлантириб касалликга тез берилувчан ҳам бўлиб қолади.

Ипак қуртининг сариқ касаллиги қўпроқ қуртлик даврида учрайди. Аммо бу касаллик қуртнинг ёшлиқ вақтида ҳам асосан учинчи ёшда учраш мумкин.

Касаллик қуртнинг бошқа фазаларида яъни ғумбаклик даврида ҳам учраганлиги олимлар томонидан топилган.

Сариқ касаллигининг инкубацион даври икки босқичда бўлади. Биринчи босқич вирионларнинг полиздрдан чиқиб хужайрага кириши бўлса, иккинчи босқич касалликнинг клиник белгиларини ҳосил бўлишидир.

Тут ипак қуртини сариқ касаллиги асосий белгиларидан бири касалланган қуртлар безовталаниб овқатланишдан қолади, қуртлар ҳар томонга қараб тарқала бошлайди, кўпинча улар сукчаклардан пастга тўкилади. Касалликнинг белгилари олдин сезилмайди,

аста-секин эса қуртнинг тери қатламида касаллик белгилари билина бошлади.

Сигментлар ораси шишади, бамисоли қурт танасида халқаларга ўхаш белгилар содир бўлади. Бундай аломатлар фақатгина ядрополиэдрози учун характерли белгилардан биридир. Касал қуртларнинг териси таранглашади, ялтироқ бўлиб бамисоли ёғли қоғозни эслатади. Охирги ёшдаги қуртлар семирганга ўхаш танаси анча йўғонлашади. Қуртнинг танаси калталалиб сигментлар оралари текисланиб кетади. Сариқ касаллигидан семирган қуртлар характератсиз бўлиб, бироз ғумбакка ҳам ўхшаб қолади. Бундай қуртларнинг ранги сомон рангда ёки оқ-сутсимон рангда бўлади.

Касал қуртларнинг гистологик тузилишини кузатилса гиподерма хужайралари бузилади, яъни дегенерацияланади. Экзокутикула қатлами эндокутикулага нисбатан йўғонлашади. Сариқ касали билан касалланган қуртлар пўст ташлагандан пўсти билан доғлар ҳам биргаликда ташланади. Касалланган қуртнинг териси жуда осонгина жароҳатланадиган бўлиб қолади, жароҳатланган ердан кўплаб лойқа гемолимфа оқиб чиқади, куриганда бу гемолимфа оқ сутсимон ёки сариқ рангда доғларни ҳосил киласди.

Касалланган қуртлар ипак чиқариб турсада «семирган»лиги натижасида пилла ўрай олмайди, чунки танаси эгила олмайди. Агарда касаллик унча кучли бўлмаса, бундай қуртлар пилла ўраб улгиради ёки ўраб улгурмасдан ўлади. Пилла ичидаги ўлиги чириб ундан сариқ ёки қўнғир кул рангдаги суюқлик чиқиб пилла қобигида доғларни ҳосил киласди.

Вируслар энг аввал қуртнинг гемолимфасини заарлаб, кейин ёғ таначаларига ўтади ва қуртнинг барча тўқималарини заарлайди, бундан ташқари жинсий без тўқималари мальпигиев началари деворларида, мускул тўқималарда сўлак ва ипак безларида ҳам вирусларни учратиш мумкин.

Сариқ касаллигининг диагностикаси ва эпизоотологияси. Сариқ касаллигининг аниқ характерли, ўзига хос аломатлари бўлганлиги туфайли касалликга диагноз қўйиш қийин эмас. Фақатгина ёш қуртларда касаллик белгиларини аниқлаш анчагина қийинчилик туғдиради. Шунга қарамасдан ёш қуртлар пўст ташлаш даврида айrim белгилар катта ёшдаги касаллик белгиларига ўхаш бўлади.

Ипак қуртининг учинчи ёшдаёқ айrim қуртларда сарғиш рангларни ҳам учртатиш мумкин.

Сариқ касаллиги билан касалланган қуртларни гемолимфаси лойқа бўлиши, сариғ ёки сут рангда бўлиш сариқ касаллигининг асосий белгиларидан биридир.

Сариқ касаллигини қўзғатувчи вирусларнинг бошқа вируслардан фарқи шундаки, уларни оддий микроскопда 600 марта катталашиб кузатилса полиэдрларнинг кристалсимон таначаларини кўриш мумкин, аммо бошқа вирусларни оддий микроскопда кузатиб бўлмайди.

Тут ипак қуртининг сариқ касаллигини эпизоотологияси яъни тарқалишида асосий манба касалланган ипак қуртининг ўзи ҳисобланади, бундан ташқари касалликни юқтирувчи капалак тухумлари ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридаги кўрсатилганлардан ташқари инфекциянинг оммавий тарқилишининг яна бир сабабларидан бири қуртхонадаги қуртларнинг ўта қалинлигидир, улар қанча

қалин бўлса пўст ташлаш даврида шунча кўп тери қатлами шикастланади ва касалликнинг осонгина қурт танасига ўтишига қулайлик туғилади.

Ипак қуртининг қуртлик даври асосий ривожланиш стадияларидан биридир, капалакларга нисбатан вируслар қуртларда, капалак тухумларида ва ғумбакларида кўпроқ учрайди.

Сарик касаллигининг эпизоотий бўлишидаги сабаблардан яна бири қўшни куртхоналарда касалликнинг тарқалишидир. Бундан ташқари ядро полиэдрози билан кўплаб касалланган бошқа танга қанотлилар, улар кўплаб вирус инфекцияларининг ўчғи хисобланади.

Вируслар ташқи муҳитда яхши сақланади, чунки улар ташқи муҳитнинг физик факторларига анча чидамли, шунинг учун ҳам касалликнинг тарқалишида асосий манба касаллик тарқалган қуртхона ёки қўшни звено қуртхоналар, олдинги йиллар касаллик тарқалган майдонлар, куртхоналар ва хўжаликлар бўлиши мумкин.

Ядро ва цитоплазматик полиэдроз тўғрисида тушунча. Цитоплазматик полиэдроз 1934 йилда Япония олимларидан бири Ишимори томонидан ўрганилган. Цитоплазматик полиэдроз тут ипак қуртида ўлат-фляшерия касаллигини, яъни вирус-фляшериясини қўзғатади. Вирус асосан қуртнинг ўрта ичагини эпителияларини заарлайди. У ядро полиэдрозидан фарқ қилиб, таркибидаги РНК микдори билан фарқланади. ДНК билан фарқланмайди, аммо цитоплазматик полиэдрооз вирионлари хужайра ядросида эмас, хужайра цитоплазмасида ҳосил бўлади.(3) Цитоплазматик полиэдроз вируслари ҳашарот вируслари ичida алоҳида гурух ҳисобланади. Улар реовируслар оиласига ўхшаш бўлиб, РНК иккита ипдан (Энтрорвируслар РНК сида эса битта ипдан) тузилган.(1,3)

Реовируслар одам ва ҳайвон вируслари бўлиб, сут эмизувчиларнинг нафас йўлларини, юқори нафас органлари касаллантиради, яъни яллиғлантиради ва ичак касалликларини энтроколитларни ва яллиғланиш (қатор) ларни қўзғатади. Шу билан бирга ҳашаротларни ҳам касаллантиради.

Энтрорвируслардан реовирусларнинг яна бир фарқи РНК нинг иккиласи иплари икки уч марта катта бўлиб, улар эфир, хлороформ, юқори ҳарорат (56°C) ҳароратга чидамли бўлади.

Цитоплазматик полиэдроз вирусларининг типик вакилларидан бири тут ипак қуртининг цитоплазматик полиэдроз вирусидир. Бу вируслар ипак қуртидан ташқари 168 та капалак турларини, турқанотлиларнинг иккита турини, иккиқанотлиларнинг учта ва пардақанотлиларнинг битта турини касаллантиради. Цмиоплазматик полиэдроз вируси ипак қуртининг ўрта ичагидаги асосан цилиндрисимон хужайраларини заарлаб, бакалсимон хужайраларни эса кам заарлайди. Улар хужайранинг митахондрийларини, рибасомалари ва бошқа органоидларини ҳам заарлайди. Хужайра ядроси эса унча ўзгармайди, бирозгина деформацияланган кўринишда бўлади. Касалланган хужайралар катталашиб, вирионлар билан тўлади ва хужайра қобиги ёрилиб ичакка ўтади.

Цитоплазматик полиэдроз билан касалланган қуртларнинг экспериментлари юмшоқ оқишироқ рангда тўшалган қофозларни ҳам доғлаб ифлослантиради. Цитоплазматик полиэдроз билан касалланган қуртлар ёриб кўрилганда унинг ичагида оқ лойқали муҳитни кузатиш мумкин. Цитоплазматик полиэдрознинг ядрополэдозидан яна бир фарқи шундаки

агарда қурт ядрополиэдрози билан касалланган бўлса, полиэдрлар экскримент билан аралишиб чиқмайди. Цитоплазматик полиэдрозда эса ичак хужайраларини ёриб, овқат хазм каналларига ўтиб экскримент билан ташқарига чиқади.

Цитоплазматик полиэдроз билан касалланган охирги ёшдаги қурт тирик қолиб ғумбакка ва хатто капалакга ҳам айланиши мумкин. Касал капалаклар соғлом капалакларга нисбатан кичик, қанотлари ривожланмаган, урғочиларида тухумдонлари ҳам кам ривожланган бўлиб, тухумлари яхши оталанмаган, насилдорлиги кам бўлади.

Ипак қуртини пебрина(нозематос) касаллиги ва уларга қарши кураш чоралари.

Нозематос касаллигини ўрганиш тарихи. Нозематоз касаллиги тут ипак қуртининг энг хавфли касалликларидан бири бўлиб, бу касалликни паразит содда ҳайвонларнинг нозема авлодига мансуб тури Nosema bombycis спораси келтириб чиқаради.

Франция олими А. де Катрфаж 1858 йилда ўзининг «Ипак қуртининг касалликлари» номли монографиясида касаллик белгиларини тўлиқ кўрсатиб беради.

Касаллик қуртлар танасида мурч сепганга ўхшаш қора доғлар бўлишини ва бу доғлар мурч кукунига ўхшаш бўлганлиги сабабли пебрина деб номланган пебрина сўзи французча сўздан олинган.

Касалликнинг характерли белгилари шундан иборатки, озиқа билан спора қуртнинг ичагига ўтади, қуртлар нобуд бўлмасдан ғумбакка айланиши мумкин. ғумбаклар ҳам ўлмай қолса, метаморфозани ўтаб капалакга айланади ва касал капалак тухумлари ҳам касалланган бўлади.

Агар касаллик тухумга ўтган бўлса, жонлантирилган тухумдан чиқсан қурт биринчи ёшдаёқ ўлиб кетади. Шунинг учун бу касаллик энг хавфли, наслдан наслга ўтадиган касаллик бўлгани учун Республикализнинг ипак қурти уруғ корхоналарида соғлом уруғлар тайёрланади.

Франция тадқиқотчиси Герин-Менвиль 1849 йилда пебрина билан касалланган ипак қуртининг гемолимфасини микроскопда кузатиб, овалсимон ялтироқ қўринишда эканлигини аниқлаб, уни гематозит деб номлайди. Шунга қарамасдан барча кузатувчи олимлар ипак қурти уруғини нотўғри сақлаш, қуртларни ёмон озиқлантиришдан бу касаллик келиб чиқади деб қарашади.

1859 йил Озима ғумбакларни микроскопда текшириб, тухум партияларининг заарланганлигини огоҳлантириб, у биринчи марта пебрина таначасини спора деб атади.

859 йилларда Виттадини тухумнинг ривожланиши даврида спора борлигини микроскопда аниқлаган бўлса, Катони биринчи бўлиб капалакларни микроскопда текширишнини амалиётга тадбик қиласди.

XIX аср бошларида ипакчилик соҳасида Франция катта муваффақиятларга эришди. Пилла ҳосили 1788 йилга нисбатан 1853 йилда 26 минг тоннани ташкил этди. Аммо 1965 йилга келиб пебрина касаллиги натижасида ҳосилдорлик 4 минг тоннага тушиб қолди. Пебрина эпизоотийи натижасида 10 млн. франк зарар кўрди. Пиллакорлар Франция давлат бошлиқларига мурожаат қилишга мажбур бўлди ва хўжаликларни соғлом уруғ билан таъминлашни талаб қилди.(2-4 Михайлов бўйича)

Франция олимларидан бири Л.Пастернинг вино ферментацияларида вино ачитқиларининг касаллуклари билан ишлари юкори баҳоланар эди, шунинг учун ҳам ипак қуртининг касаллукларини ўрганиш Л.Пастерга топширилади.

Л.Пастер 6 июн 1861 йилда Париж шаҳрини ташлаб, Франциянинг жанубига энг кўп эпизоотий тарқалган Арес шахрига бориб, ипак қуртининг касаллуги билан чикур танишиб, касалланиб ўлган қуртларни, боқилаётган жойлардаги баргхона ва куртхоналарни, ўлган капалакларни текшириб, натижаларини ва ҳисоботини Фанлар

Академиясининг Агрономия комиссиясига топширади. Бундан ташқари 2,5ойлик иш натижаларини ўз шогирдларига қолдириб, кейинги йили яна ишни ўзи давом эттиради.

Л.Пастер иккита ассистенти билан биргаликда текширишлар олиб боради, натижаларини эса хотинига сўзлаб ёздиради ва 1870 йилда «Ипак қуртининг касаллукларини ўрганиш» деган асарининг биринчи бобини ёзди, шу билан у медицина микробиологияси ва ветеринария микробиологияси катта асос солади.

Л.Пастер ўзининг бир неча мартараб қолган анализларига асосланиб, пебрина касаллигини тарқалишида капалакларни микроскоп кўригидан ўтказши шартлигини асослаб берди, шу билан бирга ипак қурти уруғини тайёрлашда аниқ тажрабалар, изланишлар ўтказишда албатта капалакларни микроскоп кўригидан ўтказиш кераклигини кўрсатиб берди ҳамда бу асосда соғлом уруғ тайёрлаш жорий этилди, Пастернинг цеплюляр уруғ тайёрлаш услуби шунга асосланган.

Нозема касаллигини қўзғатувчи споранинг биологияси. Пастер касаллик тўғдирувчи паразитнинг биологик характеристикасини бермайди, у паразитни «танача» деб атайди.

Балбиани 1884 йил пебрина касаллигининг қўзғатувчисини систематикаси билан қизиқиб, уни бир хужайраги содда ҳайвонларга киритиб, *Microsporidiam bombycis* деб атайди. 1909 йилда Штемпель томонидан пебрина қўзғатувчисининг ривожланиш цикли яхши ўрганилган. У пебрина қўзғатувчиси *Nosema bombycis* (Naegeli) деб номлайди, чунки 1857 йилда ёқ таниқли немис ботаниги К.В.Негели 1817-1821 йилларда биология станциясида ишлаб юрган пайтларида пебрина билан касалланган ипак қуртини ўз устозига келтириб ундан ажратиб олинган организмни *Nosema bombycis* деб номлайди.(5,6,7)

XX-асрларнинг иккинчи яримларига келиб электрон микроскоплар ва оддий микроскоплар ёрдамида споранинг кўриб бўлмайдиган томонлари ва унинг бир қанча ривожланиш этапларини ўрганишга мусассар бўлинди, жумладан, споранинг спороплазмаси, поляр ипи, вакуолалари, скоролупалари ва ноземанинг ривожланиш давларини тўлиқ ўрганиш имконияти очилди.

Нозема спораси илгари нозема авлодига киритилган бўлишига қарамасдан кўпгина систематик олимлар ҳар хил гурухларга ажратган. Кейинчалик эса споранинг ривожланиш стадияларига, тана қопламининг хусусиятларига, ташқи муҳитда сақланиш қобилиятлари ўрганилиб, споралилар синфи иккита кенжа синфга *Telosporidia* ва *Neosporidialariga* бўлишган.(1-5) Бу организмларда ҳам отилувчи аппарат бўлганлиги, яъни капсулали ипи бўлганлиги туфайли *Sporozoa* синфининг синоними деб қаралди. Бундай токсономик ўзгариш содда ҳайвонларнинг систематикасида ипак қуртининг пебрина касаллигини қўзғатувчиси кўпгина адабиётларда ҳозир ҳам, илгари ҳам споралиларга ва

книдоспоридийларга киритиладиган бўлди. Шуни айтиб ўтиш керакки систематика ҳар доим ўзгариб, ҳар хил систематик олимлар томонидан организмларни у ёки бу гурухларга ажратилиб туради. Бу системада нотўғри эмас.

Споранинг цитоморфологияси. Пебрина спораси ташқи муҳитда ўзини спора шаклини сақлайди, бу унинг тинч холатдаги стадияси ҳисобланади. Агарда биз уни микроскопда кузатсак, унинг танаси элипс шаклда бўлиб, ёруғликни кучли синдиради, ялтироқ, ҳаворанг силлиқ бўлиб, унинг узунлиги 3-4 мкм, эни эса 1,5-2 мкм.

Нозема спорасининг 24 та тури кўпчилик танга қанотлиларда, яъни капалакларнинг куртларида паразитлик қилувчилари бўлиб, уларнинг катта-кичиллиги бир-бирларидан фарқ қиласди. Шунга қарамасдан улар ривожланиш стадиялари билан фарқ қилмайди. Ватанабе споранинг ривожланиш стадияларини, ғўза карадинида, шоли қизил капалагида, шолғом капалагида ва уларнинг куртларида, гумбак ва ўликларида фарқлари йўклигини аниқлаб беради ва споранинг ички органоидларини (топографик) кўрсатиб беради.(4)

Спора қобиғи рангиз, силлиқ бўлиб, эластиклик хоссасига эга, у истаганга деформацияланиб, яна олдинги формасига қайтади. Спора қобиғининг қалинлиги 0,2-0,3 мкм, аммо олдинги томони бироз қалин тузилган. Спора қобиғининг физиковий ва кимёвий хоссаларидан бири ташқи муҳитнинг намлиги тез жавоб берувчи, яъни у ташқи муҳитнинг таъсирида отилувчи қутб ипини осонгина отилиб чиқишидир, бундан ташқари қобиқнинг қутб томони тезда буртиши, бўялиши билан фарқланади. Спора қобиғи аминополисахаридлар, хитин ва липидлардан ташкил топган.

Споранинг ички қисмида спороплазма – протоплазматик тана, яъни содда хайвонлардаги танача амебоидга ўхшаш бўлади, спороплазма плазматик мембрана ва кўп рибосома қобиқ билан ўралган иккита ядрои ҳам кўп рибосомали билан ўралган. Спораплазма споранинг олдинги бўшлифи билан бирқанча аралашган, аммо унинг охирида катта вакуоласи бўлиб, бирламчи мембрана билан чегараланган. Споранинг олдинги қисмида сферик вакуоласимон структура – поляропласт жойлашган, у суюқ дисперс муҳитли пластик аралашма билан тўлган.

Споранинг отилувчи аппарати книдоспоридийлар кенжак синфининг асосий фарқли белгиларидан биридир. У асосан отилувчи орган капсула (книдоциста)дан тузилган. Бундай орган ковакичлиларда ҳам бўлиб, ўзини ҳимоя қилишда ёки ўлжасига хужум қилишда хизмат қиласди. Микроспоридийларда, жумладан нозема спорасини олдинги қутб қалпокчасига яқин жойи йўғонлашган спиралсимон ип ўралган холатда бўлади. Отилувчи ипнинг олдинги қисми тўғри бўлиб, спорадан ипни механик равишда итариш функциясини бажаради. Споранинг отилувчи поляр ипини узунлиги $90,7\pm14$ мкм, йўғонлиги 0,2-0,3 мкм.(7-9)

Қутб ипининг отилиб чиқишига сабабчи факторлар. Олимлардан Осима спорага ипак қуртини ипак суюқлигидан бир томчисини томизиб, уни ипини отилиб чиқишини кузатган. Отилувчи ипни тез отилиб чиқишини микроскопда кузатиш қийин бўлганлиги сабабли, отилиш жараёнини секинлаштириш учун перекис водородга 5-10%ли ош тузининг гипертоник эритмасини қўшиб кузатиш олиб борилган. Отилувчи ипнинг отилиши учун харорат, кимёвий моддаларнинг таъсирларида ҳам кузатиш мумкинлиги ўрганилди.(5)

Осима ўзининг тажрибаларида шуни кузатадики капсула или отилиши натижасида споранинг ичидаги 3-6 мкм диаметрли катталиқдаги танача чиқиб, бу ипдан тўлиқ ажралиб, кейин кичиклашади, харакатланиб юриб гемолимфага ўтиб хужайрага ютилади. Бу сферик танача споранинг 2 ядроли спороплазмасидир.

Отиловчи ипнинг биологик функциясини Осима 1937 йилдаёқ кузатади. Спорадан чиқсан отилювчи ип ёпишқоқ модда чиқариб, осонгина ўрта ичак деворига ёпишади ва паразитликнинг ҳаракатчан стадия бўлиб, у токсинли модда чиқариб, ичакнинг эпителий хужайраларига киришини ҳам осонлаштиради деган фикрга келади.

Споранинг отилювчи ипа факатгина ҳашарот ичагига спорани киритувчи фиксатор бўлибгина қолмасдан, у спороплазмани курт ичаги хужайраларига ўтказишда маҳсус орган вазифасини ҳам бажаради.

Илгари адабиётларда икки ядроли спороплазма таначаси муртак ёки амёбоид деб номланган. Штемпель эса споранинг ривожланишини икки хил термин билан номлайди. Бири ривожланишнинг планонт (дайди) стадияси, иккинчиси эса меронт (ўтрок) стадияси, яъни ўтрок стадияси деб атайди.

Планонт стадияси спороплазмадаги иккина ядронинг қўшилишидан ҳосил бўлади, у юмалоқ, бироз эллипссимон формада бўлиб, катталиги 0,5-15 мкм коккларни эслатади, ўртада жойлашган бўлиб, ялтироқ нуқтага ўхшайди.

Паразитнинг хужайра ичидаги стадиясида планонт бир қанча вақтдан кейин иккита ядро қўшилиб меронтга айланади.

Планонтда юпқа протоплазматик қобиқ бўлиб, у амёбасимон ёлғон оёқлари ёрдамида ҳаракат қиласди. Планонтларнинг бир қисми ичак эпителий хужайраларига кириб, қолган қисми хужайралар орасида қонда ҳаракат қиласди ва организмнинг барча тўқималарига тарқалади. Планонт ичак каналида ва касалланган ҳашаротнинг хужайра ичидаги стадиясига айланади.

Меронтларнинг ядроси халқасимон оқиш хошия билан ўралган. Ёш меронтларнинг катталиги 2 мкмдан кам бўлмайди. Улар бўлининдан олдин 5 мкм айримлари эса 9 мкм ҳам бўлиши мумкин.

Меронтлар хужайра ичига кириб хужайрани катталаштиради, олдинги юмалоқ формаси сақланиб плазмодий «Шизонт» га айланади ва спороплазмадан фарқ қилиб Гимза бўёқларида ҳаворанг, ядроси эса қизил бўлиб, бўялади. Меронтлар хужайра ичиди маълум бир вақтгача ўсиб, кейин у бўлининшга ўтади. Меронтларнинг жинссиз кўпайиш оддий йўл билан бўлинниб, шизонтларни ҳосил қиласди. Бундай кўпайиш шизогания жараёни билан кўпайиш деб аталади. Бунда битта ядроли шизонт иккига бўлинниб, ҳар бири яна бўлинади ва тўртта бир ядрооли қиз хужайраларни ҳосил қиласди.

Тут ипак қуртининг тухумдони хужайраларида Исахар Ноземанинг хаётий ривожланиш циклини, яъни спора ҳосил бўлишини ўрганади. Зааралланган қуртларда иккинчи ва тўртинчи кунларда спора ҳосил бўлганлигини аниқлайди. Касаллантирилган қуртларнинг бешинчи ва олтинчи кунларда эса ипак чиқарувчи безларида споронтлар ва споробластлар ҳамда ёш споралар ҳосил бўла бошлайди.

Метоз бўлинишда тўрт ядроли споронтлар жуфтлашиб, кейин споронтларнинг бутун танаси иккита қиз споробластларни ҳосил қиласди. Споробластларнинг катталиги $3,9 \times 2,3$ мкмда бўлиб, тухумсимон формада, иккита ядро бўлиб, улар қўринар қўринмас холатда бўлади. Ёш споробластларда халқасимон мембрана бўлиб, Гольдже аппаратига ўхшайди.

Хуллас споробластлардан споранинг ҳосил бўлишини электрон микроскопда янги ҳосил бўлган споранинг бўёклар ёрдамида барча органоидларини кузатиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Нозема спораси зоологик систематикада қайси тип организмларга киради?
2. Нозема спорасининг ривожланиш стадиялари қандай боради?
3. Меронтлар, планонтлар ва спора деганда қандай тушунчага эгасиз?
4. Отиловчи кутб ипини отилиши учун қандай факторлар сабаб бўлади?
5. Вирусларнинг бактериялардан фарқи нимада?
6. Вирусларнинг тузилиши қандай бўлади?
7. Сарик касаллигининг аломатлари уларнинг тарқалиш сабабларини гапириб беринг.
8. Ядро ва цитоплазматик полиздрларнинг фарқлари қандай бўлади?
9. Замбуруғлар ўсимликлардан қандай фарқ қиласди?
10. Ҳашаротларга замбуруғ касалликлари қандай юқади?

Адабиётлар:

1. Догель В.А. - Общая паразитология Госиздат «Советская наука» Москва 1951. 240 б
2. Михайлов Е.Н. – Болезни тутового шелкопряда. Госиздат Тошкент. 1945. 145 б.
3. Михайлов Е.Н. – Болезни и вредители шелкопрядов. Сельхозгиз. Москва.1953. 189 б.
4. Михайлов Е.Н. – Инфекционные болезни тутового шелкопряда. Тошкент «Ўқитувчи» 1984. 180-229 б
5. Полтева В.И. – Морфология и цикл развития Nosema apis. Сб.науч.трудов ЛИУВВ 1948. 17-26 б.
6. Штемпель В.О. – Nosema bombycis Nageli с примечаниями относительно морфологии при обыкновенном и ультрафиолетовом свете (перевод с немецкого Э.Ф.Пояркова 1909 САНИИШ). Стр. 30
7. Штейнхауз Э. – Патология насекомых. Издательство иностранной литературы. 1952. 215-227
8. Пайо А., - О цикле развития Nosema bombycis паразита пебрины шелкопряда, перевод В.Горовниковой.12 б.
9. Хахонов А.И. – Цикл развития Nosema bombycis Nageli в гусенице, куколке и грене тутового шелкопряда (Сбор. Инфекционные и протозойные болезни полезных и вредных насекомых) Москва Сельхозгиз – 1956. 130-152 б

4-Мавзу: Интенсив тутзорлар ташкил этиш. Тутзорларни ўғитлаш, уларга шакл бериш ва қатор ораларига ишлов бериш, тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниклаш, тут касалликлари ва заараркунандаларига қарши кураш чоралари.

Режа:

- 1.Интенсив тутзорларни ташкил этиш ва уларни қатор ораларига ишлов бериш.
- 2.Тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниклаш усуллари
- 3.Тут касалликлари ва заараркунандаларига қарши кураш чоралари

Таянч иборалар: интенсив тутзор ,танланган майдон, нав, ҳосилдорлик, заараркунанда, бир ҳил жинсли, унумдорлик, ниҳол, сизот сувлари, қалмача

Интенсив тутзорларни ташкил этиш ва уларни қатор ораларига ишлов бериш

Маълумки, ипакчиликнинг асосий озуқа базаси ҳисобланган тут дараҳтини уруғдан ва вегетатив йўл билан кўпайтириш мумкин. Тутни кўпайтириш, нав синаш ва янгидан тутзор барпо қилиш тажрибалари учун ер танлашда асосан икки талабга риоя қилиш керак.

Майдон маълум типга хос, яъни унинг тупроқ хусусияти, унумдорлиги, об-ҳаво шароити ва экинни парвариш қилиш агротехникаси тажриба натижаларини келгусида тадбиқ қилинадиган туманнинг табиий шароитига мос (ўхшаш) келиши.

Майдоннинг тупроғи жиҳатидан бир хил жинсли ва унинг унумдорлиги нисбатан бир текис бўлишлиги.

Майдонга қўйилган биринчи талабга риоя қилиш учун тажрибани келгусида жорий этиладиган туман шароитида олиб бориш керак бўлса, иккинчи талабни инобатга олишда эса тажриба учун ажратилган ернинг хўжалик тарихи, яъни ўтган 3-4 йил давомида қандай ўсимлик экилганлиги, ҳайдаш чуқурлиги, ўғитлаш тартиби (ўғит хиллари), тупроқнинг текширилганлиги ҳақидаги маълумотларга ишонч ҳосил қилиш керак. Бунда юқоридаги тадбирлар майдоннинг ҳамма қисмида бир хил даражада (масалан, бир хил ўтмиш экини, бир хил чуқурликда ҳайдаш, бир хил доза ва ўғит хили – айниқса гўнг ва фосфор солинган) тупроқ унумдорлигининг текисланишига ижобий таъсири этади. Ушбу кўрсаткичлар ва яна тупроқнинг кимёвий таркиби, сизот сувларнинг чуқурлиги, шўрланиш, ишқорийлик даражаси ва бошқаларни ҳисобга олиб 1 см: 10-50 м кўламда тупроқ картаси тузилади. Юқоридаги маълумотлар бўлмаса, улар илмий ходим томонидан текширилиши керак.

Танланган майдон текис ёки 0,005-0,01 даражагача қиялиқда, умумий сатҳи тажриба вариантларини жойлаштириш учун етарли бўлгани маъқул. Тажриба ўтказиладиган тутларга микро (кичик) ва макро (катта) иқлимий шароитларнинг таъсиранчалик даражаси турли хилда бўлмаслиги учун майдон турар жой, молхоналардан камида 50-100 м, ўрмонзор ёки боғлардан 30-40 м, йўлдан 10-20 м узокда, майдонни диагонали бўйича йўл, зовур ёки доимий ариқ бўлмаслиги талаб этилади (1).

Тажрибада қўлланилган тадбирларни тутнинг ривожланишига таъсирини билиш учун тутнинг ёши ва экилиш хилларига қараб қўйидаги асосий кўрсаткичлар ҳисобланади:

Ниҳолзордаги тажрибада – ургуни экиш муддати ва кўкариб чиқиши, ўсиш фазалари, кузда барг тўкилиши олдидан ер устки ва илдиз системасининг оғирлиги ҳамда

уларга нисбатан барг сатхи, илдизнинг умумий узунлиги, кузда барг тұқилғандан кейин, 14335-69 ГОСТ бўйича ниҳол бўйининг ўртача узунлиги, см; ва илдиз бўғзининг диаметри, мм; 1 га да етиштирилган ниҳоллар миқдори, минг дона; совуқ уриш даражаси, %; 1-2-3 навлар фоизи ва миқдори, ўртача 1 минг дона ниҳолнинг оғирлиги, кг каби кўрсаткичлар ҳисобланади.

Кўчатзордаги тажрибаларда – экилган ниҳолларнинг кўкариши %; 1 га ердаги уларнинг ҳақиқий сони, минг дона; вегетация охирида кўчат танасининг ўртача узунлиги, см ва тананинг 1,2м баландликдаги диаметри, мм; совуқ уриш даражаси, %; 14335-69 ГОСТ бўйича стандарт кўчатларнинг миқдори ва фоизи аниқланади (3).

Вегетатив усулда кўпайтириш тажрибаларида: а) пайванд кўчатларда – пайвандланғандан 30 кун ўтгач ва вегетация охирида пайванд хили ва тут навига қараб кўкариш даражаси, % ; 1 гектарда пайвандланған ва пайвандланмаган кўчатлар миқдори, минг дона; 14335-69 ГОСТ бўйича пайванд кўчат танасининг узунлиги, см ва унинг 1,2 м баландликдаги диаметри, мм; совуқ уриш даражаси, %; пайванд хилига қараб кўпайтириш коэффициенти (1 дона новда ёки дараҳтдан етиштирилган кўчатлар).

Қаламча кўчатларда – совуқ уриш даражаси, %; тут навлари бўйича қаламчаларнинг узунлиги, см; экиш усули ва оғирлиги, новданинг қайси қисмдан олинганилиги ҳамда халқаланған ва халқаланмаган қаламчаларда бўртиш (каллюс ҳосил бўлиш) муддати, илдиз пайдо қилиб, кўкариш даражаси, %; битта қаламчадан етиштирилган илдизли ва новдали кўчатлар миқдори, новдаларни ўртача (см) ва умумий узунлиги, м; совуқ уриш даражаси, %; новдани 1,2 м баландликдаги диаметри, мм; 1 гектарда етиштирилган умумий қаламча кўчатлар, жумладан стандарт кўчатлар миқдори, минг дона ҳисобида.

Ниҳол ва кўчатлар етиштириш бўйича тажрибаларда юқоридаги кўрсаткичлар билан бир қаторда яна у ёки бу усул бўйича сарфланған умумий харажат, минг дона кўчатнинг таннархи, ушбу усулда ишлаб чиқариш шароитида кўчат етиштириш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар аниқланади.

Мавжуд озиқ тут дараҳтлари (бута, баланд танали ва қаторлаб экилган тутлар) учун тажриба майдони қўйидагича танланади ва тайёрланади: Тут дараҳтлари ўсиб турган жойлар тупроғининг кимёвий ва физик-механик таркиби аниқланади. Тутнинг илдиз системасининг пастки қатламларгача ўсишига қараб, тупроқ 2-3 м чуқурлиқдаги генетик қатламидан анализ учун намуна олинади ва текширилади.

Тажриба қўйишдан 2-3-йил олдин бута ёки баланд танали тутларнинг ўртача даражада ўсгаллари танланади. Бунда навдалар сони ва узунлиги, барг ҳосили, баланд танали тутларнинг 1 м баландлиги ва тана асосининг диаметри, тутзордаги тутларнинг қалинлиги, шох-шабба миқдори, тутнинг ёши, нави ёки дурагайи алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади. Умумий кўрсаткичлар бўйича тажрибага ажратилган тутлар бир-бирига нисбатан teng бўлиши ва айниқса, новдалар узунлиги ҳамда барг ҳосили жиҳатидан эса бир вариант билан иккинчи вариантдаги тутларнинг тафовути 15-20% дан ошмаслиги керак.

Йўл, ариқ бўйлари пахта ва бошқа ўсимликлар майдонининг чегараларида ўсуви, қаторлаб экилган тут дараҳтларининг аксарияти дурагай тутларга тегишли эканлиги,

уларнинг ёши, шаклланиши ва усиш шароитлари турлича бўлиши туфайли, ривожланиш даражаси, жумладан барг ҳосили ҳар хил бўлади. Шу туфайли бу хилдаги тут дараҳтларида тажриба олиб бориш учун, уларнинг ичидан бир текис ўсганларини ажратишда кўп қийинчиликларга дуч келинади.

Юқоридаги шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бундай тутларни шартли равишда кучли, ўртача ва сустроқ ўсган уч гурухга бўлиб, ҳар бир гурух ичидан барг ҳосили нисбатан тенг даражадаги дараҳтлардан бир ҳил миқдорда ажратилади. Айни вактда уларнинг ичидан жуда нимжон, касалланган ва шикастланганлари чиқариб ташланади. Шу билан бирга тажриба учун тузилган ҳар бир вариант камидаги 6 қайтарилишдан иборат бўлиши керак (1).

Озиқ, бута, баланд танали тутзорлар ва қаторлаб экилган дараҳтлардаги тажрибаларда ҳисобга олинадиган кўрсаткичлар – 1 га майдонда тутларнинг ҳақиқий қалинлиги, минг дона: 1-2 йиллик бута ва баланд танали тутларда новдалар сони ва узунлиги, м: ҳосилга кирган бута тутнинг ер бетидан 10 см ва баланд танали тутларнинг 1,0 - 1,2 м баландликлардаги тана диаметри, см ҳисобида.

Тутзорларни барг ҳосилдорлигини аниқлаш усуллари

Кузда ҳисобланадиган ҳар бир бута ва баланд танали тутларнинг умумий новдалар сони, шуларнинг энг кучли, ўртача ва кучсиз ўсганларидан 4 тадан ҳар гурух бўйича ва сўнгра 3 гурух бўйича ўртача битта навда узунлиги топилади (см ҳисобида) ва ниҳоят уни битта тупдаги новдалар сонига кўпайтирилиб, умумий узунлиги м ҳисобида аниқланади. Кўкламда барг ёзиш олдидан юқоридаги 3 гурух бўйича новдаларнинг совуқ урган қисми ўлчаниб, унинг умумий узунлигига нисбатан совуқ уриш даражаси, % ҳисобида: 1-2-3-4-5 барг ҳосил бўлиш муддатлари, эрта куз ва кеч кўкламдаги рой берадиган совуқларнинг таъсири, % : кўкламда ва такрорий бокилган қуртлар бешинчи ёшининг 4-5- кунларида намуна тутларда тортиш усулида ёки кузда барг тўкилиши олдидан шох-шабба ҳажмига қараб барг ҳосили кг ҳисобида топилади. Тутларнинг ҳақиқий қалинлигига қараб 1 га тутзорнинг барг ҳосилдорлиги, центнер ҳисобида: барг таркибидаги кимёвий моддалар ва тутзорларнинг маҳсулдорлиги, яъни етиштирилган пилла ёки ипак массаси аниқланади.

Тут навларини синаш бўйича тажрибаларда – тажриба учун келиб чиқиши жиҳатидан ота-онаси маълум навга таалуқли бўлган дурагай ёки навдор кўчатлар бўлиши керак. Ниҳол илдиз бўғзининг диаметри ва ўқ илдиз узунлиги, дурагай кўчатларда илдиз бўғзидан каллак остигача узунлиги, каллак асосининг диаметри, каллакдаги новдалар сони, новдалар ва асосий илдизларнинг узунлиги ўлчаниб, уларнинг бир хил даражадагилари хилланади.(1).

Тут селекцияси ишнинг яқунловчи қисми ҳисобланаб, янги етиштирилган, маҳаллий ёки четдан келтирилган тутлар ичидан танлаб олинган навлар синалади.

Бир вактнинг ўзида бир қанча навлар устида текшириш олиб борилганлиги сабабли, улар учун бир хил шароит яратилиши шарт.

Синашни тезлаштириш мақсадида тут навлари асосан бутасимон ёки паст танали қилиб 3 x 0,5 м схемада экиласди ва ҳар бир пайкал 300 m^2 (200 туп) дан иборат бўлади, жумладан, 240 m^2 майдондаги тут навлари агротехник кўрсаткичлари ва 60 m^2 майдондаги

тут барги билан қурт боқилиб, баргнинг озуқалик сифати аниқланади. Синаладиган навлар миқдор ва сифат күрсаткичларини аниқлаш орқали баҳоланади.

Миқдор күрсаткичларидан энг муҳими, нав ва тутзорнинг қайси қурт боқиши муддатига мўлжалланишига қараб барг ҳосилдорлигидир. Бунда баргнинг ўртача катталиги, новдалар оралиғи, уларнинг миқдори, барг банди билан барг шапалоги оралиғининг бурчак кенглиги ва бошқа ўлчамларига эътибор бериш лозим бўлади.

Синаловчи навни баҳолашда сифат күрсаткичларига қуидагилар киради:

- 1.Тут ривожланишининг айрим (куртак бўртиши, барг ёйиши, гуллаши, 5 та барг ҳосил бўлиши, мева пишиши, барг сарғайиши ва тўкилиши) даврлари киради. Бу жараён 10% гача рўй берса, даврларнинг бошланиши ва 50 % дан ошса ялпи ҳосил бўлиши хисобланади.
- 2.Кеч кузги ва эрта кўкламги совуққа чидамлилиги:
- 3.Хар хил касалликларга чидамлилиги, баллар бўйича.
- 4.Шохланиш даражаси.
- 5.Баргнинг озуқалик сифати – бу қурт боқиши орқали аниқланади 4-5 ёшли қуртни боқишига сарфланган у ёки бу нав барги

$$R - A - B$$

Формуласи орқали аниқланади. Бунда, R – сарфланган барг, кг: A- қуртга беришга тайёрланган баргнинг соф оғирлиги, кг: B- ҳўл ғана ва қолган барг оғирлиги, кг: сўнгиси (B) қуидаги формула бўйича аниқланади.

$$B=C+D$$

$$100-P$$

Бунда: C – майда шох, навда ва қурт нажаси ажратилиб, қолган ғананинг қуруқ ҳолатдаги оғирлиги, D – новдадан чимдиб олиниб, лекин қуртга берилмасдан ортиб қолган баргнинг қуруқ ҳолатдаги оғирлиги, кг: P- баргнинг намлик фоизи.

1 гр жонланган қуртга сарфланган барг миқдорини билиш учун шу вазндаги қуртнинг 4-5 ёшида берилган умумий барг миқдорини унинг оғирлигига тақсимлаш орқали аниқланади.

Нав синашда барг ҳосилдорлиги ва унинг сифати 1 га тутзорнинг барги билан етиштирилган ипак миқдорига қараб баҳоланади ва уни қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q=\frac{F}{P} \bullet S$$

Бунда: Q – 1га тутзордан етиштирилган ипак, ~ - 1га тутзорнинг соф барг ҳосили, ц: Р – 1 г қуртга сарфланган барг миқдори: S – 1 г қуртдан чиқсан ипак, кг хисобида.

Хар бир синаладиган навнинг кўрсаткичлари баллар билан ифодаланади. Уларнинг йиғиндиси орқали у ёки бу навга узил-кесил баҳо берилади.

Японияда нав синашни қисқа муддатда амалга ошириш учун лизиметrik усулда, яъни катта ҳажмдаги тубсиз бетондан ясалган идишлар унумдор тупроқлар билан

тұлдирилиб, уларнинг ҳар бирига 4 тадан, яъни 4 та идишга 16 туп синалевчи навнинг күчатлари экилади ва жуда юқори агротехникада парвариш қилинади. 16 тупдан 10 тасидан агротехник күрсаткичлар бўйича (барг ҳосили, навда узунлиги, барг сатҳи, бўғим оралиғи ва бошқа кузатишлар) олинниб, 6 тупидаги барги билан эса қурт боқилади, сўнгра барг сифатига баҳо берилади. Бу хилдаги лаборатория - дала тажрибаси усули билан жуда тез, яъни 2-3 йил ичидаги навларга тўлиқ агробиологик баҳо бериш мумкин.

Тажрибада текшириладиган тадбирнинг афзаллигини белгилашда агробиологик күрсаткичлар билан бир қаторда унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш жумладан қўл меҳнати ва механизм ёрдамида бажарилган ишларга, материалларга, ишчи қучига сарфланадиган харажатлар ва ниҳоят олинган соғ фойда (рентабеллик даражаси) ни хисоблаш зарур (3).

Тут касаллуклари ва зааркунандаларига қарши кураш чоралари

Ўзбекистон Республикаси хар хили 18-20 минг тонна атрофида хом пилла етиширади, бу маҳсулотларни фақат тут дараҳти барги туфайли етиширилади. Чунки, тут барги хозирги вақтда ипак қуртининг ягона озуқаси хисобланиб, усиз сифатли ва мўл пилла ҳосили олиш мумкин эмас лекин кейинги йилларда тут дараҳига хар хил зааркунандалар: ўргимчакканга, трипс, тут одимчиси, комсток қурти кузги тўплам бузоқбоши айниқса тут парвонаси катта заар келтирмоқда. Улардан ташқари, кейинги йилларда тутнинг янги ашаддий ва хавфли зааркунандаси пайдо бўлмоқда. Шундай заарли хашоратлардан бири тут парвонаси тут парвонаси қурти фақат тут дараҳтининг асосий зааркунандаси хисобланади.

Дастлаб тут парвонаси 1994 йилда Сурхондарё вилоятида пайдо бўлди (1). Хозирги вақтда бошқа вилоятларга ҳам тарқалиб ипак қуртини шу жойларда бокиши имкониятлари анча қийинлашган, пилла етишириш кескин пасайган.

Бу зааркунанда ипак қуртининг озуқаси бўлган тут дараҳти барги билан озиқланиб, тутчиликка жиддий зиён етказмоқда. Хозирги вақтда бу хашорат қашқадарё вилоятининг ~узор ва Яққабоғ туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Езёвон туманлари хўжаликларида. Андижон вилоятининг Улуғнор, Асака туманлари тутзорларида пайдо бўлади. Бу эса пилла етишириш хажмини камайишига олиб келмоқда (1)

Сурхондарё вилоятида бу хашоратга қарши қураш тадбирлари олиб борилиши қарамай вилоятдаги 18,1 млн туп тут дараҳтининг 11.4 млн туп (62,8%), 3674 гектар майдондаги тутзорнинг 2221 гектари (60,5%) тут парвонаси билан заараланганлиги маълум бўлди. Шундан кўриниб турибдик бу зааркунанда республикамизнинг бошқа туман ва вилоятларига ҳам тезда тарқалиб бормоқда (1).

Тут парвонасининг ривожланиш босқичлари капалак, тухум, қурт ва ғумбакдан иборат. Капалак оч қўнғир рангли, қанотларини ёзганда катталиги 16-17 мм, танасининг узунлиги 8-10 мм ни ташкил этади. қанотининг устида кичкина ялтироқ оқиши тангачалари ва хошиялари бор. Тухими оч, сутсимон, юмалоқ бўлади. Диаметри 1,0-1,5 мм, кичик ёшдаги қуртининг узунлиги 2-4 мм, ўрта ёшдаги қуртлари 10 мм гача, катта ёшдаги қуртларнинг узунлиги 17-22 мм гача, ранги оч ва тўқ яшил тусда ғумбагининг узунлиги 8-10 мм, оч қўнғир ва жигарранг бўлади. Тут парвонаси вилоятларнинг тупроқ- иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда 6-7 авлод бериб ривожланади. Бир авлоднинг ривожланиши учун 26-28 кун қуртлари учун ўртача кунлик ҳарорат $18-28^{\circ}\text{C}$ ва 50-60% намлик талаб қилинади (1). Тут парвонасининг қишлоғдан чиққан авлоди капалаклари тут кесиб

олингандан сўнг ривожланаётган навдада ва кесишдан қолиб кетган шохларнинг ўсиш нұқтасига ва ёш баргларига 1-3 донадан якка якка холда тухум қўяди. Ҳар бир урғочи капалакнинг 50-60 тадан тухум қўйиши кузатилган (1).

Зааркунанда бутун ёз мавсуми давомида ва хатто сентебр-октябр ойларида тут баргини заарлаб, дарахтни заифлаштиради, қишки совуққа чидамсиз қиласи, келгуси иили хосилни 21-30 % га камайтиради.

Тут парвонасига қарши курашда агротехник, биологик, кимёвий ва механик кураш усууллари қўлланилади. Кураш усуулларини тўғри, ўз муддатида юқори самарали қилиб ўтказиш учун зааркунанданинг ривожланиш босқичларини ўз вактида аниқлаш керак. Бу ишни албатта бажармоғи лозим.

Бугунги кунда зааркунанда билан курашнинг қўйидаги чоралари амалга ошириш талаб этилади:

- худуд бўйича карантин қоидалариға қатъий риоя қилиш.
- препаратлар билан кимёвий кураш чоралари арева, карата, БИ-58 ва фазалон препаратлари билан ишлаб бориши
- заарланган тут баргларини йиғиб олиб қўйдириб ташлаш.
- тут дарахти атрофларини чопик қилиш қўллатиб сугориши.
- қиши даврида тут дарахтларини нитрофин препарати билан тула ювиб чиқиши
- ипак қуртини бокиши даврида ва ундан сўнг тутнинг барга ишлатилмаган шохларни ёппасига кесиб ташлаш.
- куриган шохларни кесиб олиб ёқиб ташлаш.
- зааркунанданинг қишлоғчи авлоди учун мухит хисобланадиган бегона ўтларни йўқотиши.
- янги тутзорларни фақат плантация шаклида ташкил қилиш (13).

Зааркунандага қарши кураш чоралари маълум даражада ижобий бўлмоқда, албатта айтиб тавсия этилган чора-тадбирлар жойларда амалда татбиқ этилган холдагина тут зааркундаси кенг тарқалишининг олди олинади ва пиллачиликнинг озуқа базаси сақлаб қолиш мумкин.

Тут дарахтидан сифатли барг хосили олиш учун тут дарахтида учрайдиган касалликлар, зааркундалар ва ёввойи ўтларга қарши курашиш зарурдир.

Ўзбекистон шароитида қарийб 115 турдан ортиқ касалликлар қишлоқ хўжалик ўсимликларига катта зарар келтирмоқда. Олимларнинг хисоб-китобига қараганда йил давомида олинадиган хосилнинг 15-20 фоизи касалликлар сабабли нобуд бўлмоқда (2).

Тутни касалликлардан химоя қилишнинг бир неча чоралари мавжуд бўлиб, шулар ичida кўчатзорларда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиши, алмашлаб касалликка чидамли тут навларини танлаб экиши, бегона ўтларни ўз вактида йўқотиши чора-тадбирларни кўриш керак.

Республикамиздаги тутчилик билан шуғулланаётган қатор вилоятларда микоплазма, бактериоз, вирус каби юқумли касалликлар тут барги озиқа сифатига, хосилдорлигига катта зарар етказмоқда. Бу касалликлар ҳозирги кунда вилоятларда хатто қўшни давлатлар Туркманистон, Тожикистонда кенг тарқалиб тут барги сифатига салбий таъсир этмоқда (2).

Микоплазма-тут дарахтининг пакана бўлиши ёки баргининг бужмайиш касаллигидир. Унинг кўзғатувчиси микоплазма эканлигини Япон олимлари 1969-1970 йилларда аниқлаган. Бизда эса бу касаллик 1984-1988 йилларда аниқланган. ҳозирги

вақтда бу касаллик тут дараҳтларидан йилдан йилга кенг тарқалмоқда. Натижада озиқа сифати ёмонашып барғы ҳосили камайиб кетмоқда.

Микоплазма касаллиги уруғ ва пайванд орқали тез тарқалади. Касалликка күпроқ тутнинг айрим навлари берилувчан эканлиги кузатишлар асосида аниқланди. Шулар ичида 1992 йилдан ҳозирги вақтга қадар кучли даражада касалланган тут навлари: САНИИШ-15, Кайриовассие, Тожикистан сербаргли, Болгар-26, САНИИШ-1, Топкросс-1, Мурасаки василар кузатилган бўлса, 1997 йилдаги кузатув натижасида ПС-292, ПС-309, Ошимо навлари кучли даражада –3 балл, Тамматут, Селекция-86, Комбинация-17, Зокиртут, Южний-1 навлари кучсиз 1 балл даражада микоплазма билан касалланганлиги маълум бўлди (2).

Кузатишлар баҳор, ёз, куз мавсумларида олиб борилиб, 200 га яқин тут навлари куздан кечирилди. Тутнинг бактериоз касаллиги Ўзбекистонда 1931 йилдан мавжуд бўлиб, касалликни қўзғатувчи бактерия орқали тарқалмоқда. Баҳорда намгарчилик юқори вақтларда, тутзорларда бактериянинг ўсиши ва ривожланишига шароит туғилади ва касаллик кўпаяди. 1994 йил ва 1998 йил баҳорда ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли институт Жарарик тажриба хўжалиги Осенний АзНИИШ-8, АзНИИШ-9, ЛИХИ-5, Лихи-2, Токодзюмонзи, Азарбайжон –66, Зокир-тут, САНИИШ-38, САНИИШ-36, М 2Г-70, ГС-6, САНИИШ-39 навлари 1-2 балл даражада касалланди. ПС-309, Кутаиси, Шотут, ~олиб-тут, Она-тут, ватон-тут навлари эса кучли даражада 3 балл билан касалланганлиги кузатилди (2).

Вирус касаллиги тут баргининг ипсимон бўлиши демакдир, касалликнинг ташки белгилари, баҳорда кам кўринади ёз ва куз мавсумларида эса кўзга яққол ташланади. Касаллик уруг орқали ва агротехник ишлов бериш ва пайванд орқали юқиши аниқланган. кейинги беш йиллик кузатишлардан маълум бўлишича, касаллик билан күпроқ тутнинг эркак навлари САНИИШ-2Г. А-9-72, К-11, Арангино, Манкент, Иртишар, Сиозисо, Адреули, Мутант-К-22, А-9-73, №=25=70, САНИИШ-14 навлари кучли даражада 3 балл билан касалланиши аниқланган. марварид тут, Тошкент, ПС-292, Фелексиза, АзНИИШ-9, Паш-тут, Боксо, Ёкут тут, Хао-тут, Октябрь-2, Токодзюмонзи, Бедона-водил, Незумигаеси, Итхой, Тоговасе навлари эса 2 балл билан касалланган. Зокир-тут, Селекция-86, Косуга, Селекция-49, Ш-34, Япон-80, Знотко, Койриороссо, Чаг-тут, Туглин-глин, АнНИИШ-8, Кайриовассие, Назарлик навлари эса 1 балл даражада вирус билан касалланиши маълум бўлди (2,3,4).

Касалликларга қарши кураш чора-тадбирлари сифатида қуйидаги тадбирларни тавсия этиш мумкин:

- алмашлаб экишни кенг жорий этиш, асосан тутзорларда, тут ораларига беда ва дуккакли экинлар экиш тавсия этилади;
- касалликка чидамли бўлган навларни экиш;
- тут уруғини экишдан олдин дорилаш;
- касал дараҳтлардан қаламчалар тайёрламаслик ва бошқалар (2).

Хулоса қилиб айтганда бу касалликларни олдини олиш энг аввал экилган тут кўчатлари, доимий жойда ўсаётган тут дараҳтларига агротехникани тўғри қўллаш, экилиш оралиғини зич қилмасдан керакли ҳолида бўлишлиги ва ўз вақтида кимёвий кураш чораларини қўллаш лозим.

Назорат саволлари

1. Заарқунандага қарши кураш чоралари неча хил ва қандай?
2. Ўзбекистон шароитида қарийб неча турдан ортиқ касалликлар қишлоқ хўжалик ўсимликларига катта заар келтирмоқда?
3. Тут парвонасига қарши курашда тадбирлари қандай?
4. Дастлаб тут парвонаси қаерда пайдо бўлган?
5. Баргнинг озуқалик сифати – бу....
6. Синалувчи навни баҳолаш мезонлари қандай?
7. Майдонга қўйилган биринчи талаб қандай?
8. Уругни экиш муддати ва кўкариб чиқиши, ўсиш фазаларини айтинг?
9. Қандай вирусли касалликларни биласиз?
10. Вирус-бу.....

Адабиётлар:

1. Одилов Ф.К., Хидаев А.С. – Тут парвонаси ва унга қарши кураш чоралари. Тошкент. «Ипак» илмий-техника журнали. №3, 1999. 10-12 б.
2. Жўраев Т.Х. – Тут навларида микоплазма, бактериоз, вирус касалликларининг тарқалишива уларга қарши кураш чоралари. Тошкент., «Ипак» илмий-техника журнали, №3, 1999, 12-13 б.
3. Рахмонбердиев К., Мухаммаджонов Ш. – Тут селекцияси. Тошкент, «Мехнат», 1987, 91-92 б.
4. Абдуллаев У. – Тутчилик, Тошкент, «Мехнат», 1991. 343-377 б.
5. Абдуллаев У.А. – «Тутчилик» Т. Мехнат, 1991. 304-312 б.
6. Рахмонбердиев ва бошқалар – «Тут селекцияси» Т. Мехнат, 1998. 52-71 б.
7. Фёдоров А.И. – «Тутводство» М. Госизельхозлит, 1954. 72-74 б.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. И.А.Каримов “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи” Тошкент “маънавият”-1998 йил.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
6. Президентнинг “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ-512-сонли қарорига

III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User) Breakthrough Level A1)-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибяда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.

11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Аҳмедов Н.А. – Ипак қурти маҳсулдорлигини оширишнинг экологик ва физиологик асослари. Тошкент, 1999. 173-180 б.
17. Аҳмедов Н., Мурадов С. – Ипак қурти экологияси ва боқиш агротехникаси. Тошкент Ўқитувчи, 2004. – 160 б.
18. Аҳмедов Н. – Фермер хўжаликларида ипак қуртини боқиш технологияси. Тошкент, Ўқитувчи, 2006. – 80 б.
19. Раҳманбердиев К.Р., Хиббимов М.Х. Тут дараҳтларини қаламчасидан кўпайтириш. Тошкент. Мехнат. 1997. Б.52-55.

IV. Электрон таълим ресурслари

- 1.www.Zyonet.uz
- 2.www.edu.uz
- 3.Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
- 4.[http://learnenglishkids.britishcouncil.org\(en\)](http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en)
- 5.<http://learnenglishteens.britishcouncil.org>
- 6.[http://learnenglish.britishcouncil.org\(en\)](http://learnenglish.britishcouncil.org/en)
- 7.http://www.bio.pu.ru.
- 8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:
www.press-service.uz
- 9.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
- 10.Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI:
- 11.Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
- 12.Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
- 13.Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
- 14.www.toucansolutions.com/pat/insects.html.
- 15.[www.fi.edu\(tfi\)hotlists\)insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html).
- 16.[www.rcmplearning.org\(docs\)ecdd0](http://www.rcmplearning.org/docs/ecdd0)
- 17.[www.ravnovesie.biz\(economy\)economy3.html](http://www.ravnovesie.biz/economy/economy3.html)
- 18.www.toucansolutions.com/pat/insects.html.
- 19.[www.fi.edu\(tfi\)hotlists\)insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html).
- 20.www.uznature.uz
- 21.www.agro.uz
- 22.www.sheki-ipek.com.az

ГЛОССАРИЙ

1. **Адвентив органлар** - -айри тасодифий органлар
2. **Аблактировка** - қүш пайванд ёндош пайванд
3. **Абороген** – ўзидан чангланиш
4. **Афтогомия** – бир хужайрали органларда рўй берадиган ўзидан уруғланиш оталаниш процесси бундан бир хужайра ичидаги ўзаро қўшилади афтогомияда олдин хужайра мағзи иккига бўлинади натижада хосил бўлган иккита ёш мағиз етилиб бория яна бир –бирига яқинлашади сўнгра ўзаро қўшилади бу кўпроқ туба н гулли ўсимликларда учрайди.
5. **Автополполоит** – ташқи мухит факторларининг аниқланиши натижасида кескин ўзгариш ўсимликда дастлабки хромосомаларнинг қайта кўпайишида пайдо бўлган формалари.
6. **Иқлимлаштириш** – ўсимликларни янги мухит янги об-хаво шароитига мослаштириш.
7. **Аллополполоит** – диплоид хромосомали ўсимликлардан хосил бўлган дуругай.
8. **Ареал** – ўсимликларнинг бирор тури туркуми ёки оиласи тарқалган жой майдон .
9. **Вит** – тур пайванд ўсимликларнинг органларининг алоҳида сифатига эга бўлган формаси.
10. **Гайбутис** – ўсимлик органларининг ташқи кўриниши.
11. Гаметти – гаметта қишлоғи жинсий хужайралар гаплоидхромосомалар сони 1-14 таңг бўлган хужайралар
12. **Гексапоид** – хужайралар 6 гаплоид хромосомали хужайралар
13. **Генетика** – яратилиш вужудга келиш
14. **Гетрозис** – қиёфа ўзгариши , бир-биридан узоқ турлари ёки бутунлай турли шароитларда етиштирилган индивидларнинг ўзаро чатиштириш орқали навларнинг хаётчан ва тез ўсуви хосилдор тутларнинг юзага келиши.
15. **Гибрид** – дурагай
16. **Селекция**- Ипак құртларини танлаш.
17. **Абороген**- Эски ипак құрти зотлари.
18. **Зот**- Ипак құртини бир хил морфологик белги, хусусият, кўриниш ва авлодга эга бўлган оиласи куртлар тўплами.
19. **Хромосома**- Ядро ҳужайрасини структурали элементи.
20. **Хроматид**- Хромасоманинг икки ипидан биттаси.
21. **Эволюция**- Организмларнинг ривожланиш тарихи.
22. **Фенотип**- Организмнинг комплекс белгилари.
23. **Мутация**- Табиатдаги бирор фактор таъсирида организмда тўсатдан рўй берадиган ўзгариши.
24. **Популяция**- Жинсий йўл билан эркин чатишадиган капалаклар.
25. **Гамети**- Жинсий хужайралар.
26. **Гаплоид**- Хромасомалар сони бирга тенг бўлган хужайралар.
27. **Генетика**- Яратилиш, келиб чиқиш.
28. **Интродукция**- Иқлимлаштириш.
29. **Вольтинлик**- Ипак құртини бир йилда авлод бериш хусусияти.
30. **Моновольтин**- Бир йилда бир марта авлод берадиган ипак құрти зотлари.
31. **Бивольтин**- Бир йилда икки марта авлод берадиган ипак құрти зотлари.